

А

Бош муҳаррир:
Раъно ТОЛИПОВА

Масъул котиб:
Шаҳноза ЖЎРАЕВА

Муҳаррирлар:
Ўғилой МАВЛОНОВА
Доно ХЎЖАЕВА
Қундузхон
ҲУСАНБОЕВА

Саҳифаловчи:
Гулноза ВАЛИЕВА

Матн терувчи:
Нодира
МИРЗААҲМЕДОВА

Таҳрир ҳайъати:
ЙЎЛДОШЕВ Қозоқбой
МУСАЕВ Усмонали
МАДАЕВ Омонилла
МАҲМУДОВ Низомиддин
МИРҲАБИБОВА Наргиза
НОРМАТОВ Умарали
НУРИДДИНОВА Дилдора
ОДИЛОВА Саодат
РАҲМОНОВ Ваҳоб
ТОЖИБОЕВ Рустам
ТОШМИРЗАЕВА Шарофат

TIL VA ADABIYOT TA'LIMI

**ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ
ХАЛҚ ТАЪЛИМИ
ВАЗИРЛИГИНИНГ
ИЛМИЙ-МЕТОДИК
ЖУРНАЛИ**

2010/8

1991 йилдан
чиқа бошлаган

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот
агентлигида 2006 йил 22 декабрда
0055-рақам билан рўйхатга
олинган

ISSN 2010-5584

Таҳририят манзили:
100027, Тошкент шаҳри,
Фурқат кўчаси, 2-уй.

Тел.: 245-21-93
245-68-40

E-mail: til@sarkor.uz
Веб-сайт: www.til.sk.uz



Mundarija

Barkamol avlod – mamlakat kelajagi

Nosirjon AZIZOV, Ahroljon RO‘ZIYEV. O‘zbek milliy kurashi va bel olish kurashi haqida3

Metodika

Isroiljon PO‘LATOV, Hikmatxon AHMEDOVA. Ona tili bo‘yicha didaktik o‘yinlar9

Qunduzxon HUSANBOYEVA. 5-sinfda «Susambil» ertagini o‘rganish..... 11

Tilshunoslik

Азамат Пардаев. Ўзбек тилидаги *қадар* кўмакчисининг семантик-стилистик хусусиятлари 15

Adabiyotshunoslik

Орзигул ҲАМРОЕВА. Фитратнинг «Ўзбек адабиёти намуналари» мажмуаси хусусида 19

Шаҳноза РАҲМОНОВА. Эркин Воҳидов арузи 30

Дилфуза ТОЖИБОЕВА. Хуршид Даврон шеъриятида рамзий ва мажозий тимсоллар 34

Оқила АБДУЛЛАЕВА. Сўзларда ранг симфонияси..... 42

Adabiy taqvim

Қозоқбой ЙЎЛДОШЕВ. Йирик туйғулар куйчиси 47

Ma‘naviy qadriyatlarimiz

Шавкат ҲАЙИТОВ. Алишер Навоий талқинидаги ҳилм..... 62

Зухра МАМАДАЛИЕВА. «Лисон ут-тайр» достонидаги бир ҳикоят шарҳи..... 70

Nuqtayi nazar

Сожида ДЖУРАЕВА. Муаммо ва у билан боғлиқ санъатларда чалкашлик..... 77

Lug‘atshunoslik

Маҳфуза УСМОНОВА. Навоий асарларида гул морфемали сифат ва равиш сўзларнинг қўлланиши 87

Atamashunoslik

Гулноз ЭРНАЗАРОВА. Атоқли отлар асосида шаклланган ўзлашма минералогик терминлар хусусида 92

BARKAMOL AVLOD – MAMLAKAT KELAJAGI

O‘zbek milliy kurashi va bel olish kurashi haqida

Umumiy o‘rta ta‘lim tizimi va o‘rta maxsus kasb-hunar ta‘limida adabiyot o‘qitishda adabiy materiallar orasida kurash bilan bog‘liq voqea-hodisalarga duch kelinadi. Shunday vaziyatlarda o‘quvchilarga kurash va uning turlari, **kurash** va **olish** atamaları haqida batafsil ma‘lumot berishga ehtiyoj seziladi. Ushbu maqolada mazkur masala xususida so‘z yuritmoqchimiz.

Qadimda O‘zbekiston hududida bir qancha yakka kurash turlari mavjud bo‘lib, ular bir necha yo‘nalishlarni o‘zida mujassamlashtirgan va umumiy **kurash** nomi bilan atalgan. O‘z davrida bu kurash turlarining har biri amaliyotda qo‘llanilishiga ko‘ra turlicha nomlangan va barchasida kurashchining egnida yaktak, ustidan chopon va belida belbog‘ bo‘lgan, chunki kurash amallari bel bilan bog‘liq bo‘lgan.

O‘zbek kurashi turli soha olimlari, xususan, sobiq sovet tarixchilari, arxeologlari tomonidan o‘rganilgan, lekin kurash turlarini nomlashda juda katta xatoliklarga yo‘l qo‘yilgan. Buning sababi, birinchidan, o‘zga millat vakillarining an‘analarimiz, urf-odatlarimizni yaxshi tushunmaganligi bo‘lsa, ikkinchidan, tariximizni mensimaslik, boshqa bir mafkurani zo‘rlab xalqimiz ongiga singdirilishidir.

O‘zbek kurashi turlarining nomlanishi va qoidalari qanday bo‘lganligini aniqlash uchun yuzlab keksa pahlavonlarning so‘zlarini tahlil qilishga to‘g‘ri keldi. Kurash

ilmini yaxshi bilgan ajdodlarimiz amallarning nomlanishini quyidagicha ta'riflashgan:

1. Ikki raqib bir-birining belidagi belbog'ini qo'yib yubormay, oyog'idan chalmay, biror amalga tayangan holda jismoniy kuch ishlatib uni ko'tarib tashlab, yelkasini yerga tekkizish yo'nalishi.

2. Ikki raqib bir-birining belidagi belbog'ini qo'yib yubormay, oyog'idan chalish orqali biror-bir amalga tayangan holda jismoniy kuch ishlatib yelkasini yerga tekkizish yo'nalishi.

3. Ikki raqib bir qo'lni qo'yib yuborib, ikkinchi qo'li bilan raqibining belbog'idan ushlab, biror-bir amalga tayangan holda jismoniy kuch ishlatib yelkasini yerga tekkizishlarning barcha yo'nalishi.

Kurashning bu turlari **«Bel olish kurashi»** deb nomlangan. Bu kurashda amal bajarishning tayanch nuqtasi beldir.

Belbog'dan ushlanmaydigan, bir qancha yo'nalishlarni o'zida mujassamlashtirgan qoidalar asosida olishiladigan tur esa **«Kurash»** deyiladi.

Barcha amallarni bajarishda beldagi belbog'dan ushlamay tashlanish, shuningdek, beldagi belbog'ni bir qo'l bilan yoki ikki qo'l bilan ushlab chalish hamda beldan quchoqlab jismoniy kuch ishlatib ko'tarib tashlash kabi bir qancha yo'nalishlarni o'zida mujassamlashtirgan turlarni o'zbeklar kurash ilmiga asoslanib, umumiy tarzda **«Kurash»** deb atashgan. Bel olish kurashi turlari esa «Kurash» tarkibida mavjud bo'lgan yo'nalishlardan biridir.

«Olish» atamasining ma'nosi haqida keksa pahlavonlarning fikrlariga tayanib shuni aytish mumkinki, *har qanday raqibning jismoniy kuch ishlatish davridagi harakati «Olish» deb tushuniladi.*

Tan olish kerak, o'zbeklarda «Kurash» va «Olish» atamalari boshqa-boshqa ma'noni anglatsa-da, lekin ularning

har ikkalasi bir maqsadni ko'zlaydi, ya'ni raqibni har qanday holatda ham yengish. Kurash ilmini yaxshi bilgan vatandoshlarimizning ta'kidlashicha, «Kurash»ning sodda ma'nosi – yiqitishdir. «Olish»ning jaydari ma'nosi esa – kuch ishlatishdir.

Voha viloyatlarida istiqomat qilgan bir qancha keksalarning aytishiga qaraganda, «Olish» atamasi raqibning yelkasini yerga tekkazish emas, aksincha, raqibga jismoniy kuch ishlatilayotgan holatdir. «Kurash» deganda raqiblar bir-birining yelkasini yerga tekkazishi, yiqitishi tushuniladi. Bag'dod tumanida istiqomat qiluvchi keksa pahlavon To'ranazar Xo'ja o'g'li «Olish» va «Kurash» haqida shunday deydi: «Olish bo'lmasa, kurash bo'lmaydi. Oldin kuch ishlatiladi, so'ng yiqitiladi».

Beldagi belbog'dan ushlab amal bajarish **bel olish kurashi** deb atalishini Abulqosim Firdavsiyning «Shohnoma» asarida ham uchratish mumkin. Dostonda Eron podshosi Bahrom Go'r bilan Hindiston podshosi Shangulning polvonlari o'rtasida bo'lib o'tgan bel olish kurashi quyidagicha tasvirlanadi:

*Ikki devqomatni chorlatdi Shangul,
«Kurashda baxtingiz sinang!» – dedi ul.
Ul mardi maydonlar mahkam bel bog'lab,
Davraga tushdilar kurashni chog'lab.
Chirmashib ikki zo'r olishardilar,
Bir-birga sherday chang solishardilar.
Birining belidan ko'tardi-yu dast
Yerga chunon urdi, bo'ldi chilpora.¹*

«Shohnoma»da Rustam mashhur pahlavon sifatida ulug'lanadi, u o'z yurtiga cheksiz sadoqati bilan yaqqol ko'zga tashlanib turadi. Rustam o'z o'g'li Suhrob bilan bo'lgan bel olish kurashida yengiladi. Uni Firdavsiy shunday bayon qiladi:

*Otlarni toshga bog'lab keldilar,
Adovatdan dilni dog'lab keldilar.
Olisha ketdilar naq quturgan sher,
Terga qon qotdilar, qoro qonga ter.
Sahardan tushgacha goh bu, gohi u,
Zo'r kelib olishdi qilib ho-yu hu.
Rustam belbog'idan azot ko'tardi,
Zo'ridan go'yoki yer darz ketardi.
Suhrob na'ra tortdi, ovozida kin,
Rustamni irg'itdi aylab yerparchin.
Sher zarbidan yerga qulagan qulon,
Majolsiz yotardi yerda Tahamtan...²*

Shuningdek, o'zbeklarning «Alpomish» dostonidan olingan quyidagi parchada ham pahlavonlar kuch ishlatib raqibini yiqitishi jarayoni tasvirlangan:

*Yomon-yaxshi nolishaylik,
Yot ham bo'lsak tanishaylik.
Ikkovimiz olishaylik,
Kel, Ko'kaldosh kurashaylik.
Xudo madad berdi Hakim polvonga,
Qisdi to'qson gazli devning belini.
Ikkovi tamom zor-u zor,
Ikkovi polvon bo'lib qoldi barobar.
Gursillashib, dursillashib kurashdi,
Bosgan izin bari bo'ldi shudgor.
Polvon edi Boybo'rining bolasi,
Qisa berib devning belin sindirdi.
Eshit, Alpomishning aytg'on dovshiga,
Qalmoqlar teng qilgan ishiga.
Ko'kaldoshni qalqon qilib boshiga
Olib borib urdi marra toshiga...³*

Ko'rinib turibdiki, dostonda Alpomishning raqibi beliga kuch ishlatib uni yiqitishi chiroyli tasvirlangan.

«Alpomish» dostoni o‘zbek xalqining eng qadimiy, shu bilan birga hozirgi kunda ham sevilib kuylanib kelayotgan adabiy yodgorligidir. Dostonda Qo‘ng‘irot va Boysun nomi tilga olinadi. Ana shu hududlarda hozirgacha o‘zbeklar yashab keladi. Olimlarning ta’kidlashicha, «Alpomish» dostonidagi voqealar ming yildan ko‘proq vaqt ilgariga borib taqaladi. Shuning o‘ziyoq o‘zbeklar bu hududda qadimdan yashaganligini ko‘rsatadi.

Demak, «Alpomish» dostonini tahlil qilish orqali o‘zbeklarning bir qancha kurash turlari mavjud bo‘lganligiga amin bo‘lamiz. Dostondagi «Olish» atamasi turkiy millatlar ichida asosan o‘zbeklarga taalluqli ekanligiga shubha qolmaydi.

«O‘zbek tilining izohli lug‘ati»ida «Olishish» atamasiga: «*Bel olishish*. Yakkama-yakka olishish yoki Bel olishmoq, bir-birini yengish uchun chalishmoq»⁴ yoki «*Yiqitish*. G‘olib chiqish uchun ikki kishi o‘rtasida ma‘lum qoidaga asoslangan olishuv, o‘zaro bellashuv» deb izoh berilib, quyidagi misol keltiriladi: «Elmurod sahna o‘rtasida to‘planishgan yoshlar tomonga ketdi. Bu yerda kurash boshlangan bo‘lib, Davlatyor bilan Ma‘mur bel olishmoqda edi».⁵

Sobiq ittifoq davrida milliy kurash turlarining rivojlanishiga katta to‘sqinliklar qilindi. Shu sababdan uning ko‘p turlari yo‘q bo‘lib ketgan, borlarini nomlashda ham katta xatoliklarga yo‘l qo‘yildi. Ana shu kurash turlarining farqlari va nomlanishini aniqlashda ko‘p yillar tadqiqotlar olib borildi. Buning uchun Qirg‘iziston, Turkmaniston, Tojikiston, Rossiya Federatsiyasining bir qancha shaharlarida, Eron, Turkiya, Xitoyda istiqomat qiluvchi va respublikamizning barcha viloyatlarida yashovchi, milliy kurashlarimiz qonun-qoidalari va kelib chiqishini yaxshi biladigan o‘zbek millatiga mansub keksa faxriylar bilan suhbatlar o‘tkazildi.

Sobiq ittifoq davrida chop etilgan «Kurash» kitobida shunday jumlar bor: «*Agar polvonlardan biri mayib bo‘lganligi*

tufayli kurashni davom ettira olmasa, bu olishuv 5 minutgacha to'xtatilishi mumkin, lekin shu ondayoq navbatdagi juftlarning olishuvi tayinlanadi. Bordi-yu, haligi kurashchi 5 minutdan keyin ham olishuvni davom ettira olmasa, u mag'lubiyatga uchragan hisoblanadi. Agar bir olishuv mobaynida kurash doimo bir polvonning aybi bilan to'xtatiladigan bo'lsa, o'sha tanaffus uchun o'tgan vaqt jami 5 minutdan oshmasligi lozim».⁶ Ko'rinadiki, «kurash» atamasi raqibni yiqitish uchun ishlatilayotgan bo'lsa, «olishuv» atamasi raqiblarning bir-birini yiqitish uchun sarflanadigan jismoniy kuch ishlatish jarayonidagi harakatidir.

Bugungi kunda dunyo sahnasiga chiqqan o'zbek kurashini «Bel olish kurashi» deyish unchalik to'g'ri bo'lmaydi. Chunki, unda birinchidan, raqiblar avvaldan belbog'dan ushlab kurashmaydilar; ikkinchidan, amallar qadimdagidek faqat belbog'dan emas, yaktak yoqasidan, yengidan va boshqa har qanday joyidan ushlab bajariladi; uchinchidan, agar kurashchida xohish bo'lsa, raqibining belbog'idan bir qo'lda yoki ikki qo'lda ushlab ham amal bajarishi mumkin.

Nosirjon AZIZOV,
O'zbekiston Bel olish kurashi federatsiyasi
bosh murabbiyi, Xalqaro toifadagi hakam;
Ahroljon RO'ZIYEV,
Xalqaro havaskor kurashchilar assotsiatsiyasi
a'zosi, pedagogika fanlari doktori.

¹ Firdavsiy. Shohnoma. 1-kitob. T.: G'.G'ulom nomidagi Adabiyot va san'at nashriyoti, 1975. 491-b.

² O'sha asar, 495-b.

³ Alpomish. T.: Fan, 1969. 211-b.

⁴ O'zbek tilining izohli lug'ati. M.: Rus tili, 1981. 533-b.

⁵ O'sha asar, 409-b.

⁶ Kurash (Farg'ona va Buxoro qoidalari bo'yicha). T.: O'zSSR Ministrlar Soveti Mudirligining bosmaxonasi, 1959. 18-b.

METODIKA


Ona tili bo'yicha didaktik o'yinlar

Gul sayri

Bu o'yinda vazaga solingan turli rangdagi gullar bandiga yopishtirilgan qog'ozchalarga sinonimik qatordagi bosh so'z yozib qo'yiladi. Har bir o'quvchi ixtiyoriy ravishda bitta gul tanlab oladi va bu gul bandidagi qog'ozchaga yozilgan so'zning sinonimlarini topib, sinonimik qator hosil qiladi. Agar o'quvchi ushbu shartni bajarsa, gul unga sovg'a qilinadi. Agar bajara olmasa, gul o'z joyiga solib qo'yiladi. So'ngra har bir o'quvchi o'zi tanlagan so'zning sinonimlarini o'qib eshittiradi. Bosh so'zga eng ko'p sinonim topgan o'quvchi g'olib deb e'lon qilinadi.

Boshqotirma

Kataklarga nutq uslublariga doir savollarga javob bo'lgan so'zlarni joylashtiring.



1. Qaysi uslubda kishi nomlarini qisqartirib ishlatish mumkin?
2. Qonun matnlari, farmonlar, farmoyishlar, buyruqlar qaysi uslubda yoziladi?
3. Aniqlik, obyektivlik, mantiqiy izchillik, qisqalik kabi xususiyatlar qaysi uslubga xos?
4. Qaysi uslubning muhim xususiyati axborot berish va ta'sir etishdan iborat?

5. Qaysi uslubdagi matnlarda adabiy til me'yorlariga muvofiq bo'lmagan so'zlar ham ishlatilishi mumkin?

Estafeta

Bu o'yinda boshlovchi rolidagi o'quvchi yil fasllari tasviri bilan bog'liq bo'lgan ijodiy matnning ikkita jumlasini (*masalan: Kuz keldi. Dalalarda yig'im-terim boshlandi.*) qog'ozga yozadi va uni yonidagi o'quvchiga uzatadi. Bu o'quvchi ham yozilgan jummalarga mantiqan bog'liq bo'lgan yana ikkita jumla yozib, uchinchi o'quvchiga uzatadi va hokazo. Natijada o'n olti jumladan iborat bo'lgan bog'lanishli matn tuziladi. Matn tuzilib bo'lingach boshlovchi uni guruh a'zolariga o'qib beradi. Uslubiy yoki grammatik xatolar bo'lsa tuzatiladi.

O'yinda ma'lum vaqt (masalan, ikki daqiqa) ichida eng mazmunli, usluban bexato va to'la matn tuzgan guruh g'olib bo'ladi.

Bahr-u bayt o'yini

Bu o'yin ham estafeta o'yinidek guruh a'zolari tomondan qog'ozga bir band she'riy matn yozishdan iborat bo'ladi. Boshlovchidan so'ng qog'ozni qo'lga olgan o'quvchining yozgan bayti boshlovchi yozgan baytning oxirgi harfidan boshlanishi kerak. Shunday qilib, o'yinda qog'ozga tushgan baytlar oxirgi harflari bilan bir-biriga ulanib ketadi. Birinchi bo'lib o'n olti satr (8 bayt)ni bexato yozib qog'ozga tushirgan guruh a'zolari o'yinda g'olib bo'ladi.

**Isroiljon PO'LATOV,
Hikmatxon AHMEDOVA,
Qo'qon Davlat pedagogika
instituti o'qituvchilari.**



5-sinfda «Susambil» ertagini o'rganish

5-sinf «Adabiyot» darsligidagi «Susambil» ertagi matni bilan tanishishga birinchi darsning 21–22 daqiqasi sarflanadi.¹ Qolgan vaqt va ikkinchi soat to'lig'icha asarning tahliliga bag'ishlanadi. Ertak matni ustida ishlaganda o'qituvchi: «*Ertakdagi jonivorlar obrazining mohiyati*»ni, «*Susambil adolat qaror topgan va hamma baxtli yashaydigan afsonaviy yurtning timsoli*» ekanligini, «*asarning tili, undagi ramzlar va badiiy ifoda xususiyatlari*»ni ochishga e'tibor qaratishi lozim bo'ladi.²

Asar bilan tanishtirishda ba'zi o'qituvchilar badiiy asar matnini navbat bilan o'quvchilarga o'qitadilar. Bu bilan o'zlaricha sinfdagi hamma o'quvchilarni faollashtiradigandek, ularni o'z e'tibori doirasida ushlab turadigandek bo'ladilar. Asar matni bilan birinchi marta tanishayotgan o'quvchi uning qayerini qanday o'qishni, qayerga ko'proq e'tibor berishni bilmaydi, shu sabab bir xil ohangda o'qiyveradi. Qolaversa, o'quvchilarning o'qish tezligi, saviyasi, ifoda usuli ham har xil. Bular o'rganilajak asarning badiiy tarovatini, ta'sir kuchini yo'qqa chiqarishi, o'quvchilarning qiziqishini susaytirib qo'yishi mumkin.

Shuning uchun ham o'qituvchi o'zlashtirilayotgan badiiy matnni **maxsus tayyorgarlikdan so'ng** o'zi o'qib bergani metodik jihatdan to'g'ri bo'ladi. O'qish jarayonida o'quvchilardan o'z darsliklaridan uni kuzatib borishlarini talab qilish lozim. Bu, o'z navbatida, o'quvchilarning ko'zlarini tez o'qishga, uqib, ifodali o'qishga o'rgatib boradi.

Mutolaa davomida o'quvchilarning ruhiyatiga o'rnashib qolishi lozim deb topilgan so'z va iboralarni, badiiy asarning tiliga xos bo'lgan xususiyatlarini tagiga chizgan holda ajratib borishni talab qilish ham mumkin. O'quvchi asar matni bilan ishlaganda, uni mustaqil ravishda o'qiganda mana shu ajratilganlarga e'tibor qaratishi tabiiy. E'tiborni tortgan narsa

borki – diqqatga sazovor. Diqqat bilan o‘sha so‘z yoki ibora bir marta o‘qib o‘tilsa, o‘quvchining shuurida chizgi qoldiradi. O‘z vaqtida nazarga tushgan bu chizgi ma‘naviy kamolot uchun juda ahamiyatli bo‘lishi mumkin.

Matn o‘qib bo‘lingach, mazkur asarni o‘rganish **taqqoslash metodi** asosida tashkil etilishi mumkin. Bunda ertakdagi timsollar taqqoslanadi. Avval o‘quvchilarning diqqati eshakning taqdirini tubdan o‘zgartirib yuborgan sababni aniqlashga qaratiladi. Ular eshak taqdirining tubdan o‘zgarishiga sabab bo‘lgan omillarni matndan izlay boshlaydilar. O‘quvchilar eshakning hech qizg‘anmay, o‘ylab ham o‘tirmay o‘z yemishidan ho‘kizga berishi taqdirining keskin o‘zgarishiga sabab bo‘lgani, shu ishi uchun egasi tomonidan jazolanishiga munosabat bildirsinlar. Bu jarayonda ularning har ikkisi: inson va eshakka xos bo‘lgan fe‘l-atvor taqqoslanadi.

Taqqoslash asnosida ikki timsol tabiatiga xos bo‘lgan yaxshi va yomon sifatlar ochiladi, o‘quvchilar tomonidan munosabat bildiriladi, baholanadi. «Eshakning shuncha qiyinchiliklarga qaramay ho‘kizdan nolimaganligini qanday tushuntirish mumkin?» degan savol ham tarbiyalanuvchilarning tafakkurini charxlaydi. Bundan tashqari, ho‘kiz, eshak, xo‘rozning hayoti qiyoslanadi, ularga odamlarning munosabati haqida fikrlashiladi. So‘ng o‘quvchilarning diqqati hayvonlarning uydan qochishiga, odamlardan bezishiga sabab bo‘lgan narsalarni aniqlashga undaladi. O‘quvchilarning oldiga «Odamlarning hayvonlarga shunday munosabatiga asos bo‘ladigan sabablarni toping» tarzida masala qo‘yilsa va ular shu muammo atrofida o‘zlarining jajjigina hayotlarida ko‘rgan-bilganlarini hikoya qilsalar, munosabat bildirsalar dars yana ham samarali bo‘ladi.

«Eshak, xo‘roz, ho‘kiz-ku odamlardan, ularning joni-
vorlarga adolatsiz munosabatidan bezib, Susambilni izlab
yo‘lga chiqishibdi. Kalamushlar va arilarni qochqinlar
to‘dasiga qo‘shgan omil haqida fikr yuriting» topshirig‘i
o‘quvchilarni matnga qayta murojaat qilishga majbur qiladi.
Bu jarayonda yana taqqoslash ishi bajariladi. Kalamushlar
bilan arilarni Susambilga ketishga majbur qilgan asoslarni
jiddiy izlagan o‘quvchi matndan topadi. Chunki bu
sabablar ertakda alohida ko‘rsatilgan. Faqat bu sababni
o‘quvchi kitobdan o‘qib bermay, o‘z so‘zlari bilan ifodalab
berishiga erishishi kerak bo‘ladi. Shundan so‘ng o‘quvchilar
hayvonlarning birlashishiga yana qanday sabablar borligini
o‘ylab ko‘rsinlar. Bu birlik, bu uyushish yana nimalar bilan
bog‘liq ekanini kashf qila olsalar, nur ustiga nur bo‘ladi. Aksi
bo‘lsa ham bundan fojia yasashga hojat yo‘q. Muhimi –
o‘quvchilarning darsda va darsdan keyin ham shu haqda
o‘ylab yurishlari, izlanishlari.

«Susambil yurti aslida bormi yoxud ahillik, bir-
birini tushunishga, o‘rni kelsa, kechirishga, zarur bo‘lsa,
yordam berishga tayyorlik tuyg‘usi har qanday joyni
o‘shandoq baxtlar o‘lkasiga aylantiradimi?» degan masala
o‘quvchilarning ruhiyatini muvozanatdan chiqarishi tabiiy.
Ertakda ahillik, samimiylik, o‘zaro oqibat, bir-birini tushunish,
ayash, zarur bo‘lganda ko‘maklashish, kechirimli bo‘lish kabi
insoniy sifatlar haqida gap ketganda, nasihatgo‘ylik qilmay,
shunday sifatlarga ega bo‘lgan kishilargina Susambilday
ozod va obod mamlakatda hayot kechirishga munosib
ekanliklarini bildirib o‘tish kifoya.

Bundan tashqari, o‘qituvchi vaqtiga qarab o‘quvchilarini
mulohaza yuritishga undovchi quyidagi: «Ertakda ayb
qilganni kechirish, og‘ir kunda sabr-toqatli bo‘lishga
undash singari fikrlar qaysi o‘rinlarda ko‘zga tashlanadi?

Maqtanchoq bo'rilarga xos jihatlarni ko'rsating. «Uch og'a-ini botirlar» ertagidagi otaning bolalariga nasihatida aytilgan qaysi illat bilan bo'rilarning kerilishlari o'rtasida bog'liqlik bor deb o'ylaysiz? Aslida bo'rilarga qaraganda ancha ojiz bo'lgan jonivorlarning qudrati nimada ekanligini tushuntiring. «Azroil», «go'rkov», «so'fi», «eshon» timsollarini taqqoslang. Har bir jonivorga tavsif bering va ularni ertakda tasvirlangan odamlar bilan solishtiring. Qay biri sizga ma'qulroq? Nima uchun?» kabi savol-topshiriqlar o'quvchilarni asarning mohiyatiga yana-da chuqurroq kirishiga ko'maklashadi. Bu esa, o'z navbatida, o'quvchilarni badiiy asardan hayotiy xulosalar chiqarishga o'rgatadi.

Uy vazifasi sifatida o'quvchilarga ertakning «*Susambilga kelib ko'p rohatlanib qolishibdi...*» degan joyidan boshlab ikkinchi, uchinchi oxirini to'qib kelishni topshirish mumkin. Bu o'quvchilar uchun yoqimli mashg'ulot bo'libgina qolmay, ularning xayolparastlik, ijodiy va mustaqil fikrlash qobiliyatlarining o'sishiga ham ko'maklashadi.

**Qunduzxon HUSANBOYEVA,
pedagogika fanlari doktori.**

¹ S.Ahmedov va boshq. Adabiyot. Umumiy o'rta ta'lim maktablarining 5-sinfi uchun darslik. T.: Sharq, 2007. 73-b.

² Umumiy o'rta ta'lim maktablarining 5–9-sinfi uchun adabiyotdan o'quv dasturi// «Ma'rifat» gazetasi, 2007-yil 2,7,11-oktabr.



Ўзбек тилидаги *қадар* кўмакчисининг семантик-стилистик хусусиятлари

«Ўзбек тилининг изоҳли луғати»да *қадар* сўзини бир неча йўналишда кўмакчилик вазифасини бажариши тўғрисида маълумот келтирилган.¹ Биринчи йўналишида таққослаш, ўхшатиш маъноларини ифодалайди. Бунда у ўхшатиш воситаси **-дек** қўшимчаси ва **каби** кўмакчиси билан синонимик муносабатда бўлиши мумкин: *Кўксимда хазинам бир қуёш қадар, «Олиб халқингга бер!» деб чорлар ҳар тоғ (Зулфия). Осмондек бепоён, қуёшдек иссиқ Меҳр агрономни яйратар беҳад (Зулфия). Қаердаки истеъдодларга бахиллар завол келтиролмаса-ю, сахийлар йўл оча олса, ўша жой бугун Хирот каби камолот чўққисига кўтарилур экан (П.Қодиров). Умидларда ҳаёт қадар теранлик бор, Кўнғилдаги сабот қадар теранлик бор (Э.Воҳидов).*

Айрим ҳолатларда *қадар* кўмакчиси англатган маъно **-чалик** қўшимчасининг маъносига ҳам тўғри келади. Бу қўшимча «Ўзбек тили морфем луғати»да алоҳида берилмаган. Уни ҳатто иккига бўлиб, **-ча** ва **-лик** тарзида олиб қаралганда ҳам бу аффикс маъносидаги қиёслаш хусусияти ҳақида гапирилмаган. Аслида ўхшатишни юзага келтирувчи восита сифатида қўлланиши маълум бўлади. Р.Қўнғуров «Ўзбек тили стилистикасидан очерклар» асарида бу ҳақда қуйидагиларни айтган: «**-ча** аффикси сўзларга қўшилиб, урғу олмаганда сифат ва равишларни ясайди ва ўхшатиш, чоғиштириш маъносини билдиради. Бу хусусияти билан **-дай**, **-дек** аффиксларига жуда яқин туради»². Шундай экан, айрим матнларда унга синоним бўла оладиган *қадар* сўзида ҳам ўхшатиш маъносини пайқаш мум-

кин: *Ишонч, имон бир дунё қадар Княгиня тушди йўлига* (Зулфия). / *Ишонч, имон бир дунёчалик Княгиня тушди йўлига. У вақт сайр қилган эдик устаган қадар, Гул сочишиб йўнардик бир-биримизга* (Зулфия). / *Йўлайманки, илҳоми қадар у замон Эҳтирос-ла севмаган ҳеч кимсани у* (Зулфия). *Ҳароратимиз градуснинг ўндан бир улушидан бир нечтаси қадар кўтарилганда биз ўзимизни бетоб сезамиз* (газетадан).

Бу қўшимчага бошқачароқ ҳам қараш мумкин: **-чалик** қўшимчасининг биринчи қисми **-ча** ни **у, бу, шу** кўрсатиш олмошлари билан биргаликда қўллаганда сўзларнинг дастлабки маъно хусусиятлари ўзгаради. Яъни улар миқдор маъносини ёки миқдор-даражанинг кучли ҳолатини ифодалаш воситасига айланади³. Қўшимчанинг иккинчи қисми **-лик** ҳам «Ўзбек тили морфем луғати»да қайд этилган 2-ҳолатда маънони кучайтиришга хизмат қилади⁴.

Шундай қилиб, бу олмошларнинг **унча/унчалик, бунча/бунчалик, мунча/мунчалик, шунча/шунчалик** каби кўринишларини маънони кучайтириш ва таъкидлаш зарурати туғилган пайтларда синоним сифатида қўллаш мумкин: *Бу тушми ё хаёл, бу на турли куй, Қаердан бу қадар қушлар сайраши* (Зулфия)? / *Бунча иссиқ, бунча ҳам шинам Ёшлик кечган торгина бу жой* (Зулфия). / *Бунча гўзал, бу қадар дилбар, Зафар билан янграган бу соз* (Зулфия)! *Акам нега бу қадар тантиқлигимга чидаб, миқ этмай ўтирибди* (Э.Аъзамов)?

Демак, **қадар** ва **-чалик** қўшимчаси синонимиясини икки йўналишда – ўхшатиш ҳамда кучайтириш ва таъкидлаш маъноларини ифодалашда ўзаро синоним сифатида қўллаш мумкинки, бу **қадар** кўмакчисининг ифода-тасвир ва грамматик қўлланиш кўлами кенгайиб бораётганлигидан далолат беради.

Иккинчи йўналишида **қадар** кўмакчиси орқали қиёсан ҳажм, миқдор ёки чегара маънолари юзага чиқади. «Изоҳли луғат»да келтирилган **мумкин қадар, кўтарган қадар**

жумлаларида бу сўз маънони **-ганича** қўшимчаси даражасида фарқлайди: **мумкин бўлганича, кўтарганича** каби. Бунда мазкур кўмакчининг чегара маъноси аниқ сезилади.

Учинчи йўналишида бу сўз **-довур, -гача** бирликлари билан синоним бўла олади ва чегара маъносининг шаклланишига ёрдамлашади: *Ҳалок этмасинлар, ўлдирмасинлар, Яшамоқ истайман байрамга қадар* (Зулфия). *Лекин, муҳими – охирига қадар бўйин эгмадим* (Э.Аъзамов). *Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Олий Мажлисга сайлангунга қадар Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида Олий Мажлис берилган барча ваколатларни амалга оширади* (Ўзбекистон Республикаси Конституцияси). *Улар бу ерга келгунга қадар машиналар қатнови ҳам тўхтаганди* (И.Нишонов). *Қўйса, шу йўсин арши аълога қадар ҳам чиқиб бораверишим мумкин* (Э.Аъзамов).

Тўртинчи йўналишида **Бир йил қадар** шу ерда яшадим (Ойбек) сингари мисолларда **қадар** сўзининг қўлланилиш имконияти яна ҳам кенгайиб бораётганлигини кўриш мумкин. Чунки бу ерда у **давонида, мобайнида** сўзлари билан синонимик муносабатга киришади.

Бир қадар бирикмасининг «маълум даражада» маъносини ифодаладиган шаклида унинг синонимияси йўқолади ва энди у **оз, мунча** сўзлари билан синоним бўла олади: **бир оз, бир мунча** каби: *Ўтинаман, сабр этинг бир оз, Йўлларимиз хийла мушкулроқ* (Зулфия). *Ўтинаман, сабр этинг бир қадар, Йўлларимиз хийла мушкулроқ*. Аммо бу муносабат ҳамма ҳолатларда ҳам юз бермаслиги мумкин: *Жонгинам, кечга қадар бир оз сен ол дам, Сўнгра оқшом бир катта базм қурайин* (Зулфия). Бунга, аввало, матнда **қадар** сўзининг мавжудлиги бўлса, иккинчидан, уни **бир қадар дам олмоқ** жумласи ўзбек тилида меъёрлашмаганлиги билан изоҳланади.

Қадар кўмакчисининг **бир қадар, шу қадар, бу қадар, у қадар**, ҳатто **ҳамин қадар** бирикмалари тарзи-

да қўлланилиши унинг нафақат қўлланиш, балки маъно англатиш кўламининг кенгайиб бораётганлигидан ҳам далолат беради.

Чунки қадаҳ тубида томчи Бир булбулнинг кўз ёши **қадар** (Зулфия) жумласидаги **қадар** кўмакчиси ўрнида **мисол** сўзини қўллаш мумкин. Аммо бунда ўхшатиш умумий маънода бўлади. Бу ўринда эса шунчаки ўхшатиш бўлмасдан, кўз ёшининг миқдоригача бўлган аниқликда қиёсланади.

Бу кўмакчи **даражада** сўзи билан синоним бўла олади: – *Кетди!.. Нечун ранглари бу қадар оппоқ, Не ҳодиса юз берди шу бир кечада* (Зулфия). *Ўйладиму, афв этдим уни шу соат: Қандай айтсин! Шу қадар ёш эдим у чоғ* (Зулфия). *Адабиёт тарихига шу қадар шўнғиб кетдимки, гоҳида ўзимни ўтмиш шоиру шуаро, фозилу фузалолари даврида яшаётгандек ҳис этардим* (Э.Аъзамов).

Қадар кўмакчисида бошқа лексик-грамматик воситалар билан синонимик муносабат доирасининг кенглигидан қатъи назар, унинг вазифавий кўлами ёзма нутқ доирасида чегараланганлигини ҳам таъкидлаш жоиз. Оғзаки нутқда эса бу вазифани унинг синонимлари бажаради.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, мактаб она тили таълимида кўмакчиларни ўрганишда уларнинг ҳар хил йўналишлари ҳақида тушунча бериш ўқувчилар нутқининг бойиши ва ривожланишига туртки бўлади.

Азамат ПАРДАЕВ,
Самарқанд Давлат университети докторанти.

¹ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Икки томлик. М.: Русский язык, 1981. II том. 533-б.

² Р.Қўнғуров. Ўзбек тили стилистикасидан очерклар. 1-қисм. Самарқанд: СамДУ, 1975. 216-б.

³ Ўзбек тили грамматикаси. Икки томлик. I том. Морфология. Т.: Фан, 1975. 338-б.

⁴ А.Ғуломов, А.Тихонов, Р.Қўнғуров. Ўзбек тилининг морфем луғати. Т.: Ўқитувчи, 1977. 429-б.

Фитратнинг «Ўзбек адабиёти намуналари» мажмуаси хусусида

XX аср бошларида Марказий Осиёда кечган миллий уйғониш ҳаракатлари ўлка халқларининг ўзлигини англаб етиши ва она тилида яратилган маънавий қадриятларни танишда жиддий қадам бўлди. Халқ моддий ҳаёти ва маънавий дунёсининг кўзгуси саналган бадиий адабиёт ҳам айна шу йилларда миллий тикланиш сари қадам ташлади. Бу давр адабиётшунослиги фақат бадиий адабиётнинг эстетик таҳлили муаммолари билан чекланмай, адабиёт илмининг муҳим таркибий қисмларидан саналган адабиёт назарияси, адабиёт тарихи ва адабий танқидни ҳам ўзига қамраб олди.

Бу даврга келиб турли дарсликлар, ўқув қўлланмалар, адабиёт мажмуалари, баёзлар, тазкиралар яратила бошланди. Фитратнинг «Ўзбек адабиёти намуналари» асари XX аср бошларида яратилган ана шундай мажмуалардан биридир. Олим бу мажмуани биринчилардан бўлиб адабиёт ихлосмандларига тақдим этди. Фитратшунос олим Ҳ.Болтабоев Фитратнинг «Ўзбек адабиёти намуналари» мажмуасининг вужудга келишида XX аср бошларидаги тазкирачилик тараққиётининг муайян роли ва таъсири борлигини эътироф этиб: *«XX аср бошларида тартиб берилган тазкираларда мумтоз адабиётдаги икки тиллилик анъаналари давом этган бўлишига қарамай, бу давр тазкирачилиги мазмун жиҳатидан жиддий ўзгаришларни бошдан кечирди. Анъанавий тазкирачиликда кузатилган «қисқа маълум»*

мот бериш усули» бир мунча кенгайди, тазкирада сўз юритилган муаллифларнинг бир ёки бир неча байтларини келтириш билан чекланиб қолмай, маълум бир шоир ижодидан келтирилган қатор шеърини асарлар ёрдамида у ҳақда тасаввур уйғотишга интилиш кучайди. Тазкирачиликдаги бу каби хусусиятлар кенгайиб ва чуқурлашиб бориши натижасида тазкира поэтик антология (баёз) ва хрестоматия (мажмуа)ларга яқинлашиб борди. Натижада бир қанча мажмуалар вужудга келди», деб ёзади.¹

Фитратнинг «Ўзбек адабиёти намуналари» асари бу йўлдаги мукаммал ва бадиий жиҳатдан юксак мажмуадир. Мажмуанинг яратилиши ўша давр адабиётшунослигида катта ютуқ бўлди. Нафақат у давр учун, балки бугунги кун адабиётшунослигида ҳам ушбу асар жуда катта аҳамиятга эга. Маълумки, Фитрат ўз даврининг йирик адабиётшунос олими эди. Унинг адабиётшунослик илмидаги изланишлари, тадқиқотлари ўнлаб мақолалари ва асарларига жам бўлган. Адабиёт назарияси, адабиёт тарихи, адабий танқидга оид қарашлари бугунги кунда ҳам ўз долзарблигини йўқотмаган.

Ушбу асар 1928 йил араб алифбосида нашр этилган. Асарнинг ёзилиш тарихига оид маълумотларни мажмуа сўзбошисида учратиш мумкин: «Маълумки, бизнинг ўлканинг ўзбек ўлкаси аталиши XVI аср бошларида ўзбек Шайбонийхоннинг темурийларни енгиб ҳукуматни олганидан, яъни ўзбекларнинг сиёсий устунликларидан кейин бўлган. Ҳолбуки, Ўрта Осиёда туркларнинг жуда кўбдан бери яшамоқда эканларини билмаган йўқ. Бурунги Хоразм маданиятининг туркларники бўлгани каби ихтилофли нуқталарни назарга олмаганимизда ҳам туркийлар, қорахонийлар,

қора хитойлар, чиғатойлар даврларига ойид тарихий васиқалар бу масаланинг изоҳи учун етарликдир. Қадим замонлардан бери Ўрта Осиёда яшаган бу халқнинг, албатта, адабиёти бор эди. Мана шу адабиёт бора-бора, ўса-ўса қўшниларидан фойдаланмоқ билан бирга тараққийнинг юқори босқичларига чиқди ва «чиғатой» полаларининг ҳокимликлари муносабати «чиғатой» адабиёти атаганимиз шаклга кира олди. Ўзбек ҳокимиятидан кейин ҳам шу адабиёт давом қила-қила «жадидизм» адабиётигача келди. Шунинг учун Ўрта Осиё турк адабиётининг ўзбек сиёсий устунлигидан бурунги даврини, айниқса чиғатой адабиётини бир ёқда қўйиб адабий тарихимизга янашмоқ кўбда тўғри бўлб чиқмайдир. Мана бу китобни тартиб қилганда бизнинг нуқтайи назаримиз шу бўлди»². Олим ўз мажмуасида асарнинг 2 жилддан иборат бўлишини таъкидлайди. Бироқ бугунги кунда бу асарнинг фақатгина биринчи жилди мавжуд, холос. Фитрат «Ўзбек адабиёти намуналари»нинг иккинчи жилдини ёза олмаган.

Мажмуа адабиёт тарихининг энг қадимги даврига оид асарлардан (қабилавий адабиёт) намуналар келтириш билан бошланиб, Бобурнинг «Бобурнома»сидаги парчалар билан якун топади. Китобнинг биринчи жилдида XVI асргача, яъни ўзбек ҳокимиятигача бўлган адабиётимизнинг муҳим бир қисмидан намуналар берилган. Ўзбек ҳокимиятидан бошлаб, жадидизм ва ундан кейинги адабиётимизнинг намуналари китобнинг иккинчи жилдини ташкил этиши керак эди.

«Ўзбек адабиёти намуналари»нинг биринчи жилди 3 қисмдан иборат. Унинг биринчи жилди «**Қабилавий адабиёт намуналари**» деб номланади. Унда қабилавий адабиёт намуналари сифатида кўрсатилган асарлар

туркийларнинг қабила бўлиб яшаган даврлардаги барча яратилган асарлар бу даврга қадар тўлиқ етиб келмаган. Фитрат мана шу ҳолатни эътиборга олган ҳолда қабилавий адабиётдан намуналар келтиради.

Олим бу намуналарнинг яратилган даврига эмас, балки ўша давр ҳаётининг қандай тасвир қилинганига аҳамият бериб: *«Буларга «Қабилачилик адабиёти намуналари» деганим маънан қабилачилик ҳаётига яқин турганлари, у ҳаётни тасвир қилганлари учундир»*, – дейди (9-б.). Олим қабилавий адабиёт намуналарининг энг муҳим кўриниши сифатида дoston жанрини келтиради. Бугунги кунга қадар адабиётшунослик манбаларида деярли қайд этилмаган «Чистоний элиг бегининг ҳикояси» асаридан, «Алпомиш» достонидан парчалар келтиради.

1902 йилдан бошлаб Шарқий Ҳиндистонга «Хут», «Фунла Қуқ», «Эштайн» каби бир неча илмий ҳайъат келган. Бу ҳайъатлар томонидан топилган кўплаб расмлар, нақшлар, уйғурча қўлёзмалар сақланмоқда. Европанинг машҳур олимлари топилмалар устида тадқиқотлар олиб бориб, уларни ўқиб, туркий халқларнинг тилларини, тарихларини, маданиятини ўрганиш йўлида фойдаланмоқдалар. Гарчи ушбу қўлёзма, топилмаларнинг ҳаммаси ўрганилмаган бўлса-да, уларнинг кўпчилиги буддизм ва монийликка оид диний асарлар ва дуолар эканлиги таъкидланади. Топилмаларнинг ичида кичик-кичик ҳикоялар ҳам борлиги эътироф этилади. Фитрат мажмуада ана шундай кичик ҳикоялардан бирини намуна сифатида келтиради. Ҳикоянинг «Фунла Қуқ» томонидан нашр этилган, кейинчалик усмонличага кўчирилган нусхасидан фойдаланганлигини баён қилади. Фитратнинг таъкидлашича, «Чистоний элиг бегининг ҳикояси» VIII–IX асрларга оид. Тилининг енгиллигига

қараб Ўрхун ёзувларидан кейин ёзилган деган хулосага келган олим ушбу китобда ҳикоянинг аслини келтириш билан бирга, унинг ўзбекча таржимасини ҳам бериб ўтади. Ҳикояда бир қабилага ўлат тушгани, бу ўлатнинг сабабчиси бўлган ажиналар билан жанг қилгани отланган қабила бошлиғининг жасоратлари, ажиналарни ўлдирганлик ҳолатлари жуда моҳирона ва жонли тасвирланган. Бу ҳикоя олим таъбири билан айтганда, «*бурунги туркларнинг ибтидоий ишончларини билдиргани учун муҳимдир*»(9-б.).

Иккинчи намуна «Девону луғатит-турк» асаридан олинган «Ов ўйинлари» номли тизма, учинчи намуна эса «Овдан урушга» деб аталади. Бу тизма урушлар тасвир этилган дostonнинг бир бўлаги ҳисобланади. Қабилавий ҳаётнинг, айниқса, туркий халқлардаги қабилавий ҳаётнинг кўп қисми тинчлик, тўй билан эмас, урушлар билан ўтган. Ҳар бир қабиланинг ўзи учун махсус ерлари, ўтлоқлари бўлган. Бир қабила бошқа бир қабиланинг ерларига ҳужум қилиши табиий ҳолат бўлган. Юқорида таъкидлаганимиз, «Овдан урушга» тизмаси ана шундай урушларга бағишланган. Ушбу икки намуна Фитратнинг «Энг эски турк адабиёти намуналари» асарида ҳам келтирилган. Тизмалар бу асарда тўлиқ келтирилган бўлса, «Ўзбек адабиёти намуналари»да улардан парчалар берилган, холос.

Фитрат қабилавий адабиёт намунаси сифатида «Ал-помиш» дostonидан парчалар келтирадики, бу илм учун катта аҳамиятга эга. Негаки, дostonнинг бугунги кунда мавжуд вариантларининг бошланғич қисми Ғози Олим томонидан Ҳамроқул бахши ва Фозил Жирав бахшилардан ёзиб олинган бўлса, сўнгги қисми Алаф томонидан Берди бахшидан ёзиб олинган. Уларни Фитрат тавсия этган варианты билан таққослаш олдимизда турган вазифалардан биридир.

Фитрат қаламига мансуб «Ўзбек адабиёти намуналари»нинг «**Феодаллик даври адабиёти намуналари**» қисми VIII асрдан бошлаб исломий адабиётнинг кириб келишига қадар яратилган асарлардан таркиб топган. Қабилачилик даврида бошланган дoston жанрининг феодаллик даврида ҳам кенгайиб, бадий камчиликлари тўлдирилиб, тугалланиб давом этгани маълум. Феодаллик даври дostonларининг маъноси йирик феодаллар билан боғлиқ. Бу давр дostonларининг ўзига хослиги феодалларнинг мадҳини келтиришда кўринади. Фитрат феодаллик даври дostonчилигининг илк намунаси «Ўғузнама» эканлигини айтади. Бироқ бу дostonнинг асл нусхаси бўлмаганлиги боис олим дostonдан парча киритмайди. Дostonда Рашидиддиннинг «Жомеъ ат-таворих» номли форсийча таржимаси борлиги қайд этилади. «Ўғузнама»нинг уйғурча нусхаси машхур туркийшунос Радлов томонидан нашр этилган бўлса ҳам, Фитратнинг қўлида йўқлиги боис мажмуага киритилмаган.

Бу даврнинг энг асосий намунаси Ўрхун ва Енисейдан топилган битиктошлардир. Ушбу битиктошлар милоднинг олтинчи асрида улуғ бир давлат қурган «туқйу» туркларининг саккизинчи асрда яшаган хонлари Билгахоқон ва унинг укалари Қултегин, Тўнюқуққа бағишланган ёдномалардир.

Фитрат асарда феодаллик даврининг биринчи намунаси сифатида Ўрхун битиктошларидан бўлмиш «Қултегин» ёдномасидан парча келтиради. Ушбу давр адабиётининг намуналари сифатида олим «Алб Эртўнга» марсиясини, «Ёй байти»ни, «Китоби Дадақўрқуд» достонини, «Девону луғатит-турк»даги таълимий асарларни кўрсатади. Гарчи бир даврга мансуб бўлиб, бир манбада учраса-да, ҳар иккала бўлимда ҳам «Девону луғатит-турк»дан парчалар мавжуд. Кўриниб турибдики, олим

адабиётни даврлаштиришда асарларнинг моҳияти, услуби, ўзига хослиги, ўхшаш ва фарқли жиҳатларини мезон қилиб олган. Бу олимнинг ҳақиқий адабиётшунос сифатида иш кўрганлигидан далолат беради. Фитрат «Китоби Дадақўрқуд»дан намуналар келтирар экан, асарнинг ёзилиш тарихига ҳам тўхталади. Уни «Алпомиш» билан таққослайди, дostonларнинг фарқли жиҳатлари билан бирга ўхшаш томонларини ҳам эътироф этади.

«Ўзбек адабиёти намуналари»да муаллиф фақат адабий парчаларни келтириб қўя қолмай, балки ўша парчаларнинг тарихига ҳам назар ташлайди, улар бўйича илмий тадқиқотлар олиб боради. Бу тадқиқотлар олимнинг адабиётшунослик тарихини ҳам мукаммал билганлигидан далолат беради.

Мажмуада **«Савдо сармояси даври адабиёти»** номли 3-қисмга кенг ўрин ажратилган. Фитрат бу ном остида «Қутадғу билик»дан (XI аср) бошлаб темурийлар давлатининг ўзбеклар ҳужуми билан тугаган давргача (XVI аср) бўлган Ўрта Осиё туркий адабиётининг ноёб намуналарини бирлаштирган. Фитрат «Қутадғу билиг» асарини савдо сармояси даврига оид эканлигини изоҳлар экан, Бўлот Солиевнинг «Ўрта Осиё тарихи» номли асарига эътибор қаратади. Б.Солиевнинг таъкидлашича, XIII асрда бошланган Чингизхоннинг жаҳонгирлигига уйғур савдо сармояси асос бўлиб хизмат қилган. Айнан Чингизхон жаҳонгирлигидан ярим аср олдин «Қутадғу билик» асари ёзилганини кузатиш мумкин. Шулардан келиб чиқиб Фитрат «Қутадғу билиг»нинг ёзилиш тарихи хусусида чуқур мулоҳаза юритади. Уйғур савдо сармояси даврида турли гуруҳ ва табақалар (қора халқ, беклар, маъмурлар, аскарлар, саидлар, олимлар, табиблар, туш таъбирчилари, юлдузчилар, шоирлар, тарихчилар, савдогарлар, чорвадорлар, темирчилар,

ўқчилар, ёйчилар) пайдо бўла бошлади. Савдогарлар манфаати нуқтаи назаридан шу гуруҳларнинг барчаси билан келишиш, ҳисоблашиш, уларни яхши назорат қилиш қорахоний феодалларнинг мажбурияти эди. Фитрат таъкидлаганидек: «*Бизнинг «Қутадғу билик» эгаси Юсуф Хос Ҳожиб ўзининг китобини мана шу «лозим» бўлган ишга раҳбарлик қилмоқ учун ёзган*» (43-б.).

Юсуф Хос Ҳожиб ўз китобида қўшин бошлиғи, вазир, элчи, қопқачи ва бекларнинг қандай бўлиши, уларнинг қандай хизмат қилишларини кўрсатади. Бундан ташқари, юқорида саналган синфлар, гуруҳларнинг ҳар бирига алоҳида тўхталиб, фикр-мулоҳаза билдириб ўтади. Билим ўрганишнинг кераклиги, мамлакатни идора қилиш учун билим ва сиёсат тузуми, дунёнинг фонийлиги, эзгуликнинг фойдалари тўғрисида ҳам анчагина насиҳатлар беради. Мажмуада тил одоби, қўшин бошлиғи ва элчининг қандай бўлиши, ҳукмдорнинг қандай фазилатларга эга бўлиши, халқни қандай идора қилиш кераклиги ҳақида сўзловчи парчалар келтирилган.

Фитрат иккинчи намуна қилиб Аҳмад Югнакийнинг «Ҳибат ул-ҳақойиқ» асарини кўрсатади. Асар дидактик бўлиб, мажмуага ҳам панд-насиҳат руҳидаги билим ўрганиш, яхшилик қилиш, соғлиқ, дунёнинг фонийлиги кабиларни акс эттирувчи парчалар киритилган. Фитратнинг эътироф этишича, «Ҳибат ул-ҳақойиқ» асари XIII асрнинг биринчи ярмида ёки XII асрнинг охирларида Фарғонада ёзилган бўлиб, асарни ёзишда адиб «Қутадғу билик»дан унумли фойдаланган.

«Ўзбек адабиёти намуналари» мажмуасидаги учинчи намуна Яссавий ва унинг шогирди Ҳаким Сулаймон Боқирғоний шеърларидир.

Милодий XII асрда Ўрта Осиёнинг Шарқ ва Ғарб томонларида икки йўналишда савдо сармояси ўз фаолият

тини бошлади ва улар бир-бирига қарши кураша бошладди. Шарқ томондаги савдо сармоясининг маркази Қашқар бўлса, Ғарб томондаги савдо сармоясининг марказлари Марв, Бухоро, Хоразм эди. XIII асрдан бошлаб хоразмшоҳлар ва уйғурларнинг ўзаро келишмовчилиги, Чингизхоннинг хоразмшоҳларни енгиши каби урушлар мана шу икки рақибнинг ўзаро курашидан иборат эди.

Буларнинг энг кучлиси хоразмшоҳлар аслида турк бўлса-да, сарой ҳаётлари форсийлашган, саройлари форсий шоирлар билан тўлган эди. Ғарбдаги уйғур адабиёти эндигина мусулмонлаша бошлаган, форс-араб сўзларини, вазнини эндигина олишга киришган эди. Бу давр туркий адабиётида кўзга ташланадиган энг асосий хусусият унинг форс-араб адабиёти таъсирига кундан-кун берила бошлагани, ўзини форс-араб адабиётига ўхшатмоқчи бўлганида кўринади. Бу давр адабиёти Фитрат таъбири билан айтганда: *«савдо сармояси мафкурасини ташиған ислом динининг ҳар томониға ики қўллаб ёпишадир»* (43-б.). Китобда исломий ҳикоялар, фикҳ қоидалари, ақоид дастурлари, Муҳаммад (с.а.в)нинг ҳадислари ҳам таржима қилинади.

Диний, мазҳабий таассублар бошқа эллар билан бўлган савдо ишларига зарар бермаслик даражасига туширилади. «Қутадғу билик» муаллифи Юсуф Хос Ҳожибнинг юқорида кўрганимиз *«йўлларини тинчит, хусусий мулк қонунларин таъмин эт, савдогар солуғингни бера берсин»* (74-б.), деган насиҳати амалга оширилгани, айниқса, Темур жаҳонгирлиги муносабати билан Осиё хазиналарининг таланиб, Ўрта Осиёга ташилгани учун марказда кўп бойликлар йиғилади. Шаҳар ҳаёти ўсади. Бойлар кўпаяди. Беклар, ҳокимлар, бойлар давлати остида яшовчилар кўпаяди. Шаҳарларда санъат, санъаткорлик ишлари кучаяди. Мусиқачи, хушхат,

рассом, наққош, шоир, адиблар пайдо бўлади. Йиғилган бойликлар ҳоким синфнинг кайф-сафо кечалари учун сарфланади. Форс адабиётига эргашиб, ишқий достонлар майдонга келади.

Бироқ Чингизхондан Темургача бўлган давр Чингизхоннинг ҳарбий юришлар, халқ ҳаётидаги нотинчликлар сабабли адабиёт ҳам бир қадар турғунлик даврини бошдан кечирди. Китобда бу даврда яратилган, бизгача етиб келган бирор асар ҳақида маълумот учрамайди. Олимнинг таъкидлашича, турғунлик даврининг адабиёт намуналари сифатида Рабғузийнинг «Қиссас ул-анбиё»си, Фитрат томонидан шу давр намунаси деб гумон қилинаётган «Мифтоҳ ул-адл» асари келтирилади. Булардан биринчиси «Қиссас ул-анбиё» китоби милодий 1310 йилда Бурҳониддин ўғли Носириддин Рабғузий томонидан ёзилган. Бу асар, номидан англашилганидек, пайғамбарлар ҳақида ҳикоятлардан иборат. Асар шоиртабиат, ўткир қалам соҳиби томонидан ёзилгани учун ҳам услуби жонли, шеърий парчалари кўп.

Иккинчи асар Ўзбекистон Маориф Комиссарлиги ҳузурида ўзбек илмий марказининг китоблари орасида бўлган «Мифтоҳ ул-адл» китобидир. Китобнинг ўзида у қачон ва ким томонидан ёзилганига оид ҳеч бир маълумот йўқ. Муаллиф бу асарни «Шаҳзода Темурга» бағишлаб ёзилганини билдирган. Бу «Шаҳзода Темур»нинг ҳам кимлиги ва қачон ўтгани номаълум. Олим услубига қараб ушбу асарнинг Амир Темурдан олдинроқ, Рабғузийдан кейин ёзилганини гумон қилади. Бу фикр илмига бағишланган китобдир. Унда шариатнинг қозихонага керакли ҳукмлари ёзилган. Бироқ асарда бир қатор ахлоқий ҳикоялар ҳам бор. Ўша замондаги хонлар, бекларга қаратиб ёзилган бу ҳикояларнинг маъно-мазмуни яхшилик қилиш, яхшиликнинг қадрини

билиш, омонатга хиёнат қилмаслик, подшоҳга исён қилмаслик каби ишларга оиддир.

Мана шу икки намунадан кейин Темурийлар даврига ўтилади. Бу даврнинг энг биринчи намунаси қилиб Фитрат Темурнинг ўз тилидан (балки ўз томонидан) ёзилган «Тузуки Темур» ё «Тузукоти Темурий» номли асарни кўрсатади. Бироқ бу китобнинг асл чиғатойчаси олим кўлида йўқлиги боис, китобга ундан парчалар киритилмаган. Шунинг учун темурийлар даврининг энг биринчи асари сифатида милодий 1409(10) йилда, Темур вафотидан 4–5 йил кейин Балхда Дурбек томонидан ёзилган «Юсуф ва Зулайҳо» китоби олинган.

Мажмуадан намуна сифатида Атоий, Лутфий, Ҳусайн Бойқаро, Алишер Навоий, Бобур ғазалларининг нодир намуналари, шоҳбайтлари ҳам ўрин олган. Уларнинг манбалари, тарихи кейинги бобларда ёритилади. Маълумки, Навоийгача ва Навоийдан кейин ҳам жуда кўп ижодкорлар бўлган. Нега бу ижодкорларнинг асарлари мажмуага киритилмаган, деган савол туғилиши табиий. Бу саволга олимнинг ўзи жавоб бериб ўтади: *«Шуни айтиб қўйиш керакки, Навоийга замондош бўлган ё ундан бурун ўткан чиғатой шоирларининг ҳамаси шу эмас. Саккокий, Мир Ҳайдар, Вайсий, Ғарибий, Султон Халил, Ҳисомий каби кўб-кўб шоирлар ўткан. Лекин уларнинг девонлари бизга маълум бўлмади. Неча йилдан бери бор кучим билан тиришканим ҳолда бурунги шоирларимизнинг асарларидан жуда озини топишга муваффақ бўлдим. Ҳатто прўфиссур Самойлувичнинг «Ўрта Осиё турк адабиётига оид материаллар» деган китобчаси бўлмаганда «Атоий девони»нинг «Азиатский музей»да ётганидан ҳам хабарсиз қолардим! Бурунги шоирларимизнинг асарларини топиб майдонга чиқариш учун ҳали кўб тиришмагимиз керак» (78-б.).*

Кўриниб турганидек, олимнинг бу йўлдаги изланишларини давом эттириш бизнинг авлод олдидаги вазифалардан биридир.

Орзигул ҲАМРОЕВА,
ЎЗМУ аспиранти.

¹ Ҳ.Болтабоев. Абдурауф Фитрат. Т.: Ёзувчи, 1996. 11-б.

² Фитрат. Ўзбек адабиёти намуналари. Тошкент-Самарқанд. Ўздавнашр, 1928. 4-б. (Кейинги мисоллар ҳам шу манбадан олинган бўлиб, саҳифаси қавс ичида кўрсатилган).



Эркин Воҳидов арузи

Эркин Воҳидов XX аср ўзбек шеърятининг йирик вакили сифатида ўз ўрни ва овозига эга шоирдир. Унинг ижоди эзгу инсоний мушоҳадалар, ҳурлик ва гўзалликка муштоқлик ғоялари билан йўғрилган. Шоирнинг куйга, қўшиққа айланган сатрлари халқ мулкига айланган. Эркин Воҳидовнинг қайси бир шеъри ёки достонини ўқимайлик, унда ижодкор ўз халқининг фидойи фарзанди сифатида бўй кўрсатади. Шу боис ҳам атоқли адабиётшунос олим ва мунаққид Озод Шарафиддинов шоирнинг истеъдодига объектив баҳо бериб, *«Эркиннинг таланти аввало шунда кўринадики, у шоирликнинг энг зарур хислатига – шоирона тафаккур қилиш, образлар билан ўйлаш қобилиятига эга»*¹, деб ёзган эди.

Дарҳақиқат, шоир шеърларининг ширали ва жозибали эканлигига сабаб унинг ўзига хос образлар воситасида тафаккур юритишидир.

Эркин Воҳидовнинг ҳар бир сатридан самимийлик уфуриб туради. Унинг шеърлари, ғазаллари ўзбек ки-

тобхонига ёд бўлиб кетган. «Чинакам катта истеъдод аввал халқ эътиборини, кейин халқ муҳаббатини ва, ниҳоят, халқ эътиқодини қозонади, – деб ёзган эди Ўткир Ҳошимов. – Аслида мана шу уч босқичнинг ҳар биттаси бир умрга тенг, Эркин Воҳидов учала босқичга эришган шоир».² Халқимиз шоирни қанчалик севса, ардоқласа, шоир ҳам халқимизни, одамларимизни яхши кўради. Бу борада шоир ўзи таъкидлаганидек, «Таржимаи ҳолим борича ёзган шеърларимга, юрган йўлларимга, ҳаётимга сочилган. Мана бу сатрлар ўйлаб топилган эмас. Балки кўнглимдан чиққан сўзлар:

*Одамлар, сиз менинг ҳаётим
Ҳар бирингиз умрим парчаси»³*

Эркин Воҳидовнинг қатор шеърий тўпламлари, дoston ва драмалари, таржима асарлари адабиётимиз хазинасини бойитиб келган бебаҳо гавҳарлардир. У ўзбек арузидаги беқиёс имкониятларни XX аср адабиётига олиб кирди. Шу ўринда истеъдодли адибимиз Ғафур Ғуломнинг Саид Аҳмадга айтган қуйидаги сўзлари диққатга сазовордир: «Бу бола мудраб ётган арузни уйғотиб юборди... Эркин уни араб, форс сўзларидан тозалапти. Соф ўзбек ғазалларини олиб келди. Жуда чиройли, маъноли, маҳорат билан ёзган нарсаларни эълон қилишга шошилмаслиги менга маъқул бўлди... мана шу ғазаллар дафтар қаторида ётибди. Қачон бостирасан десам, яна озроқ тура турсин дейди. Мана бунини чинакам шоир деса бўлади. Шу болага ихлосим ошиб кетди. Биласанми, Эркин шеъриятда тақлид қилиш давридани сакраб ўтиб кетди. Навоийга ҳам, Бобурга ҳам, Машрабга ҳам тақлид қилмади. Уларга асир бўлиб ҳам қолмади. Ўша мумтоз шоирларнинг шеър санъатини ўрганди. Ўрганганда ҳам

қайта-қайта ўрганди. Ниҳоят, ўз йўлини топти. Шеър ҳам куй, ҳам фикр, ҳам суврат. Ҳам туйғу. У йиғи, у фарёд, у қувонч, у нур...»⁴ Дарҳақиқат, Эркин Воҳидов мумтоз шеърятимизнинг асосий вазни бўлмиш арузга янги оҳанг, янги мазмун олиб кирди:

*Истадим сайр айламоқни,
Мен ғазал бўстонида.
Кулмангиз, не бор сенга деб
Мир Алишер ёнида
Шеърят дунёси кенг,
Гулзори кўп,
Ҳар кўнгул арзини айтур
Неки бор имконида.⁵*

Шоир ўзбек шеърятига кириб келганида минг йиллик синовдан ўтган аруз тазйиқ остида қолган эди. У катта жасорат билан арузни, ғазални ҳимоя қилди:

*Эй мунаққид, сен ғазални
Кўҳна деб камситмагил,
Севги ҳам Одам Атодан
Қолган инсон қонида,
Тошга ҳам ширин ғазал
Бахш айлагай оташ ва жон,
Шавқ ўти ёнса агар
Шоир-ғазалхон қонида.*

(3-бет)

Бу сатрлардаги мурожаат фақатгина мунаққидга эмас, балки аруз вазнининг рақибларига ҳам қаратилган. Истеъдодли шоир қайси жанрда бўлмасин, юксак асарлар ярата олади. Бу шоирнинг ижодида *ғазал, қитъа, чистон, мухаммас, мустазод, мусаддас* каби жанрлар катта ўрин эгаллади. Шу боис ҳам адабиётшунос Ҳ.Болтабоев Эркин Воҳидов ҳақида «*Бир мумтоз тусли шеърый гулшан яратдики, унинг бағрида ғазал ва қасида ҳам, қитъа ва*

рубойй ҳам, мухаммасу мусаддас, таржеъбанд ва таркиббанд, мустазод ва мувашшаҳлар ҳам гулдай кўкариб, ўз ифори, туси ва чеҳраси билан «Ёшлик девони»ни безаб турибди»⁶, деб ёзган. Шоир қасидагўйликда битган байтлари билан ҳам элга манзур бўлди:

*Собиту сайёрада
Инсон ўзинг, инсон ўзинг.
Мулки олам ичра бир
Хоқон ўзинг, султон ўзинг.
(14-бет)*

Ёки:

*Тарихингдир минг асрлар
Ичра пинҳон ўзбегим
Сенга тенгдош Помиру
Оқсоч Тиёншон ўзбегим.
(9-бет)*

Шоир ғазалларининг аксарияти анъанавий аруз қоидалари асосида ёзилган бўлса ҳам, мазмун-моҳият жиҳатидан бугунни, замондошларни тараннум этади. Китобхон уларни ўқишга қийналмайди. Аксинча, самимият, пок севги, инсон руҳий кечинмалари, ёшлик хаёлотли, орзу-умидлар, дўстлик мавзуларини қамраб олган сатрлар шеърхонни ўзига сеҳрлаб қўяди:

*Ғунчадек чеҳрангда Эркин,
Жон фидо этган санам.
Қатра қошида гул учун
То муҳаббат боғида.*

Хулоса қилиб айтганда, Эркин Воҳидов арузни ижтимоий ҳаётга, жонли характерлар тасвирига йўналтирди. Шоир ғазалларида изчил ғоя акс эттирилди, оддий инсон ҳам ўз ўй-ташвишлари билан бу ғазаллар қаҳрамони бўла олишлиги исботланди. Шу маънода устозлар анъа-

налари йўлида бардавом бу шеърият ўзига хос бетак-
рор «бўстон» яратди.

**Шаҳноза РАҲМОНОВА,
ЎЗМУ аспиранти.**

¹ О.Шарафиддинов. Талант ва масъулият // Сўз сеҳри. Э.Воҳидов ҳаётига чизгилар. Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 2006. 5-б.

² Ў.Ҳошимов. Атоқли шоир, дилкаш инсон // Сўз сеҳри. Э.Воҳидов ҳаётига чизгилар. Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 2006. 32-б.

³ Э.Воҳидов. Куй авжида узилмасин тор. Т.: Фафур Ғулум номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1981. 8-б.

⁴ Саид Аҳмад. Йўқотганларим ва топганларим. Т.: Шарқ, 1999. 138-б.

⁵ Э.Воҳидов. Ўртада бегона йўқ. Т.: Ёзувчи, 1991. 3-б. (Кейинги мисоллар ҳам шу манбадан олинган бўлиб, саҳифаси қавс ичида кўрсатилган).

⁶ Ҳ.Болтабоев. Ўзбекнинг қалб дафтари // Сўз сеҳри. Э.Воҳидов ҳаётига чизгилар. Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 2006. 84-б.



Хуршид Даврон шеъриятида рамзий ва мажозий тимсоллар

XX аср ўзбек шеъриятида юсак санъат намуналарини бунёд этган Шавкат Раҳмон, Усмон Азим, Хуршид Даврон каби истеъдодли шоирлар ўзларининг асарлари билан чинакам шеърият ҳамиша ҳаёт билан чамбарчас боғлиқлигини, улар инсониятнинг эстетик эҳтиёжларига хизмат қилиши лозимлигини тўғри англаб етишди.

Бу авлод шеърияти адабиётдаги кўп йиллик бой ва ранг-баранг ижодий тажриба асосида шаклланди. Озод Шарафиддинов шундай ёзади: *«Улар мана шу бақувват заминга таяниб, бугун шоирона сўзнинг янги имкониятларини изламоқдалар, шеърий шаклларнинг ранг-баранглигига, тасвир воситаларининг ўзига хослигига, поэтик образлар системасининг оригиналликка»*

интилмоқдалар».¹ Ҳақиқатан ҳам, 70-йиллар шеъриятида ҳаётни чуқурроқ англаш, идрок этилган ҳаётни янгича шакл ва оҳангларда бадиий акс эттиришга интилиш та- мойиллари кучая борди. Бу авлод шоирлари шеърияти- мизни маъно-мазмун жиҳатидан кенгайтирди.

Бу ижодкорлар орасида Хуршид Даврон шеърлари ҳам ўзига хос оҳанг ва ифода воситаси билан ажралиб туради. Шоир бир шеърида шундай ёзади:

- *Бунча қўрқоқ бўлмасанг, дўстим?*
- *Нетай, ахир, мен эрксиз ўсдим.*

- *Нега ёлғон сўзлайсан, айтгин?*
- *Хўрлаганлар болалик пайтим.*

- *Болаларинг сотарсан нечун?*
- *Отам мени сотгани учун.*

- *Нега сен воз кечдинг элингдан?*
- *Айирганлар она тилимдан!...*

«*Бунча қўрқоқ бўлмасанг, дўстим!*», «*Нетай, ахир, мен эрксиз ўсдим*» мисраларида шоир эрксиз ўсган одам қўрқоқ ва журъатсиз бўлишини таъкидлайди. Чунки бун- дай одам руҳидаги устун синдирилган бўлади. Қўрқоқ ва журъатсиз руҳ сотқинлик ва хоинликка мойилдир. Шеър- нинг кейинги мисралари ҳам шеърхон қалбида ғалати, исмсиз туйғуларни кўзғайди. Болаликда хўрланган, кетма- кет сотқинликларнинг гувоҳи бўлган, ичдан қашшоқликка маҳкум этилган инсонлардан нима кутиш мумкин? Шеър муаллифи мана шу ҳақиқатдан оғринади. Замондошлари- ни ҳам безовта қилади, огоҳлантиради.

Хуршид Давроннинг турли йилларда ёзилган шеър- ларида мана шу қўрқоқлик ва журъатсизлик салтанати- га қарши исён акс этган. Унинг асарларида: «*Номардни қўрқув яратади*», «*Қўрқмасдан қадам ташла, ер жуда қаттиқ*», «*Менинг ўғлим қўрқар фашистдан*», «*Бу одам*

китобнинг ўзидан эмас, Китобда битилган сўздан қўрқади», «Дуч келишдан қўрқади балки Қодирийга ёки Чўлпонга», «Қул бошини тутганидек ҳам, Қўрқув ютиб ўтиравердим» сингари сатрларни кўплаб учратиш мумкин. Бу сатрларда илгари сурилган ғояларни қўрқув асосига қурилган бутун бошли тузумнинг таърифи, дейиш мумкин. Шоир қўрқув ичра жонини ҳовучлаб ўтирган миллатига мурожаат қилиб, унинг руҳиятидан мана шу қўрқувни ҳайдаб чиқаришга, ҳеч иккиланмай айтиш мумкинки, озодликка, эрка даъват этади. Кўнглида шундай ҳис-туйғу ва кечинмалари бўлган одамгина бу ҳақда «хўп» ва «кўп» ёзиши мумкин.

Шу маънода олганда, унинг «Ватан ҳақидаги етти ривоят», «Болаликнинг овози», «Қақнус», «Баҳордан бир кун олдин» каби шеърий тўпламлари ижодкорнинг ўзига хос кашфиёти ҳисобланади. Улуғбек Ҳамдам айтмоқчи: «Ҳар даврнинг ўз қиёфаси, юриш-туриши бўлади. Айни ўзгачалик, кўпинча, шу даврда яшаган инсоннинг умумий кайфиятини белгилайди. Зеро, одамзоднинг хаёли ҳар қанча учқур бўлмасин, у ўз даврининг кўринмас ришталаридан батамом узилиб кетолмайди».²

Шоир Хуршид Даврон шеъриятида эрк ва озодлик туйғулари устувор туради. Лирик шеърларида ҳам, тарихий мавзулардаги шеърларида ҳам шу руҳ етакчилик қилгани учун у шеъриятда ўз сўзи ва ўрнини топа олди. Шоир туркий халқлар тақдири, фожиаси, қисмати, ўтмишини куйлайди, бахтидан қувонади, бахтсизлигидан қайғуради. Юртнинг, Ватаннинг кечмишини «Мен кўксингга бошимни қўйдим» номли шеърида ўзига хос ташбеҳ, воҳита ва поэтик тимсолларда куйидагича ифода этади:

*Мен кўксингга бошимни қўйдим,
Сен чеккан ғам, ҳасратда куйдим.
Суйдим сенинг Оқдарёнгни ҳам,*

*Ҳамда Қорадарёнгни суйдим,
Эй, қалбимнинг онаси, Ватан!*³

Маълумки, Ватан бир парча ердан бошланади. Бу ҳикматни билмаган одам ватан қадрини билмаслиги, англамаслиги мумкин. Юқоридаги мисраларда муаллифнинг қалб садоси жаранглайди. Ватан тупроғига бошини қўйиб, у чеккан ғам-ҳасратлардан изтироб чекиш, куйиниш лирик қаҳрамон кечинмаларининг қоғозга тўкилишига, қалб туғёнларининг поэтик тимсолларга эврилишига имкон беради.

Хуршид Даврон шеъриятида рамзий-мажозий тимсоллар кўплаб учрайди. «Исмнинг айтиб чиқар куртаклар», «Исмнинг айтиб чиқади қуёш», «Исмнинг айтар жангчи юраклар», «Эй, қалбимнинг онаси, Ватан!», «Оқизган оқ кемачалардай», «Сўлим тонглар, ол тонглар, ясан» каби сўз ва иборалар орқали яратилган рамзий-мажозий тимсолларда Ватанга бўлган чексиз меҳр-муҳаббат ифода этилади. Шу боис шоир «Эй, қалбимнинг онаси, Ватан!», «Сен умримнинг тонгисан, Ватан!» дея баралла куйлайди. Шоир Ватан тақдири билан боғлиқ воқеликка ҳаққоний, адолат кўзи билан қараши, уни Ватан, Она юрт, миллатнинг қисматига бефарқ эмаслиги, халқ манфаати йўлида, ўтмиш анъаналарини тиклаш борасида ҳар қандай курашга тайёр эканлиги қатор тимсолларда кўринади.

Шоир юксак маънавият, маданият соҳиби, у доимо миллат тарихини ҳимоя қилиш билан чамбарчас боғлиқ ҳолда покликка, ҳалолликка, виждонийликка интилади. У мозийни билмай туриб бугунни англаб бўлмаслигини яхши тушунади. Мана шу ўтмишга юксак маънавий назар билан боқиш унга бошқаларга ҳам юксак талаблар қўйиш имконини беради. Шу юксак туйғу ва кечинмалар унинг «Самарқанддаги озодлик ҳайкали қошидаги ўйлар» номли шеърисида қуйидагича акс эттирилган:

*Бу ерда изтироб кўксимга битган
Қиссалар тошини ирғитиб, тиниб,
Шу қутлуғ заминнинг қўйнида ётган
Ботирлар руҳини чорладим ёниб.*⁴

Шоир эркисизликни виждонсизликдан, маънавий қашшоқликдан деб билади. Уни туғдирувчи бош омил, бош иллат эса фаолиятсизлик, лоқайдлик, бепарволик туфайлидир. Шубҳасиз, бу фикр қачонлардир кимларгадир қалтис эшитилган, уларга ёқмаган. Аммо ижодкор сифатида шоирнинг шеърдаги позицияси холис. Шу боис ҳам «қутлуғ замин қўйнида ётган ботирлар руҳини чорла»йди ёниб. Шоир кўз ўнгида мозий қайта тикланар экан, ундаги эрлар овози қулоқларига эшитилади. Ердан япроқларга қонлар сачрайди. Бундай ҳолат лирик қаҳрамон юрагига ўт бўлиб, олов бўлиб қадалади. Ўй-кечинмаларида туғён уйғотади. Халқни, виждонни уйғоқликка, сергакликка чорлайди. Шундай бедорликни шоир ватандошлари қалбида ҳам кўрмоқ истайди. «Дарахтлар эрк дея курашган лашкар, Дарахтлар эрк дея навқирон аскар, кўкрагида тепган қалби – оловдек».

Ушбу мисраларда шоир рамзий тимсолнинг етакчи хусусиятидан фойдаланади, яъни дарахтларни эрк дея курашган лашкар, эрк учун чоғланган навқирон аскарга ўхшатади. Рамз образли ифоданинг бир кўриниши сифатида намоён бўлади. Шеърини нутқдаги ҳаётий воқеа, тушунча ва ҳодисаларни ифодалаш учун шартли равишда кўчма маънода сўз ёки сўз бирикмаси қўлланилади.

Шоир халқимизнинг оғир, ночор кунларидаги, яъни озодликдан маҳрум бўлган дамларидаги муаммоларни ўртага ташлайди: «Озодлик! Тилингда ҳайқириқ бўлган Сўзни ким ўчирар қабртошлардан?! Озодлик уйқусиз кўзингга тўлган Тердай аччиқ, қонли ва шўр ёшлардан». Шоир тўғри таъкидлаганидек, инсон учун энг муҳими –

эрк ва озодлик. Бу изтиробли, машаққатли йўлдан: «*Ким юзин ўғирар*», «*Ким кечади воз*», «*Ким уларсиз битар тарих варагин?!*» Шоир алам билан юқорида қайд этаётган ҳақиқатлар орқали халқига, миллатига мурожаат этади, уни курашга, қўзғалишга ундайди, ўзи орзулаган озодликдан нажот кутиб: «*Мадад бер навқирон дилга, куй бергин, Бўғзимни тўлдириб олай, қудрат бер, Бағишлай қалбимни элга, ғазаб бер, Мен уни шеъримга солай!*» дея ҳайқиради. Умрнинг аччиқ қисматини, озодлик борасидаги курашни оёғи остида ёниб турган оловга ўхшатади. Бу олов озодлик ундирган гиёҳ. Бу олов тафтидан юрак ёнади, олов юрак шаклига киради.

Хуршид Даврон шеърлари тематикасига қаралса, шоир майда мавзулар, турмушнинг икир-чикирлари ҳақида ёзмаслигини англаш мумкин. У катта ҳис-туйғулар, теран кечинмалар шоири сифатида ўз шеърларида глобал миқёсдаги ижтимоий-сиёсий муаммоларни ифодалай олади. Шу боис Х. Давроннинг ҳар бир шеърида Ватан, халқ, озодликка доир дардли туйғулар рамзий-мажозий, метафорик тимсолларда гавдаланади.

Хуршид Даврон шеърляти ҳақида мулоҳаза юритиб, Эшқобил Шукур: «*Хуршид Давроннинг асосий ижод қоидаларидан бири – шеърда Ватан бўлиши керак! У бир майса тимсолида акс этадими, тупроқ мисолида намоён бўладими, бир дарахт тасвирида кўринадими, дарё каби шовуллаб овоз берадими, қандай бўлмасин шеърда Ватан бўлиши керак! Бироқ бу рамз унинг шеърларига сира зўрма-зўраки киритилмаган, балки шамол каби эркин, муҳаббат каби самимий, виждон каби халол кириб келган*», – деб ёзади.⁵ Шоирнинг ушбу рамзий-мажозий тимсоллари шеърдан-шеърга ўсиб боради. Жумладан, «Кечир, асрим» номли шеърда ҳам шундай ёзади:

Тондим дилни, элни кўр қилган,
 Заҳарлаган пуч ғоялардан.
 Юрагимга мадад изладим
 Кунга боқиб тик қоялардан.
 Сенинг совуқ кўзингга боқиб,
 Сўлди неча дилларнинг гули,
 Асл эрлар эсидан оғиб,
 Омон қолди нокас, доғули.⁶

Ҳар қандай шоир тақдири, биринчи навбатда, шахс тақдиридир. Шоирдаги истеъдод шахсий кечинма чегараларини ёриб ўтиб, ижтимоий омилларга эришгандагина ижодий кучга айланади. Хуршид Даврон шеърятда фақат ўзининг шахсий кечинма ва қарашларигина эмас, балки айти чоғда XX асрнинг муҳим муаммолари ҳам ифодаланган.

Хуршид Даврон замон муаммоларини ўзига хос тарзда, услубда ифодалайди. Шоир бетакрор рамзий-мажозий тимсолларни яратади: «Шеър – фақат қуш тили, деганди шоир, У тилин қайтариб берди қушларга, Шеър – юлдуз киприги, деганди Ойбек, Ўзи киприк эди Ўзбекистонга, Ойбек – бу, дарахтзор устида қуёш, Нури то чумоли кўзига етган» каби («Ойбек» шеъридан) мисралар ила шоир Ойбек тимсолини яратади, уни дунё, замин, табиат, ватан, инсон билан мулоқотда тасвирлайди. Туйғулар табиийлигини йўқотмаган тарзда ранг-баранг тимсолларда, жумладан, рамз-мажоз ҳамда метафоралар орқали ифодалайди. Шоир ўзи кўрган, таъсирланган ҳаётини воқеа-ҳодисаларни, кузатиш ва ўйларини таъсирчан рамзий-мажозий тимсолларда осуда, сокин баён этади. Бу образлар кўпроқ шоир шахсий «Мен»и билан боғлиқ ҳисларни ифодалайди.

Қушлар кетди.
 Булутлар қайтди.
 Қолди яна маъюс дарахтлар...

*Далаларга қиш маликасин
Оқ рўмоли – қиров тушади.
Сирға ос, деб куз дарахтларнинг
Қулоғини секин тешади.⁷*

Модомики, шеър ҳис-туйғу ва кечинмалар тасвири экан, бу тушунчани табиатдан айро ҳолда ифодалаш уларни яланғоч ҳолда кўрсатишдай гап. Чунки инсон туйғулари табиатдан таъсирланиш натижасида пайдо бўлади. У табиат билан уйғунлашув онларида юзага чиқади. Хуршид Даврон ўз тийнатида қушлар, булутлар, маъюс дарахтлар, қуёш, боғлар, дарахт барглари, далалар, қиш, қиров, куз – ҳамма-ҳаммасини теран ҳис этади. Бу рамзий-мажозий тимсолларда шоирнинг туйғулари ўзгача лавҳа, ўзгача манзара касб этади.

Хуллас, Хуршид Даврон ижоди адабиётшунослик илмида бир неча йўналишда ўрганишга ва мактаб «Адабиёт» дарсликларидан ўрин олишга арзирлик шеърятдир.

**Дилфуза ТОЖИБОЕВА,
НамДУ катта ўқитувчиси.**

¹ О.Шарафиддинов. Гўзаллик излаб. Т.: Фафур Ғулум номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1985. 6-б.

² У.Ҳамдамов. Бадий тафаккур тадрижи. Т.: Янги аср авлоди, 2002. 90-б.

³ Хуршид Даврон. Болаликнинг овози. Т.: Ғ. Ғулум номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1986. 3-4-б.

⁴ Кўрсатилан асар. 17-б.

⁵ Эшқобил Шукур. Шеърда устоз виждондир фақат // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 2009. 16 октябр.

⁶ Хуршид Даврон. Баҳордан бир кун олдин. Т.: Шарқ, 1997. 39–40-б.

⁷ Ўша асар, 169-б.



Сўзларда ранг симфонияси

Сўзларда илоҳий қудрат бор. Калом усталарининг эътироф этишларича сўзларда илоҳий оҳанг ва ранглар уйғунлиги ҳам мавжуд.

Ранг инсон ҳаётида муҳим аҳамиятга эга. Рангларнинг пайдо бўлиши ҳақидаги илмий қарашлар машҳур физик олим Исаак Ньютонга бориб тақалади. Олим қуёш нурунинг турли жисмларда синиши оқибатида рангларнинг юзага келишини илмий тадқиқотларида ишботлаб берган.

Барча ранглар асосида 3 та асосий ранг ётади. «Асосий ранг табиатдаги сариқ, қизил, зангори ранглардир. Шу рангларни бир-бирига озми-кўпми аралаштириш натижасида бошқа – иккинчи даражали ранглар келиб чиқади».¹ Бу рангларнинг хилма-хил даражадаги аралашмаси натижасида уларнинг юздан ортиқ тури мавжуд. Масалан, биргина қора ранг ўндан ортиқ кўринишга эга. Рангларнинг тус хоссасидан ташқари яна бир муҳим жиҳати бўлиб, бу уларнинг инсон ҳаёти, маънавияти ва руҳияти билан боғланиб кетишидир. «Инсон умрининг ҳар лаҳзасида учрайдиган ранг инсонларнинг маънавиятини шакллантиришда муҳим ўрин тутди. Чунки, ранг руҳиятга ҳар дақиқада ижобий ёки салбий таъсир этиши мумкин. Чунончи, кечқурун уйингизда чироқ ўчиб қолди дейлик, ҳамма жой қоп-қора бўлиб кўринади. Сиз сиқиласиз, тушкунликка тушасиз, руҳингизда мавҳумлик пайдо бўлади. Кўз қорачиғи катталашади, юрак уриши ўзгаради, бу ҳолат кишиларнинг соғлиғига салбий таъсир этади. Бунинг аксини олайлик, ҳар баҳорда лола сайлига чиққанингизда, тоза ҳаводан ташқари, қир-адирларда турли ранглардаги гулларни,

майсаларни, мусаффо осмонни, тоғ чўққисидаги оппоқ қорларни кўриб руҳингиз кўтарилади, ҳаётга ва табиатга бўлган муҳаббатингиз янада ошади».² Иккала жараённи таҳлил қилсак, биринчисининг замирида қоронғулик – қора ранг, иккинчисида ёруғлик рамзи – оқ ранг ётибди. Қоралиқда руҳий тушкунлик, мавҳумлик, салбийлик бўёғи, кўрқинчли ўй-хаёллар, кўрқув кабилар акс этса, оқликда ёшлик, соғлиқ, муҳаббат, беғуборлик, кўтаринкилик, мусаффолик, ёруғлик, тозалик бўёқлари барқ уради.

Инсон кайфиятида муҳит рангига кўра ўзгаришлар содир бўлади. Бу жараён, албатта, сўз билан ифодаланганда сўзлар жилоси сўзнинг мазмуни орқали намоён бўлади, яъни кўз олдимизда сўз орқали гавдаланади. Буни ёзувчи Ч.Айтматовнинг «Оқ ёмғир» ҳикоясида кўришимиз мумкин. Асарда қўлланилган сўзлар ёки тасвирланаётган муҳит шунчаки ёзилмаганининг ва асар ранглар билан боғлиқ чуқур мазмунга эгаллигининг гувоҳи бўламиз.

Нима учун ёмғир «оқ ёмғир» деб аталган? Юқоридаги фикрларимизда оқ ва қора рангларни таҳлил қилиб, «Оқ ёмғир» ҳикоясида ҳам киши руҳияти ва ўша дамдаги вазият ранглар ва ранг бўлмаган, аммо ранг муҳитини белгиловчи сўзлар орқали тасвирланганини кўрамиз. Воқеалар ривожида аввалига зулматга, қоронғулик оламига чўмгандай бўласиз, ҳикоя давомида гўё покланиб, ёруғликка чиқиб борасиз, ниҳоясида бутун хафаликни, гумонларни ювиб юборувчи ёмғир – «оқ ёмғир» ёғади. Ранглар жилоси гўё мукамал симфония каби дастлаб туйғуларингизни безовта қилиб, секин-аста уни юксакликларга олиб чиқади. Фикрларнинг исботи сифатида ҳикоядан мисоллар келтирамиз.

Ҳикоя шундай бошланади:

Юксак тоғ қояларидан эсаётган **муздек шамол қоронғи даралар** ичидан куч билан отилиб чиқиб, тоғ этакларига равона бўларди.

Унинг давомида қуйидаги лавҳа кетма-кетлиги мавжуд:

1. **Ойнинг кўкимтир нури** қизнинг боши ва елкаларигача ёритиб турарди.

2. Саодат узоқдаги **чироқларга** боқиб турар экан...

3. **Ёрқин қуёш** остида жимирлаб ётган кўкимтир шудгор унинг кўз ўнгидан ўтди.

Ҳикоя шундай яқун топади:

Ташқарида бўлса **оқ ёмғир** ёғаётган эди.

Зайнаб опа отдан тушиб, ёнидаги тошга ўтирди-да, йиғлай бошлади. Бироқ эндиги **кўз ёшлар** ўз **фарзандларининг фахри** учун, уларнинг ажойиб **катта ишларини** кўриб **қувонч ҳисларига тўлган онанинг кўз ёшлари** эди (Ч.Айтматов. «Оқ ёмғир»).

Мисолларда воқеликнинг қоронғилиқдан ёруғликка қараб босқичма-босқич ўтиб борилганининг гувоҳи бўламиз. Бу ёзувчининг маҳоратини намойиш этган. Ёзувчи қўллаган ҳар бир сўз асарнинг ички моҳиятини очиб беришга хизмат қилган. Унинг мазмунини тўлдириш учун ранг бўлмаган сўзларни маҳорат билан қўллаган ва улар ранг ифодаловчилари билан уйғунлик касб этган.

Биз ҳикояда инсон руҳиятидаги зиддиятли ҳолатларни ўзида мужассамлаштирган, зоҳиран бошқа тушунчаларни, ботинан ранг ифодаловчи сўзларни атрофида уюштирган марказий концептлар сифатидаги бирликлар орасидаги даражали муносабатни қуйидагича тасаввур қиламиз:



Кўриб турганимиздек, ҳикоя матни марказида қоралик ва оқлик муҳити туради, унинг қобиғи, қуршови, тўлдирувчиси бўлиб атрофидаги ранг ёки ранг бўлмаган, аммо қоралик ва оқлик мазмунини берувчи сўзлар ташкил этмоқда. Мана шу сўзлар орқали асар мазмунини янада чуқурроқ англаб, ёзувчининг маҳоратига яна бир қарра амин бўламиз.

Асар қаҳрамонининг (Зайнаб опа) ҳолати ва фикрлари, шубҳаю гумонларга берилиб тушкунликка тушиши, кўз олди қоронғулашиб ўзини ҳақиқий касалдек ҳис этиши, умидсизликка тушиши ва бошқа шу каби ҳолатлар маҳорат ила қора рангни ифодаловчи концептосфера орқали тасвирланган.

Аммо, асардаги воқеалар қоронғуликдан ёруғликка босқичма-босқич ўзгара боради. Худди:

- 1) қоронғи – ойнинг кўкимтир нури – чироқлар – қуёш;
- 2) милтиллаган аланга – эрта баҳор – оқ ёмғир – ювилган ерлар – яшил ўсимлик – қувонч кўз ёшлари каби.

Асар якунида барча аламлар, гумонлар мисоли ёмғир ювганидек ювилиб, кўнгли ёришган Зайнаб опа қилинган ва қилинажак ишларнинг яхши томонларини кўра бошлайди, фарзандлари (қизи Саодат ва куёви Қосимжон) ютуқларидан фахрланиб, кўзларига ёш олади. Барча қоронғулик, зулмат чекиниб, ўрни ёруғ, оппоқ ҳисларга тўлади.

Матнни шакллантиришда бевосита ранг билдирувчи сўзлар марказий ўринни эгаллаган. Масалан, қораликни ифодаловчи *қоронғи* (даралар) сўзи асар қаҳрамонининг қалбидаги умидсизлик ва тушкунлик ҳолатини бевосита акс эттирган.

Аммо мазкур ҳолат тасвирига билвосита хизмат қилувчи *муздек* (шамол), *бўғиқ* (овоз), *хиралашган* (кўзлари), *касал* (онаси), *кўнгли ғаш бўлмоқ*, *ғамгинлик* сўзлари марказий сўз (қоронғилик) билан маъновий «оҳангдорлик» касб этган.

Шунингдек, Зайнаб опанинг қалбидаги иккиланиш, бир қарорга келолмаслик ҳолати қора ва оқлик оралиғидаги сўз (*кўкимтир нур*) воситасида тасвирланади. Бу *милтиллаган аланга* бирикмаси билан қувватланади. Қораликка зид қўйилаётган оқ ранг (оқ ёмғир) қаҳрамон қалбидаги нурафшонликни ифодалаш учун қўлланган. Бу сўз зиммасига юклатилган семантик ва бадиий масъулиятни бажаришга *қувонч ҳислари тўла кўз ёшлар*, *эрта баҳор*, *янги ер*, *кўнгли бир оз тинчимоқ*, *илиқ буғ*, *оқ ёмғир*, *оқ сурп*, *оқ кўйлак*, *ер денгизи ҳайдалган*, *ариқлар қазилган*, *ёмғир билан ювилган*, *яшил ўсимлик*, *баҳорги буғдой*, *фарзандларининг фахри*, *катта ишлари*, *қувонч ҳислари тўла кўз ёшлар* каби лексик бирликлар кўмаклашган.

Бир қарашда мазкур сўзларда бевосита ранг маъносини кўриш ғайритабиий. Аммо *оқ ёмғир* бирикмасидаги *оқ* сўзининг бадиий қиймати уларга ҳам шунга монанд вазифа юкланаётганлигига асос бўла олади.

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, нутқда ранг ва муҳит узвий боғлиқ бўлиб, улар уйғунлиги киши кайфияти ва руҳиятини тасвирлашда алоҳида аҳамият касб этади.

**Оқила АБДУЛЛАЕВА,
ЎзМУ 3-курс талабаси.**

¹ С.С. Булатов. Рангшунослик. Т., 2009. 137-б.

² Ўша асар. 8-б.

Йирик туйғулар куйчиси

Ҳозирги ўзбек адабиётининг йирик вакили, замонавий шеърят, драматургия ва наср тараққиётига улкан ҳисса қўшган ижодкор, киносценарийчи Усмон Азим 1950 йилнинг 13 августида олис Сурхондарёнинг тоғли Бойсун туманидаги Газа қишлоғида дунёга келди. Отаси мулла Азим олдин Бойсун, сўнг Бухоро мадрасаларида ўқиган, ҳам илмга, ҳам адабиётга меҳр қўйган обрўли одам эди. Лекин Усмон ота дийдоридан бебаҳра ўсди, чунки отаси ишчи батальонида орттириб келган касаллик туфайли бўлажак шоир уч яшарлигида оламдан ўтади.

Доим атрофида одамлар бўладиган ўқимишли ва ишбилармон Азимбойнинг ҳаёти таҳликалар ичида ўтган, Бойсундаги илк банкнинг ташкилотчиси 1936 йилда қамалган, бирор йилдан сўнг озод қилинган, иккинчи жаҳон уруши даврида Сибирга ишчи батальонига юборилганди. Онаси Менглихол кўпчилик мушфиқ-меҳрибон ўзбек аёллари каби сўзни қадрлар, ўқимаган бўлса-да, оғзаки ижод намуналаридан хабардор эди.

Олти ёшидан ўқишга борган истеъдодли Усмон 1966 йилда мактабни битирди. Тошкентда даҳшатли зилзила юз берган ўша йили олий мактабга ҳужжат топширолмай қолди. 1967 йилда Миллий университетнинг журналистика факультетига кириб, уни 1972 йилда тугатди. Ҳарбий хизматга чақирилиб, шўро қўшинларининг офицери сифатида Германиянинг Бернбург шаҳрида икки йил хизмат қилди. Ҳарбий хизматдан қайтгач, Тошкентдан иш тополмай яна икки йил сарсон бўлди. Ниҳоят, 1976 йилда Республика радиосига ишга жойлашиб, 1989 йилга қадар

муҳаррир, катта муҳаррир, бош муҳаррир лавозимларида меҳнат қилди. 1989–1990 йилларда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Тошкент вилоят бўлимида масъул котиб бўлиб ишлади. Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, 1991 йилда Ўзбекистон Республикаси Президенти дево-нида сектор мудир, етакчи консультант, Президентнинг давлат маслаҳатчиси лавозимларида фаолият кўрсатди. 2003 йилдан буён Ўзбек Миллий академик театрида ада-бий эмакдош бўлиб ишлаб келмоқда.

Усмон Азимга ўзбек адабиётини ривожлантиришда-ги улкан хизматлари учун 2000 йилда «Ўзбекистон халқ шоири» унвони берилди. Усмоннинг илк китоби «Ин-сонни тушуниш» 1979 йилда чоп этилган. Шундан буён сермахсул ижодкор «Ҳолат» (1979), «Оқибат» (1980), «Кўзгу» (1983), «Сурат парчалари» (1985), «Дарс» (1985), «Иккинчи апрель» (1987), «Бахшиёна» (1989), «Ғаройиб аждарҳо» (1990), «Уйғониш азоби» (1991), «Ғусса» (1994), «Узун тун» (1994), «Бор эканда, йўқ экан» (1995), «Сай-ланма» (1995), «Куз» (2001), «Фонус» (2008), «Юрак» (2009) каби шеърий ҳамда «Жоду» (2003) насрий асар-лар тўпламларини чиқарди. Усмон Азим «Халил Султон» (1980), «Бир қадам йўл» (1997), «Кундузсиз кечалар» (1997), «Бозор» (1997), «Алпомишнинг қайтиши» (1998), «Жазава» (1998), «Қадим замон ҳангомалари» (2003), «Адибнинг умри» (2005), «Бахт куши» (2005), «Абдул-ла Қаҳҳор» (2007), «Синфдош ёхуд куёвликка номзод» (2007), «Бор эканда, йўқ экан» (2007), «Тоҳир ва Зухра» (2007) каби драматик асарлар муаллифи. Шунингдек, адиб «Севги» (1998), «Алпомиш» (1998), «Севги сири» (2006), «Йўқолган одам» (2007), «Қиёмат» (2010) каби бир қатор киносценарийлар ҳам яратган.

Биз ушбу мақолада таниқли шоир ижодининг биргина қирраси – шеърияти тўғрисида фикр юритамиз. Шоирнинг

шеърлари орасида «Карвон кўрдим...» асари халқчиллиги ва кўпчиликнинг кўнглига яқинлиги билан ажралиб туради. Эҳтимол, миллий шеъриятда интим туйғуларнинг бу қадар наъравор ифодаси камлиги туфайлидир. Шеърда қўлланган ҳар бир тимсолу кўчимнинг маъносини илғаш, у орқали англатилаётган фикр, ифодаланаётган туйғуни ҳис этиш одамни юксалтиради. Шеърнинг ички муסיқаси ёридан айрилган ошиқнинг нидосини ёдга солади. Суймаган кишига узатилиб кетаётган Ойтуман ҳолатининг «*Нортуяда менинг ёрим музлаб борар*» тарзида тасвирланиши кўнгилни ўртайди. Шеърда қизғалдоқлар очилган пайтда юракда ишқ йўқлиги, руҳ пажмурдалиги сабаб музлаб бораётган қиз ҳолати теран акс эттирилган. Табиат эса қизнинг ҳолатига тамомила тескари, совқотгудай ташқи сабаб йўқ, атроф гулга бурканган, музлаш кўнгилдаги қаҳратоннинг натижаси.

Шеърдаги «*Оғринма дил, мард қолади армон билан*», «*Мен қолайин юрак деган сарбон билан*» сингари таъкидлар лирик қаҳрамон табиатига хос баландлик, жўмардлик ва айни чоғда улкан чорасизликни англатади. Шеърда бахши шоирнинг афтода руҳияти «*Ойтуман ёр, тумандайин сузиб кетдинг, Юрагимнинг қалъасини бузиб кетдинг*» тарзидаги адоқсиз андуҳда акс этади. Ўта фожиали иқрорнинг изидан билдирилган «*Парчалансам – мени қўшиқ йиғиштирар*» тарзидаги ишонч ижодкор ошиқ тийнатидаги ўзига хосликни ифода этади.

Шоирнинг: «*Сен қўшиқсиз қолдинг, гулим – тўзиб кетдинг*» тарзидаги самимий нидоси акс этган сатрда парчаланган юраги қўшиғида йиғилган ошиқ ва вафо қилмаганидан қўшиқсиз қолиб тўзиган маъшуқа ҳолати зид қўйиб тасвирланади. Шеърда кўнгилдан қўшиқ бўлиб оққан севгига хиёнат қилган маъшуқа ҳолати «*тўзиб кетдинг*» бирикмаси орқали таъсирли ифода этилган.

Шеърнинг: «*Ғамга ўзим харидорман, ўзим бозор*» мисрасида эзгу ўй ва амал кишисига ҳамиша ғаму изтироб йўлдош экани қабариқ акс этган. Бу мисрада бевафо Ойтуманнинг ғам чекишини истамаган ошиқ туйғуси ифодаланган. Бир юракка икки муҳаббат сиғмайди. Кимга бўлмасин, қандай ниятда қилинмасин хиёнат хиёнатдир. Шу боис ошиқ эндиликда маъшуқаси ўзини соғиниб эрига хиёнат қилишини эмас, юртни эслашини, элини ўйлашини истайди: «*Менга эмас, тупроғингга бўл интизор*» йўсинидаги тилак шунинг ифодаси.

Элбек бахшининг: «*Бу олам-ку, маним дилим ярим этди, Ярми билан куйласам ҳам олам тўлар*» шаклидаги қаноати Усмон Азимнинг ўзига ишончидай туюлади. Унда элу юртига, суйганига сарфланиб, ярим бўлган юрак ва шу ярим юрак билан оламини куйга тўлдиришига ишонган куйчи тимсоли қоядай бўй кўрсатади.

Усмон Азим айтилмоқчи бўлган фикр очиқ кўриниб турган шеърларни кам ёзади. Одатда, унинг битганлари ўқувчини ўйга толдирадиган, сатрлар замиридаги маънони излаб топишга ундайдигандир. Шоирнинг бахшиёналаридагина нарсаларни ўз оти билан айтишга интилиш, чақириқ руҳи кучли. Шу боис Элбек бахшининг шогирди Эломонга айтганлари акс этган «*Устозим деганинг...*» шеъридаги «*Устозим деганинг шеърфуруш чиқса, Суйганим деганинг эрфуруш чиқса, Подшоҳим деганинг элфуруш чиқса, Чидагин, болам-а, чидагин*» тарзида қилинган фиғонли хитоб зумда ўқувчи шуурини қамраб олади. Шеърнинг иккинчи бандида ифодаланган руҳий ҳолатни англашга уриниш кишини маънан юксалтиради.

Шеърда яна миллат ҳаёти учун энг муҳим паллада шоирнинг тўғри гапни айта билиши ҳал қилувчи аҳамиятга эгаллиги акс этади. Шунингдек, «*Десалар: дунёда битди кўз ёшлар*» сатрида алдаб юпатишнинг

хавфи, ширин ёлғондан аччиқ ҳақиқат афзаллиги тас-
вирланади. Унда миллатни ҳақиқатдан чалғитиш маъ-
навий жиноят экани ифодаланган. Шоир шеър сўнгида
ҳар бандда такрорланиб келаётган тўртликка кичик бир
ўзгариш киритиш орқали асардаги бетийиқ исён ва ку-
раш руҳини янада кучайтиради: «*Сен чида, болам-ей,
сен чида. Куйлагин – тўхтама бир нафас! Сен куйла
қиличнинг тиғида, Ўшанда эл-юртинг чидамас!*»

Усмон Азимнинг ижоди азалдан бугунга қадар буту-
нича одамни тушуниш, унинг кўнгил ҳолатларидаги яши-
рин ва инжа сифатларни илғашга бағишланган. Унинг
қаҳрамони юксак раҳмоний туйғуларга интилган, фақат
яхшилик истаган, эзгуликка жонини бағишлашга тайёр
шахс. Усмоннинг «Илк шеърнинг ёзилиши» балладаси-
да ўзини излаган, ўзида ўзини топгани учун эркин ҳар
нарсадан ортиқ кўра билган қалб эгаси ҳолати акс этти-
рилган. Асарда эрк туйғусининг ижодкор кўнгил учун ҳар
нарсадан-да қиммат экани кутилмаган хаёлий сюжет
орқали кўрсатилади.

Асарнинг дастлабки бандларидаги кўкда учаётган қирқ
кабутар – қирқ пари, пастда улардан қолиб кетмаслик
учун оёғи ерга тегмай югуриб бораётган ўспирин руҳий
ҳолатининг «*Осмон билан ер фарқи ўчар, Ҳар қадами
айланар шеърга*» тарзидаги бир мунча самовий тасвири
шеърхонни ром этади. Баллададаги «*Юрагида уйғонган
баҳор, Ўрай бошлар ёғдуга бошин*» тасвири билан йигит
юрагида уйғонган муҳаббат туйғуси бошини эзгулик нури-
га ўраётгани ифода этилади. Ўспириннинг на ғайб кучла-
ри ғазаби, на девлар тажовузи ва на худонинг қаҳридан
қўрққан саркаш табиати тасвири ўқувчини сеҳрлаб қўяди.

Баъзан ўрнида айтилган биргина оғиз сўз ечимсиз
жумбоқларни ҳал этиши мумкин. Айниқса, инсофли
одам ҳақ сўзнинг қаршисида қуролсиз бўлиб қолиши па-

рининг: «Аммо эрксиз сиз ҳам бир қафас» сўзларининг таъсири акс этган ўринларда яққол намоён бўлади. Шеърдаги «Эрк! Кўзларини юмади ўғлон, Тебранар бир тўлқин мавжида. У майсага ўхшайди шу он, У гулларга ўхшайди жуда» тарзидаги таъкидлар ўспирин кўнглидан кечаётган қарама-қарши туйғуларни, у тушган мураккаб ҳолатни яққол акс эттиради. Ўқувчи қаҳрамоннинг майсага, гулга ўхшатилаётганлиги сабаби ҳақида ўйлаб қолади. Майса – тирикликнинг, гул – гўзалликнинг рамзи. Гўзалликка асир бўлгани боис ўспирин қизнинг ҳаётини тортиб ололмайди, эркига тажовуз қилолмайди. Шунгача парининг бирорта далилини тан олмаган ўспирин унинг эрка интилишини тушунади. Бу ҳол ўқувчи кўнглини тозартиради, юрагини кенгайтиради.

Баллададаги: «Учиб кетар оппоқ кабутар, Эркинлиги – осмони сари» сатрларининг оҳангидаёқ шодлик, қувонч янграйди. Ўспирин ҳолати: «Кўксига Ер, Осмон оқади» сатрида йигитчага эзгулик, адолат йўлдошлиги, у ўзида Еру Кўкнинг ташвишини мужассамлаштиргани айтмай туриб, айтилган. Кўксига еру осмонни сингдирган ўғлоннинг кўнглини англаш учун ҳам кишидан камида одам бўлиш талаб этилади. Баллада сўнгидаги «Илк шеърини ёзади бола, Бахш этгани ҳаммага қанот!» шаклидаги таъкид ҳам кўнгилларни юксалтиради, ҳам умидбахш кайфият уйғотади.

«Она, келганингизда» шеърисида турли сабаблар билан онасига керагидай меҳр кўргизолмаган ўғил андуҳлари акс эттирилган. Унда Усмоннинг аксар шеърларига хос кутилмаган ифодалар, яширин истиоралар, поэтик маҳоратни кўрсатувчи санъатлар йўқ, тасвир самимиятигина бор. Аввал ўқувчи эътиборини шоирнинг: «Кўйлак олиб бермадим, ...Пулум йўқ эди, она» иқрори тортади. Иложсизликдан туғилган армон туйғуси кейинги банддаги: «Очилиб гаплашмадим... Вақтим йўқ эди, она» сатри-

да бир қадар юксалиб, қаҳрамоннинг ўкинчи акс этади. Шеърдаги: «Кулиб-кулиб юрмадим... Бахтим йўқ эди, она» сатрларида ифодаланган тушкун ва норизо ҳолат тасвири ўқувчида қаҳрамондан ижирғаниш уйғотгани каби уни ўйга ҳам толдиради. Шоирнинг: «Йиғламадим ўксиниб... Ҳаққим йўқ эди, она» тарзидаги иқрорини эса баҳолаш осон эмас. Ўқувчи қаҳрамонни на айбсйтиш ва на тушунишни билади. Шу тариқа инсон туйғуларининг беадад мураккаблиги англанилади. Шеър якунидаги: «Она, бахт ўзи нима, Она, бебахтлик надир?» саволи киши ўйларини янада чалкаштириб юборади. Шеърни тушунмоқчи бўлган киши асар матнidan ташқари, ўз туйғуларинида тафтишдан ўтказиши керак бўлади. Шу йўсин одамда ўзгалар ҳақида осон, беписанд ва ҳавойи фикр айтишдан тийилиш туйғуси шаклланади.

Усмон Азим ижодда ҳеч ким юрмаган йўлдан юришга интилгани боис шеърларида шакл билан мазмуннинг номутаносиблигидан ҳам ўзгача поэтик маъно чиқара олади. Бу жиҳатдан унинг «Ҳа», осон» деб аталган ва жуда енгил оҳангли, асосан уч бўғинли мисралардан иборат мўъжаз шеъри характерлидир. Шоир ўқувчини «ҳа» билан «йўқ»нинг нега осону нима учун қийинлиги ҳақида мулоҳаза юритишга ундайди. Шеърдаги: «Ҳа» – ёлғон. «Йўқ» – виждон. Умр эса битта» сатрлари масалага бир қадар ойдинлик киритгандай бўлади. Биттагина умрни «ҳа»ларга, яъни ёлғонларга сарфлаш кўрқинчли эмасми? «Йўқ»қа сарфлаб, кўплаб яқинлар ва қатор қулайликлардан жудо бўлиш-чи? Шеърнинг: «Ҳа» – фақат ўпканг қолади кўксингда. «Йўқ» – фақат юрагинг» мисраларидаги ҳаётий-маънавий асосни пайқаш, бир ҳолатда нега фақат ўпка, бошқасида нимага ёлғиз юрак қолишини изоҳлаш кишини эстетик-интеллектуал зўриқиш, алалоқибат тозариш (катарсис)га олиб келади. Шеърнинг тугалланишидаги:

У «йўқ» деду.
 Чунки
 Аниқ биларди
 Умр битта эканлигини, –

сатрларида руҳиятдаги тўлғонишлар зарбидан ўзига хос ритм ва шеърий кайфият туғилади. Ўқувчи ҳаётнинг мураккаблиги, инсон учун яшаш «икки карра икки – тўрт» эмаслиги тўғрисида ўйлайдики, кичик шеър бажарган катта маънавий юмуш шундан иборатдир.

Усмон Азим – ҳар қандай руҳий ҳолатдан шеър топа оладиган, исталган ҳаётини тафсилда поэзия кўра биладиган катта истеъдод эгаси. Учоқ ҳалокатига йўлиққан «Пахтакор»чиларга бағишланган олти қаторлик «Стадион» шеъридаги: *«Шаҳар ўртасида фалакка боқиб Киприк қоқмай ётар Умидвор бир кўз»* тасвири қамрови, самимияти, таъсирчанлиги ва ҳаётини асоси билан кишини лол қолдиради.

Усмоннинг биронта шеъри шунчаки кўнгил эрмаги бўлмагани учун битганларида ёниқ юрак ҳарорати ёлқинланиб туради. *«Курашдим севги деб – қалбимда оташ, Курашдим қуш каби эркин сўз учун»* мисралари гўзал поэтик топилдиқ, чиройли сўз, шунчаки даъво эмас, балки шоирнинг ижодий кредосидир. Шоир юксак туйғуларни кундалик оддий турмушга қарши қўймайди, балки оддийликни улуғлик қадар юксалтиради:

*Юлдузларни ўқимоқда гулгун шафақ,
 Тонг титрайди кеч кузакнинг қучоғида.
 Шеър ёзилар... Қийноқ, сенга бўлсин шараф,
 Жоним, қалбим шеъриятнинг пичоғида.*

Қалбини шеъриятнинг пичоғига қиймалатгани боис шоир воқеликка ўта таъсирчан, унинг энг нозик жилваларини ҳис этиб, гўзаллигидан юраги тошиб қувонади, ёмонлигидан қалби қонга тўлиб қайғуради. Ўзидан кеч-

ган нодир санъаткоргина қалбига шеъриятнинг пичоғини санчий олади. Ҳаётда юракни қонга тўлдирадиган сабаблар ҳали кўплигини билса-да, шоир эзгуликнинг енгишига ишонади. Бу йўлда оромдан кечиш, азобларга чидаш, синовларга дош бериш, курашиш керак, деб билади:

*Ҳали бутун рўйи жаҳон шеър бўлажак,
Фақат бекор билиб ором қучоғини –
Бу дунёни сирга кўмиб яшаш керак,
Қалбга санчиб шеъриятнинг пичоғини!*

Усмон Азим сиртдан қанча шартаки, беқайғу ва қудратли кўринса, кўнглида шунчалар таъсирчан, майин шахсдир. Шундай бўлмаган одам «*Оҳиста-оҳиста йиғлайди бир қиз, Каптар патидан ҳам майин дардлари*» сатрларини ёзолмасди. Миллий шеъриятимизда дард бу йўсинда моддийлаштирилмаган эди. Бегонанинг ғамини ўзиники каби туя олган истеъдодгина ўзгага туйғудош бўла олади. «Ватан ҳақида шеър»даги бир қўлсиз раис туйғуларининг бетакрор тасвирлангани, Ватан олижаноб раис тимсолида берилгани сабаби ана шу туйғудошлиқдан бўлса керак: «*От елар Чавандознинг Бир енги ҳилпирар бўш... Опа, Ватан – улуғ дард! Опа, Ватан боғ бўлсин! Шеърда суратин чизсам, Тўрт мучаси соғ бўлсин!*» тарзидаги истакларида Ватанга жондили билан меҳр қўйган, уни кўзи билан кўриб, тили билан айтиб, қулоғи билан эшитибгина қолмай, кўнглигада жойлаб олган киши сезимлари акс этади.

Усмон Азим назарида табиийлик, самимият одамни юксалтиради, йириклаштиради. Шу сабаб у ҳамиша ибтидодаги самимиятни қўмсаб яшайди, битганларида уни топмоқ бўлади. «Дашт ҳақида баллада» шеърининг бошидаги:

*Тоғлар кичрайди. Пасайди осмон.
Яшаб бўлмайдигу ахир энгашиб...*

*Жўнадим баландроқ осмонлар томон –
Ортимдан Бойсуннинг дашти эргашди...*

сатрларида нафси истакларига қул бўлгани сабаб осмонни пасайтирган каслар билан эгилиб яшашни ис-тамаган покиза одамнинг тоза туйғулари ифода этилган. Шеър ниҳоясидаги: «*Жунжикиб, эгасиз ит каби ғамгин Вокзал майдонида ёлғиз дашт кезар*» байтида болалик-даги самимиятидан айрилган инсон андуҳлари, топган-ларидан йўқотганлари кўпроқ бўлган қаҳрамон фожиаси, туганмас дардлари акс этган. Юксак осмонга интилган кишининг уйга қамалиши фожиаси улкан санъаткорлик билан кўрсатилган.

Усмоннинг кўпчилик шеърларида ўзликдан, ода-мийликдан айро тушишдан қўрқув акс этади. Шу боис бот-бот «*юрак билан безанган кўкси*» ҳамиша самими-ят ва болалик тимсоли бўлмиш Бойсунга талпинганини тасвирлайди. Шоирнинг: «*Кетиб қопти Бойсундан Бой-сун...*», – дея нола чекишида йўқолган ўзлик, йитган са-мимият учун андуҳ чекилади. Унинг бу сатрлари кирлан-ган кўнгилларга одамийлик эпкини, инсоний беғуборлик олиб киради. Бу тасвирлар юракларни бир қадар тоза-лайди. Одамнинг ёдига майсалар, тоғлар, қўзичоқ тим-солидаги кечаги покиза кунлар тушади.

Усмон Азим – шаън, эрк, ғурур, севги каби бошқариб бўлмас тийиқсиз туйғулар ҳақида бетакрор йўсинда ёниб ёзади. Унинг «Гладиатор» шеърида суюқлисини жони, озодлиги, шаъниданда баланд қўйган гладиатор сезимлари бетакрор йўсинда ифодаланган. «*Тушларимда мен у аёлни Озодликдан қаттиқроқ қучдим!*» ёки «*Ўларимда мен у аёлни Ҳаётимдан қаттиқроқ қучдим!*» каби наъравор иқрорларда эркисизлик қучоғида ҳам туйғулари озод қолган инсон ҳиссиёти оригинал йўсинда акс эттирилган.

Усмон – ижтимоий муаммолар шоири. У ўзини ҳеч қачон жамият ташвишларидан панага тортмаган. Ҳатто, унинг шеърлятини тўлиғича чигал ижтимоий масалаларга қаратилган дейиш мумкин. Унинг ичкин интим шеърларида ҳам ҳаминша ижтимоий тутантириқ, ачитқи бўладики, у худди лакмус каби одамнинг шахсияти қандайлигини белгилаб беради. «Суфлёр монологи» шеърлида шоир ўта оддий, ғашга тегар даражада зерикарли юмуш эгаси бўлмиш суфлёрнинг туйғуларини акс эттириш асносида «Энди ҳайқираман мен бўрон бўлиб, Ўзбекнинг тилида Ўзбекистондай» ёки «Халқим, хизматкорман сенинг қошингда» каби фикрлар айтишга сабаб топа билади.

Усмоннинг шеърларида ялтироқ, жўн, қўшимча юк ташимайдиган бирор тимсол ва ифода, тагмаънога эга бўлмаган биронта сўз учрамайди. У ҳамма нарсадан, ҳатто, хунуклигу қабоҳатда ҳам поэзия кўра олади. Унинг шеърлятга мутлақо алоқаси йўқдай нарсалар ҳақида ёзиб, гўзалликни тасвирлай билиши кишида ҳайрат ва эҳтиром уйғотади. «Дунёдан кенглигини сездим юрагимнинг» шеърлида:

*Мен тирилсам,
Товуш бўламан.
Товуш бўламан –
Сукунатни ютадиган товуш, –*

мисраларида шоирнинг кўнгилга жон бағишлайдиган, одамни ҳаётга қайтарадиган, тирилишга арзийдиган товуш бўлиб, сукунатни ютмоқчилиги айтилади. Сукунатни маҳв этиш эмас, балки бағрига олиб, унга қўшилиб кетишни орзулаган шоир кутилмаганда дунё олдига масала қўяди: «*Тириладиган борми? Товуш бўлсам*». Яъниким, башариятдан «Қайта тирилиб, товуш бўлишимга арзийдиган шахсият борми?» – деб сўрайди.

Истеъдодли шоир ўткинчи умр ва ёлғончи дунё борасидаги одатий ҳикматлардан ҳам кутилмаган поэтик об-

разлар ярата олади: «*Биламиз, меҳмонмиз Ғалвир дунёга. Бизлар – ўткинчимиз, У – абад ёлғон*». Инсон умрининг ўткинчилиги, ёлғон дунёнинг эса, одамга қараганда мангулиги изҳорининг бу қадар таъсирли ифодасини беришни улкан поэтик истеъдод эгасигина эплай олади. Бошқа бир шеърда Усмон сўз орқали тиллашишдан кўра кўнгил воситасида диллашиш мароқлироқ эканини: «*Сенга айтадиган сўзим қолмади, Сенга айтадиган жимликларим кўп*»,– дея тутилмаган йўсинда ифодалайди.

Усмон – туйғулари нозик, сезимлари йирик шахс. Унинг йирик ва нозик кечинмаларни ёниқ ифодалай оладиган шоир экани «*Қушдай ҳаволарга ўзимни отсам, Ўзимни йўқотсам, сенда йўқотсам...*» каби тасвирларда бўртиб кўринади. Ошиқнинг ўздан кечар даражадаги фидойилигини қадрламай, кетиб қолган суйгулига у: «*Дунё кетишинга тўлди... Қайтмагин!*» – дея билади ҳам. Шоир кечинмаларнинг товланишини эмас, балки даражаларини ҳам таъсирли моддийлаштира олади. Шу боис уч бандлик бир шеърнинг биринчи банди «*Мен сени деб бу дунёмдан айрилдим*» шаклида, иккинчи банд «*Мен сени деб у дунёмдан айрилдим*» тарзида, учинчи банд эса «*Икки дунём йўқдир, фақат сен борсан*» йўсинида охирлайди. Ишқ йўлида икки дунёсидан айрилган ошиқ ҳолатини бундай босқичлаб тасвирлаш ўта қийин бадиий юмушдир.

Шоирнинг ёрсиз кечирилган умрни ҳаёт санамаслиги «*Умр кўрдим – Умр сенсиз қадар бўлди*» сатрида акс этади. Қадарли ҳаётдан кўра ўлимни афзал кўрган ошиқнинг афсуси «*Сенсиз ўлдим – тирикликдан баттар бўлди*» тарзида мутлақо оригинал тасвир этилади. Тириклик чигалликларини нозик ҳис қиладиган файласуф шоир сифатида Усмон Азим ҳаёт курашдан иборатлигини одамни эмрантирадиган йўсинда акс эттиради: «*Воҳ зулматнинг ичида ёруғлик бўлмоқ оғир – Аммо барча ёруғим зул-*

матдан мағлубликда». Бу сатрларда ҳар қандай эзгулик ёвузлик фонидагина ёрқин кўриниши, асл одамнинг умри ёмонлик билан олишувда ўтишга маҳкумлигини англаган ўй кишиси туйғулари ифодаланган.

Шоир севгучи қалб ҳолатларидаги тинимсиз ўзгариш ва товланишларни ўта нозик ҳис этади. У ишқ йўлида чекилган азобдан лаззат туяди. Шу боис «*Сени деб йиғламоқнинг ҳасрати – ипак*», «*Лабдан кузги баргдай тушди узилиб, «Мен сени севаман!» – деган фожиа*» сингари бетакрор шеърий ифодаларни яратади.

Айтилганидек, Усмон бадийий сўз кучи билан ўта жўн рўзғорий-маиший ҳодисалардан ҳам шеър ярата оладиган санъаткордир. Сулув аёлнинг кўйлак кийиши ҳолати акс эттирилган «Кийиниш» шеъри улкан сўз устасининг тасвир имкониятлари нақадар чексизлигини кўрсатиши жиҳатидан диққатга лойиқдир. Шеърнинг биринчи бандида аёлнинг халатини ечиб, кўйлагини кийгунича бўлган ҳолати уйдан ташқаридаги нарсалар нигоҳи билан:

*Терак бўйин чўзди, мўралади тол,
Дераза қизариб боқди шафаққа.
Манглайин тиради ойнага шамол,
Бир он давом этди лаҳзалик бу ҳол –
Киргунча аёлнинг тани кўйлакка, –*

тарзида тасвирланади. Тенгсиз гўзаллик қаршисида лол қолган теракнинг бўйин чўзиши, толнинг мўралаши, кийимсиз аёлни кўриб уялган деразанинг қизариб боқиши, шамолнинг ойнага манглай тираши каби ҳолатлар тасвиридаги динамика кишини ром этади. Иккинчи бандда айна ҳолатга уй ичидаги нарсалар муносабати тамомилла ўзгача берилади:

*Гилам пол устида қолди чўзилиб,
Деворда суратлар бирдан тирилди.*

*Бурчаклар илк бора сезди кўзини,
Юзтубан қулашга шифт ҳам уринди,
Пардага атирли ҳаво урилди,
Кўйлакка олгунча бадан ўзини.*

Шоирнинг ўткир назари, фикрлашидаги фавқулод-далиқ нарсаларнинг ўзига хос тарзда шахслантирилиши-ни таъминлаган. Гиламнинг полга чўзилиши, девордаги суратларга жон битиши, бурчакларнинг ўзида кўз борли-гини сезиб қолиши, сулувга яқинлашиш учун шифтнинг қулашга уриниши тасвири ўқувчига аёл гўзаллигининг даражасини туйдиради.

Шеърнинг кейинги бандидаги «Сукунат ғиж тўлди мусиқа билан, Сатонинг торидай титради юрак» сатрларида товушлар уйғунлиги таъминланган. Формал мантиқ мисраининг «Сукунат лиқ тўлди мусиқа билан» бўлишини тақозо қилади. Шоир эса атай «ғиж» сўзини қўллаб, ғижжакка ишора қилгандай бўлади. Кейинги мисрадаги «т» товушининг анафорик йўсинда тўрт бор такрорланиши мусиқий оҳангдорликни кескин оширади.

Тўрт банд давомида беқиёс гўзалликдан ҳайратга тушган нарса-ҳодисаларнинг шодон тасвири сўнги бандда кутилмаганда андуҳ билан алмашади. Олдинига тушунарсиз бўлган бу андуҳ сабаби сўнги сатрда ой-динлашади. Шу ерда шоирнинг қалбига титроқ, юрагига алам солган ҳолат нималиги кўрсатилади:

*Аммо қайдан келар бечора таҳдид,
Ҳамқисмат оғриқда дил хира бу дам.
Кўзимдан ёш оқиб бормоқда юзга,
Яшашга негадир берар халақит.
Диванга юзтубан ногоҳ йиқилган
Бечора халатдан таралган ғусса.*

Ушбу шеърда Усмон Азимнинг санъаткорлик маҳорати яққол намоён бўлган. Ошиқни ўртаган, уни бўзлатган нар-

са айрилиқ эмас, балки сулув аёл ечиб, диванга ташлаб қўйган халатдан таралган ғусса туфайли экани тасвири поэтик сўзнинг чексиз имкониятини кўрсатади. Шеърнинг лирик қаҳрамони бирон ўринда аёлга ўз муносабатини билдирмайди. У шунчаки кузатувчи мақомида туради. Биргина «*Ҳамқисмат оғриқда дил хира бу дам*» сатри халатга қисматдош кўнгил ҳолатини англатади. Чинакам санъаткорнинг ҳеч нарсадан ҳамма нарса қила олиши ушбу шеърда яққол намоён бўлади.

Усмон йирик одам бўлгани боис ҳамиша йирик туйғуларни таъсирли йўсинда ифодалашга уринади. Унинг ёниқ туйғулари ифодаси бўлмиш: «*Ким айтди? Ҳеч кимга шеър ёзганим йўқ. Ўзимга бағишлаб ёздим ўзимни*», «*Англадим – ўзимдан кенгроқман...*», «*Ҳар битта сўзимда топшираман жон, Яшашим қийиндир, ўлимим осон...*», «*Эрк манзилмас, эрк йўлдир*», «*Бемалол уч узоқдир осмон, Ер қаттиқдир бемалол юргин*», «*Қодир ҳаёт – улкан ялмоғиз*», «*Шоирлари ёлғон айтса, ўлади эл*» каби тасвирлар уларда акс этган ҳақиқатнинг залвори боис ҳикматга айланган.

Шоир Мирпўлат Мирзонинг хотирлашича, бундан кўп йиллар олдин Арманистон бошкенти Ереванда бўлган бутуниттифоқ йиғинида шоир ўзини: «*Мен энг талант-ли шоир Усмон Азим бўламан*», – деб таништирган экан. Ҳазил сифатида айтилган бу иқрорнинг чин ҳақиқат эканини орадан ўтган йиллар кўрсатиб турибди.

Қозоқбой ЙЎЛДОШЕВ,
педагогика фанлари доктори, профессор.



Алишер Навоий талқинидаги ҳилм

Ҳилм – жамият маънавияти маромини тутиб турадиган буюк фазилатдир. «Маҳбуб ул-қулуб»да унинг талқинига махсус бир танбиҳ ажратилган бўлиб, унда ҳилм мулойимлик, оғир табиатлилик, босиқлик, беозорлик хислатидир дейилган. *«Кўнгли юмшоқлик ҳикматнинг бошидир»*, – дейилади пайғамбаримиз (с.а.в.) ҳадисларида.¹ Алишер Навоий талқинича, ҳилм – инсон вужудининг мевалик боғи ва одамийлик оламининг жавоҳирлик тоғидир. Ҳаёт турфа ҳодисалар, хатолар, зиддиятлар билан тўла. Ва бу воқеалар, ўзгаришлар, қарама-қаршилиқлар инсоният тақдирида акс садо бериб туради. Ҳилм – давр ва замон ҳодисалари, ўзгаришлари, зиддиятлар гирдобидан инсониятни тўхтатиб турувчи, мувозанатни сақлаб, жамиятга мўътадиллик ва осудалик бағишловчи *«кишилик кемасининг лангари»*дир. Яна уни башарият фарзандларининг одамийлик даражасини ўлчайдиган тарозининг ноёб тошига қиёс қилиш мумкин: *«Ҳилмни ҳаводис дарёсида кишилик кемасининг лангари деса бўлур ва инсоният мезони тошига нисбат қилса бўлур»*².

Маълумки, ахлоқ – жамиятдаги хулқ меъёрларининг йиғиндиси. Инсон хулқининг турлари эса жуда кўп. Абдулла Авлоний «Туркий Гулистон ёхуд ахлоқ» асарида ўттиз учта яхши ва йигирма битта ёмон хулқ таърифини келтирган³.

Алишер Навоий талқинича, ахлоқ – шахснинг қимматбаҳо либоси, ҳилм эса инсонга кўрк, ҳусн берувчи шу бебаҳо кийим турларининг (яъни хулқ турларининг) нозик ва нафис нақшлар солиб ипақдан тўқилган,

шу билан бирга энг қаттиқ, энг мустаҳкам ва энг чидам-ли матосидир: «Ахлоқ шахсинг оғир баҳолиғ либосидир ва ул либос жинсининг сангин дебоси» (83).

Улуғ адиб ҳилм маъносини шарҳлашда танбиҳнинг дастлабки сатрларидан ниҳоясига қадар оҳорли ташбиҳлар, янги истиоралар қўллаган. Танбиҳ давомида вазмин, оғир-босиқ табиатли одамни *тоққа, қуёшга, Ҳақғўй қушга*, вужуди тафаккур хазинасига айланган *пиру муршидга* қиёс қилган. Ҳилм шарҳи улуғ адиб яшаган давр билан боғланиб, ўткир ижтимоий ҳаёт танқиди билан йўғрилган. Навоий ўз замонасининг шамолдай бетайин, табиатида енгилтаклик, иккиюзламачилик устунлик қиладиган ориятсиз кишилари ҳилм аҳлини камситишда, бадном қилишда устаси фаранг эканлигини қайд қилар экан, шундай ёзади: «Ел агарчи лола тожин учурғай, қиё камарига нета олғай. Ўт агарчи тоғ этагин куйдурғай, аммо қуёш ахгарига нечук ета олғай» (84-б.). Оғир табиатли одам – виқорли (улуғвор, мағрур) тоғ, енгилтак кимса – хас-хашак, ел, уюрмали шамол («қуюн»); ҳилм аҳли – юк-сақдаги қуёш, «даврон боғининг хас ва хошокойинлар»и – олов. **Истиора** ва **ташбиҳ** санъатлари билан ёнма-ён келган **тазод** усули ҳилмнинг ахлоқий-маънавий қиймати бениҳоя баландлигини ёрқин кўрсатади.

Қаттиқ уюрмали шамол – қуюн ер юзасини тозалаб, хас-хашак, хазон япроқларини учириб, чанг-тўзон ясаб кўкка интилади, бироқ у вазмин ва маҳобатли тоққа зарар етказа олмайди: «Аммо даврон боғининг хас ва хошокойинлари ва елдек бесабот ва тамкинлари кўзига ҳилм аҳли оғирлиққа мансуб ва гарон жонлиқ била маъюбдурлар. Қуюндек туфроғни ҳавоға совурурлар ва сабуксорлиқ била бошларин кўкка еткурурлар. Тоғ пайкорин аёғ остиға олмоқ ойинлари ва дашт ажзосин ҳавоға совурмоқ тамкинлари» (84-б.). Ижодкорнинг таби-

ат ҳодисалари тасвирини танлаб бадиий-ғоявий мақсадга бўйсундира олиш салоҳиятига тан бермай иложимиз йўқ.

Навоий тасвирича, ҳаққуш сабот билан «ҳақ-ҳақ» деб, зикр айтиб, кўнгилга ором бериб, маънавий қувват етказиб турган чоғда қалдирғочнинг сурбетларча сайраб юбориши юракка оғир ботади. Қалби маънолар хази-насига айланган пири комил Қуръони карим оятларини қироат қилаётган дамда нокас боланинг ўйнаб келиб Илоҳий китоб варақлари устига елпиғич билан шамол бериши дилда ғашлик уйғотади: *«Ҳақгўй қушнинг тамкин била зикр айтури қошида қарлуғочнинг бемалол янғшамоғи малолат келтурур ва Мусҳаф авроқин хирад пири тиловат қилурда лаим тифлнинг елпуғуч била варақни совурмоғи кудурат еткурур»* (84-б.). Қитъаларидан бирида:

Виқор гавҳарию ҳилм маъдани бўла кўр,

Десанги, қилғай итоат санга гадо ила шоҳ⁴, –

деган Ҳазрат Алишер Навоий «*виқор гавҳарию ҳилм маъдани*»га айланган комил инсоннинг ҳаётий тимсолини «Хамсат ул-мутаҳаййирин»да келтирган. Асарда нодоннинг жаҳолатидан, таҳаммул (тоқат, чидам, сабру бардош)нинг зиёда бўлишига қатор ҳайратланарли лавҳалар мавжуд. Мазкур лавҳалар бадиий тўқима эмас, балки тарихий ҳақиқатдир. Ҳазрат Алишер Навоийнинг ўзлари кўрган, кузатган, шоҳиди бўлган, ижодкорга замондош, ҳамфикр, ҳаммаслак инсоннинг ҳаётидан олинганлиги билан илмий ва амалий аҳамиятга эга.

Ўша ҳаётий лавҳалардан бирини таҳлил қилишдан аввал Навоийнинг май ва майхўрга муносабатини ойдинлаштириб олиш лозим. «Маҳбуб ул-қулуб» асарининг учинчи қисми таркибига кирган икки танбиҳ *май* ва *майхўрлик* танқидига бағишланган. Улуғ адиб талқинича, табиатан но-

покликка мойил, разил ва қабих инсон ўзининг нодонлиги боис майхўрлик офатига гирифтор бўлади: «Улки «уммул хабоис» бўлғай, анга шефта бўлмоққа ҳам умми хабоиси боис бўлғай» (104-б.). Май маънавий-ахлоқий фазилатларни, инсоний сифатлар ва гўзалликларни ўлдирувчи захардир: «Бадмастқа дамодам ичмоғидин не баҳрким, одамийлиғ қатлиға ичар қадаҳ-қадаҳ захр» (105-б.). Ичкилик балоси руҳни емиради, ҳаёт чархпалагини издан чиқаради: «...ул журъа селоби балодур, дину иймоннинг уйин йиқар, ул қатра гирдоби ранжи анодурким, онинг била ҳаётинг нақди чиқар» (120-б.).

«Хамсат ул-мутаҳаййирин»да келтирилишича, Маҳмуд Ҳабиб исмлики ана шундай кимсалардан бири маст ва ошуфта бир ҳолатда йўлда бораётган чоғда Мавлоно Жомийга тасодифан дуч келиб, муршиди комилни беадаб сўзлар билан ҳақорат қила бошлайди. Мавлоно Жомий вазминликни йўқотмайди, унинг сўзларига эътибор ҳам қилмайди: «...балки сафоҳатлар қилибтур, аммо алар мутлақ илтифот қилмайдурлар, дағи анинг сори боқмайдурлар»⁵. Шу воқеадан бир-икки кун ўтар-ўтмас, Навоий Жомий зиёратига боради. Давлат тизимида юксак мавқега эга бўлган шоирни Жомий хизматида кўрган Маҳмуд Ҳабиб ўзининг ўтган кунги беадабликларидан уялади, бундан уни хабардор қилган бўлса керак, деб ўйлайди.

Маҳмуд Ҳабиб ўзининг доимий ҳолатига хилоф равишда, ғайритабиий тарзда Мавлонодан авф сўраб, узрини қабул қилишни ўтина бошлайди. Навоий бу, фосиқ кимсанинг инсонларча муомаласи ва ақлу ҳуш талаблари доирасида сўз айтаётганидан ҳайратга тушади. Ва «девонай хуморийи абтарий»нинг кечирим сўраш сабабини Жомийдан аниқлаб олмоқчи бўлади: «Фақир таажжуб қилиб, алардин истифсор қилдимки: «Бу девонанинг паришон узрхоҳлиқлари, оё, не жиҳатдин

эркин?». Алар сўзни ўзга сори юткаб, туно кун ўтган ҳолатдин ҳеч нима изҳор қилмадилар» (19-б.).

Бу лавҳадан кўриниб турибдики, комил инсонларнинг мусаффо қалбини жоҳил ва фисқу фужурга тўлиқ кимсаларнинг захар томиб турган тиллари ҳам қоронғулаштира олмайди. Комил инсонлар тангдилликдан, маънавий ногирон кимсалар устидан шикоят қилишдан ҳазар қилади. Аммо Навоий талқинича, онг ва идроки тубан кимсалардан покиза кўнгиллар кўп озор тортади.

Мавлоно Жомий суҳбат ўзанини бошқа мавзуга буриб, ҳақиқатни яширишга ҳаракат қилади. Бироқ воқеага гувоҳ бўлган ўзга суҳбатдошлар сўзларидан ҳақиқат ошкор бўлади: *«Аммо асҳобдин тунов кун ўтган сўз маълум бўлди. Ул девона безътидолликлар қилса эрди, анга таъзир ва адаб қилилур эрди. Фақир тиладимким, анга адаб буюрғайман... Алар манъ қилиб айттиларким: – Ул ўз сиёсатин топқусидур, сен ҳеч нима дема.*

Ҳамул беш-ўн кунда абтар девонани бўзахонада яна бир ўзидек абтар (ахлоқсиз, безори) бўйнин чопиб ўлтурди» (75-б.).

Абдурахмон Жомий каби буюк инсонлар – одамийлик тимсоли, *«виқор гавҳарию, ҳилм маъдани»*. Аммо бу хазинадан баҳраманд бўлмоқ учун маърифат, ўткир ақлу фаросат зарур. Кўнгил кўзи кўр, назари сўқир бандалар Мавлоно шахсидан ибрат ола билмаганидек, унинг маънолар хазинаси – шеъриятдан завқланиш, гўзаллик асроридан лаззатланиш, маънавий фароғат туйишдан ҳам маҳрумдирлар.

Нафақат маънавий-руҳий дунёда, балки ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида, ҳатто ҳайвонот оламида ҳам айни мантиқ ва манзарани кузатиш мумкин. Ўз ҳунарида моҳир касб соҳибининг қошида лаёқатсиз ва ношуд кимсанинг қўли ишга қовушмаса, айбни устага қўяди. Ло-

чинсимонлар оиласига мансуб итолғу қушига тувалоқ номли қушнинг кучи етмаса, ахлати билан уни булғайди: «*Хунарманд қошида беҳунар илик тебратмаса, айб туҳматин анга тақар. Итолғуга туғдорининг кучи етмаса, сонғи била ани булғор... Аммо ел агар кўкка етсун сабукбордур ва бемикдор ва тоғ агар туффроққа ботсунки, соҳибвиқордур, ҳилмшиор...*» (84-б.).

«Хамсат ул-мутаҳаййирин»да баён қилинишича, шоҳ Ҳусайн Бойқаро амирларидан бири Музаффар барлоснинг Сейидам Ироқий исми шарифли навқари бўлиб, у ўз вазифасини аъло даражада бажарган. Аммо ғоятда нодонлиги боис Жомий маслагининг моҳиятини мутлақо англамаган, фалсафий шеърлари мағзидаги маърифий маъноларни тушунишга ақли етмаган. Шунинг учун ҳам кўнгли ботил бу кимса Мавлоно Жомийга душманлик назари билан қараган. Жаҳолат вужудини чулғаб, қалбини кўр қилиб қўйгач, Мавлоно девонининг саҳифаларини бирма-бир йиртиб, ўтда ёқишгача бориб етган: «*Сейидам Ироқий... ғояти нодонлиғидин аларға мункир эрмиш, ғояти инкоридин аларнинг девонин бирин-бирин узуб, ўтға солиб куйдурубтур*» (74-б.). «Хамсат ул-мутаҳаййирин»да келтирилган бу тарихий лавҳа Алишер Навоийнинг қуйидаги қитъаси билан ҳамоҳангдир:

*Давронга на сўз сифлаи наҳс деб,
Қилур турку ҳиндуға зоҳир нифоқ.
Биайниҳ анингдекки сичқай чибин,
Оқ узра қароу қаро узра оқ⁶.*

Қитъада Сейидам Ироқий каби гумроҳ кишилар атроф-муҳитни ифлослантирувчи чивинга қиёсланган. Демак, ҳикоятда ҳам, қитъада ҳам жоҳил кимса ахлоқининг ўта ихчам ва чуқур талқини яратилган.

Устози Абдурахмон Жомийни зоҳирий ва ботиний илмлар соҳасида олам яғонаси, инсон жинсининг энг

покизаси ва афзали, – дея тавсиф этган Алишер Навоий муршиди комил табиатидаги ҳазил-мутойибага мойиллик; гина-кудурат, қасд-ғазабдан мутлақо покликка оид бир неча ҳаётий лавҳалар, бадийи далилларни келтиради: *«Фаноийя» боғчасин ясардаким, ул Ҳазрат ҳавлиларининг ичинда ер иноят қилиб бериб эрдиларким, фақир ўзига мухтасар манзил ясабмен»* (16-б.). Алишер Навоий ҳовлининг ўзига инъом қилинган қисмига гул ва дарахтлар экишни эпчил ва ишбилармон, аммо табиатан ўжар ва бир оз кўрсроқ боғбон Дарвеш Ҳожи Ирқбаданга топширади.

Мавлоно Жомий ижодий ишдан бўш пайтларда дам олиш, муборак зеҳнларига ором бериш мақсадида боғбон ишини кузатади, унга айрим ниҳолларни ўтқазиш учун жой кўрсатади. Табиатан ўжар Дарвеш Ҳожи алломанинг илтифотларига жавобан саркашлик қилади. У кишининг маслаҳатларидан бўйин товлаб, Жомий билан баҳслашув-тортишувларгача бориб етади. Унинг бундай хатти-ҳаракати, бетга чопарлиги шайхи муршидга хуш келиб, мулойимлик ва хушсуханлик ила боғбон билан баҳсда давом этади: *«Бир кун йиғочқа алар ер таъйин қилибтурлар. Девона боғбон инод юзидин дебтурким: «Мунда экмасмен». Алар инбисот била дебтурларким: «Невчун экмассен?». Ул дебтурким: «Ражадин ташқаридур, тонгла черик келса, Мир Шайхим (Алишер Навоийнинг «ёри азизи» истеъдодли шоир Шайхим Суҳайлий) боғбонлиқда воқиф кишидур, кўриб эътироз қилғусидур». Алар дебтурларким: «Боғча Шайхимнинг эмас, Алишернингдур, ул эътироз қилмағусидир».*

Черик шаҳрга келгандин сўнгра Дарвеш Ҳожининг тундликларидин асҳоб нақллар қилурлар эрди. Ул ҳазрат дағи завқу нишот юзидин ул йиғочни кўргузуб,

ўтган ҳикоятниким, алар била Дарвеш Ҳожи орасида воқеъ бўлғондур, нақл қилур эрдилар» (16–17-б.).

Абдурахмон Жомий ҳаётидан келтирилган ушбу лавҳада комил инсон ахлоқига хос муҳим бир хусусият – ҳилмнинг ғазабдан ғолиб келиши мукаммал акс эттирилган.

Зотан, Жомий мамлакат ҳукмдоридан тортиб то юксак мартабали амирлар, олийшон вазирлар эътиборида турган улуғ инсон – юксак шуҳрат эгасининг бевосита ўзига тегишли мулк ичида оддий боғбоннинг ўжар ва кўрс муомаласига, илтифотсизлигига жавобан одоб доирасида, самимий назокат билан баҳсга киришишида чексиз улуғворлик, шафқат, юмшоқтабиатлилик, хоксорлик, дарёдиллик каби бебаҳо маънавий гўзалликлар муҷассам бўлган.

Шавкат ҲАЙИТОВ,
филология фанлари номзоди,
БухДУ доценти.

¹ Муҳаммад пайғамбар қиссаси. Ҳадислар. Т.: Камалак, 1991. 88-б.

² Алишер Навоий. Маҳбуб ул-қулуб. Мукаммал асарлар тўплами. 20 жилдлик, 14-жилд. Т.: Фан, 1998. 83-б. (Бундан кейинги иқтибослар ҳам шу манбадан олинади ва саҳифаси қавс ичида кўрсатилади).

³ А.Авлоний. Туркий гулистон ёхуд ахлоқ. Танланган асарлар. 2 жилдлик, 2-жилд. Т.: Маънавият. 1998, 40–91-б.

⁴ А.Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 20 жилдлик, 3-жилд. Т.: Фан, 1998. 558-б.

⁵ Алишер Навоий. Хамсат ул-мутаҳаййирин. Мукаммал асарлар тўплами. 20 жилдлик, 15-жилд. Т.: Фан, 1999. 19-б. (Бундан кейинги иқтибослар ҳам асарнинг шу нашридан олинади ва саҳифаси қавс ичида кўрсатилади).

⁶ А.Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 20 жилдлик, 6-жилд. Т.: Фан, 1990. 517–518-б.



«Лисон ут-тайр» достонидаги бир ҳикоят шарҳи

«Лисон ут-тайр» достони Алишер Навоийнинг ижодида алоҳида мавқега эга. Бу достон фалсафий-тасаввуфий асардир. Достоннинг «Маърифат водийсининг васфи» мақолотида далил сифатида «Кўрлар ва фил» ҳикояти келтирилган. Ушбу ҳикоят ҳақида қатор адабиётшунос олимлар фикр билдирганлар. Зеро, бадий матннинг талқинлари қанча кўп бўлса, асар шунчалик бақувват эканлигидан дарак беради.

Ҳикоятда тасвирланишича, бир гуруҳ кўр қандайдир сабаб билан Ҳиндистонга бориб қолибди. Ўз юртига қайтишгач, улардан «Филни кўрдингизми?» деб сўрашибди. Кўрлар «ҳа» дейишгач, сўровчилар «далил келтиринг» дейишибди. Шунда:

*Ҳар бири бир узвига суртиб илик,
Ҳосил айлаб эрдилар ондин билик.
Қўлларин мас айлаган деди: «Сутун»,
Қорнин эткон мас дедиким: «Бесутун»...¹*

Хуллас, кўрларнинг фил ҳақидаги фикрлари турли хил ва бир-бирига зид чиқибди. Бироқ:

*Чун ҳакими комили ҳинду нажод,
Пилбонлиғ шевасида устод,...
... Деди: ҳар бир улча воқиф эрдилар,
Пил ҳолидан нишоне бердилар...
Лек жамъ ўлғонда бу барча сифат,
Пилға ҳосилдур ул дам маърифат.*

Навоий аслида бу ҳикоят мазмунини ҳинд эртакларидан олган бўлиб, унда тўрт нафар кўр бир филнинг бошқа-бошқа аъзоларини пайпаслаб «кўрган»и ва бир-бирларига нисбатан нотўғри фикр билдирганлари тасвирланади. Эرتак шундай яқунланади: «Шундай қилиб,

тўртала кўр янглишиб, бир-бирини алдайди. Аммо уларнинг ҳар бири ўзлари билганини айтди».² Бу ҳикоятдан Шарқ тасаввуф адабиётининг дарғалари моҳирона фойдаланганлар. Улардан бири Абу Ҳомид Ғаззолий бўлиб, у мазкур эртакни «Фил тўғрисида ихтилофга боришганлари» деб номлайди ва «Кимёи саодат» асарининг «Табиюнлар ожизлиги баёнида» фаслида келтиради. Ғаззолий мунажжим ва табиюн (натуралист)ларнинг дунёқараши (оламнинг марказига қандайдир унсурни қўйиб, уни оламнинг асоси деб ўрганишлари)ни филнинг маълум бир аъзосини ушлаб олиб, уни фил деб туриб олган кўрларга қиёс қилади. Асарни шундай хулосалаган: «*Бу тоифаларнинг ҳаммаси ҳам рост айтур ва хато қилурлар*».³

XII асрда яшаб, ижод этган ватандошимиз Азизиддин Насафий ҳам «Инсони комил» рисоласида ушбу эртак сюжетидан ижодий фойдаланган. Насафий барча инсонларни кўрларга ўхшатади. Уларнинг орасидан етишиб чиққан инсони комилни кўрсатиш учун эса сюжетга ўша кўрлардан бирининг кўзи очилиши мотивини киритади. Бу Насафийнинг ўз фикрини образли баён этишигина бўлмай, айти пайтда бадий кашфиёт ҳам эди.

Профессор Е.Бертельснинг қайд этишича, бу ҳикоят мазмуни Амир Хусрав Деҳлавийнинг «Хамса»сида ва Абдумажид Санойининг «Ҳадиқа ул-ҳақойиқ» асарида ҳам учрайди. Мазкур асарларда ҳам ҳикоят кўзи ожиз кишилар билан боғланган.

Мазкур ҳикоят Румий ижодида янада сайқалланган ҳолда ишланган. Унда қоронғу хонага бир филни олиб кириб, кўзи соғлом кишиларга «кўрсатилиш»и тасвирланган. Натижа одатдагидек ҳар хил бўлади. Ушбу ҳолни Румий шундай таърифлайди:

*Ҳар бирининг илкида бўлсайди шам,
Ихтилоф бўлмасди зоҳир зарра ҳам.*

*Ҳис кўзи – кафтдирки, тимискийди, бас,
Кафт неча сийпайди, лекин қамрамас.*

Буюк файласуф бундай хулосага келади: зоҳирга қараб ботинга, мавжга қараб дарёга баҳо бермаслик керак.⁴

Алишер Навоий Санойӣ, Хусрав Деҳлавий ва Румийнинг асарлари билан таниш бўлганлиги, шубҳасиз. Бу ҳақда «Насойим ул-муҳаббат» асарида тўхтаб ўтган.⁵ Хусрав Деҳлавийни эса хамсанавис салафи сифатида кўп марта эслайди. Демак, Навоий бу асарлардан бохабар ҳолда, анъанавий ҳикоятдан фойдаланиб, оригинал асар яратган.

Навоий қаламига мансуб ҳикоятдаги воқеа Ҳиндистонда бўлиб ўтади. Бу, биринчидан, шоирнинг асл манбадан бевосита хабардорлигини ёки буни мантиқан англаётганлиги (фил Ҳиндистон билан алоқадорлиги сабабли) ни билдиради.

Иккинчидан, ҳикоятга ҳинду филбон (комили ҳинду нажод) образи киритилган бўлиб, бу образ асл манбадан бошқа сюжетнинг қайта ишланмаларида йўқ. Навоий ҳикоятга ушбу образни шунчаки киритмай, у орқали пири комилнинг рамзий тимсолини гавдалантирган.

Учинчидан, филбоннинг хулосаси бу – ориф кишининг хулосаси эдики, у фил шаклу шамойилидан ихтилофга борган кўрларнинг ҳеч қайсисига ситам ҳам, таъна ҳам қилмади. Балки:

*Деди: ҳар бир улча воқиф эрдилар,
Пил ҳолидин нишоне бердилар.*

Бу айни пайтда Навоийнинг ҳам хулосаси эди.

Энди ҳикоятнинг асл маъносини англаб етиш учун унинг мақолотига диққатимизни қаратайлик.

Маълумки, «Лисон ут-тайр» рамзий-тасаввуфий дoston бўлиб, тасаввуфшунос олим Н.Комилов таъкидлаганидек, «*Аттор ва Навоий тасвирлаган етти водий*

солик руҳининг етти хил товланувчи манзараси – Илоҳга восил бўлиш босқичлари, маърифат зиналарини билдириб келади»⁶. Достондаги етти водийдан учинчиси «Маърифат водийси» деб аталади.

Маърифат тасаввуфий истилоҳ сифатида ҳам икки хил маънони англатади. Биринчидан, тасаввуфнинг тўрт умумий босқичидан учинчиси бўлиб, у ҳақда адабиёт-шунос М. Орипов «Етти водий таърифи» мақоласида шундай дейди: «Маърифат ҳақиқатни, худони билиш босқичи. Бунда солик ўз сезгиларидан холи бўлиб, айрим дақиқаларда бир лаҳза ҳақиқатга етиш имконига эга бўлади, ҳаяжонланади. Бу жазавали ҳолат ҳол дейилади. Маърифат босқичига етган солик ўзи ҳам муршид, устод бўлиши мумкин».⁷

Профессор Н.Комилов тасаввуф назариётчиларининг фикрига асосланиб, маърифатни «илми ҳол» деб баҳолайди.⁸

Достондаги 153-бўлим «Маърифат водийсининг васфи» деб номланган бўлиб, муаллиф мазкур водийни таърифлаб:

*Ихтилофи жузв ила кул мундадур,
Ким тараққийю таназзул мундадур, –*

дейди. Яъни ҳар ким ўзи ҳосил қилган маърифатга асосланиб, бир-бири билан ихтилофга боради:

*Бўлди ўз ирфони ҳар кимга сифат,
Кўп тафовут қилди пайдо маърифат.*

Ушбу маънодаги маърифат ҳақида янада аниқроқ тасаввурга эга бўлиш учун хуросонлик машҳур шайх Харақоний (вафоти 1033 йил)нинг «Нур ул-улум» рисо-ласидаги фикрини келтириш жоиз:⁹ «Агар сен маърифат тўғрисида сўз очмоқчи бўлсанг, унда етти юз боб, ҳар бир бобда бир-бирига ўхшамаган етти юз шохобчалари бор. Олим ўзига илмни танлаган ва илм

билан овунади; зоҳид ўзига зуҳд йўлини танлаган ва шу машғулоти билан хушвақт бўлади. Сан ҳам андуҳ ва ғам-ғусса йўлингдан қолма ва шу йўлда худо (висоли) билан овунишга интилгин».

Маълумки, Алишер Навоийнинг «Лисон ут-тайр» достони Фаридиддин Атторнинг «Мантиқ ут-тайр» асарига жавоб тарзида битилган. Аттор «Мантиқ ут-тайр»да маърифат водийсини «Худони англаш илми» дея уқтиради ва ўқувчисини Яратган маърифатини англашга даъват қилади.¹⁰

Навоий эса устозидан фарқли равишда Аллоҳни англаш йўлидаги фарқни айтиб ўтади ва охирида ўз хулосасини билдиради:

*Ким равишда софи эрди машраби,
Бор эди ул тобеъи шаръи наби.¹¹*

Яъни барча йўллар ичида соф машраби – тоза шароб ичувчиси – танлаган йўли пок бир тариқ бордирки, унда пайғамбар шариатига тобелик мавжуддир. Шоир ўз фикрини ўқувчига аниқроқ етказиш учун мақолотларга исбот тариқасида биз юқорида таҳлил қилган ҳикоятни илова қилади. Унда кўрлар – маърифат соҳиблари – ориф кишилар. Улар филни – Мутлоқ ҳақиқатни ҳар томондан билдилар ва ўз билганларини ҳақиқат деб ҳисоблайдилар.

Ушбу ҳикоятни таҳлил қилган адабиётшунос Усмон Қобилов шундай фикр билдиради: «... тасаввуфда ҳар бир дин мутлоқ ҳақиқатга олиб борувчи йўл сифатида қаралади. Мутлоқ ҳақиқат битта, аммо унга борувчи йўллар турличадир. Сўфийлик адабиётида бу қарашлар турли рамзий-мажозий тимсолларда ифодаланган. Биргина Алишер Навоийнинг «Лисон ут-тайр» достонида келтирилган «Кўрлар ва фил» ҳақидаги ҳикоя бунинг тасдиғидир. Фил (Фаол) – Ҳусни Мутлоқ

рамзи. Уни кашф этишга интилган «жаъми басирлар» турфа дин ва маслаклар тимсолларидир.¹²

Бизнингча, Навоий каби доно инсонлар асарларида бир эмас, бир неча маъно қатлами бўлиши шубҳасиздир. Яъни бир гуруҳ кўр – тасаввуфдаги турли тариқат вакиллари, фил эса – ҳусни мутлоқ, мутлоқ ҳақиқат ёхуд Аллоҳ таолонинг мажозий тимсолидир. Турли тариқат вакиллари, яъни хос кишилар ўзлари танлаган маърифат йўллари орқали Ҳақ таолонинг турли томондан, маълум бир даражасинигина англаб етдилар. Ва ҳаммалари ўзларининг йўлларини тўғри деб ўйладилар.

*Чун сулук ичра кўп эрди ихтилоф,
Кўпраги дурд эрди, ози соф.*

Яъни ҳақиқат йўлидагилар ичадиган шаробининг лойқаси кўп, тозаси оз эди. Бироқ ҳикоятдаги комил филбон борки, у филнинг жаъми хусусиятларидан огоҳ. Шунинг учун у кўрларнинг ихтилофига жавобан:

*...жамъ ўлғонда бу барча сифат,
Пилға ҳосилдур ул дам маърифат, – дейди.*

Бу комил филбоннинг кимлигини Навоийнинг ўзи мақолот сўнгида айтади:

*Ким равишда софи эрди машраби,
Бор эди ул тобеъи шаръи наби.*

Яъни ичадиган шароби тоза – танлаган йўли тўғри бир маслак борки, унда наби (пайғамбар)нинг шариятига тобелик бордир. Шубҳасиз, бу йўл улуғ ватандошимиз Баҳовуддин Нақшбанд яратган нақшбандийлик йўлидир. «Ундан сўрабдилар:

– Сизнинг тариқингизни қандай топиш мумкин?

Айтдилар: «Шариатни маҳкам тутуш ва Расулulloҳ с.а.в. суннатларига тўлиқ амал қилиш билан».¹³

... Барча ҳақиқатни таҳқиқ қилувчилар шундай фикрда яқдилларки, маърифат Пайғамбар саллолоҳу алайҳу васалламга тобеъликсиз ҳосил бўлмайди.¹⁴

Демак, Навоий ҳикоятидаги комил филбон нақшбандия тариқатидаги пири комилдир. Бундан кўриниб турибдики, Навоий «Маърифат водийсининг васфи» мақолотида исбот тариқасида келтирган ҳикоятни айнан ўша мақолотда ўзи шарҳлайди ва ўз нуқтаи назари бўйича таҳлил қилади.

**Зухра МАМАДАЛИЕВА,
Мирзо Улуғбек номидаги
ЎЗМУ аспиранти.**

¹ Алишер Навоий. Лисон ут-тайр. (Насрий баёни билан) Т.: Ғ.Ғулом номли Адабиёт ва санъат нашриёти, 1996. 207-б.

² Ҳинд эртақлари. Т., 1956. 19–20-б.

³ Абу Ҳомид Ғаззолий. Кимёи саодат. Биринчи китоб. Т.: Адолат, 2005. 79–80-б.

⁴ Мавлоно Жалолиддин Румий. Маснавийи маънавий. Учинчи китоб. Форсийдан Жамол Камол таржимаси. Т., 2003. 115-б.

⁵ Алишер Навоий. Насойим ул-муҳаббат. МАТ. Т., 2001. 328-б.

⁶ Н.Комилов. Тасаввуф ёки комил инсон ахлоқи. Т.: Ёзувчи, 1996. 37–38-б.

⁷ М.Орипов. Етти водий таърифи// Гулистон. 1991, 3-сон. 16-б.

⁸ Н.Комилов. Тасаввуф ёки комил инсон ахлоқи. Т.: Ёзувчи, 1996. 37–38-б.

⁹ М.Орипов. Етти водий таърифи// Гулистон. 1991, 3-сон, 14-б.

¹⁰ Шайх Фаридуддин Аттор Нишопурий. Мантиқ ут-тайр. Форсийдан Жамол Камол таржимаси. Т.: Фан, 2006. 304–307-б.

¹¹ Алишер Навоий. Лисон ут-тайр. (Насрий баёни билан) Т.: Ғ.Ғулом номли Адабиёт ва санъат нашриёти, 200-б.

¹² Усмон Қобилов. Илоҳиёт ва бадиият. Т.: Ниҳол, 2008. 52–53-б.

¹³ Абул Муҳсин Муҳаммад Боқир. Мақомоти хожа Баҳоддин Нақшбанд // Ислом тасаввуфи манбалари// Тўпловчи: Ҳ. Болтабоев. Т.: Ўқитувчи, 2005. 202-б.

¹⁴ Хожа Аҳрори Валий. Рисолаи волидия// Ислом тасаввуфи манбалари. Т.: Ўқитувчи, 2005. 210-б.



Муаммо ва у билан боғлиқ санъатларда чалкашлик

Маълумки, юқори синф адабиёт дастурларига ўқувчиларни шеърий санъатлар билан таништириш ва таҳлил қилинаётган асарда қўлланилган шеърий санъатларни бир-биридан ажрата билиш кўникмаларини шакллантириш кўзда тутилган. Аммо адабиётшуносликнинг ўзида ҳам баъзи санъат турларини аниқлашда чалкашликлар мавжуд. Кўпинча муаммо ва истихрож санъатини адаштириш ҳолатлари учрайди. Ушбу мақолада биз шу ҳақда фикр юритмоқчимиз.

Зиёдулла Ҳамидовнинг «Навоий бадий санъатлари» рисоласида А.Навоийнинг машҳур:

*Жонимдаги жим икки долингга фидо
Андин сўнг алиф тоза ниҳолингга фидо
Нун доғи анбарин ҳилолингга фидо
Қолғон икки нуқта икки холингга фидо*

рубойида **муаммо** санъати қўлланганлиги таъкидланади. А.Ҳожиаҳмедов¹, Р.Орзибеков²ларнинг тадқиқотларини кузатсак, худди шу рубойи **истихрож** (китобат) санъатининг гўзал намунаси сифатида келтирилади. Бундай чалкашлик, албатта, илмда турли ноаниқликларнинг келиб чиқишига сабаб бўлмоқда. Мазкур ноаниқликларга ойдинлик киритиш учун иккала санъат турларининг моҳиятига тўхталамиз. А.Ҳожиаҳмедов китобат ҳақида: «*Шеъриятимизда кенг қўлланилиб келинган ушбу санъат (китобат) араб алифбеси ҳарфлари шаклидан лирик ва эпик тимсоллар чизишда фойдаланишни назарда тутади. Маълумки, араб алифбеси тўғри ва*

эри, ёйсимон ва доурасимон шакллардаги ҳарфлардан ташкил топган. Шарқ шоирлари ана шу шаклларга қиёс усули билан ёндошиб муҳим ижтимоий-сиёсий, маърифий-ахлоқий ғояларни ифодалашда маҳорат билан фойдаланганлар», – деб ёзади.³ Юқорида келтирилган рубоийдаги «жон» сўзида «жим» ج ҳарфи – ёрнинг зулфига, «алиф» – ا маҳбубанинг қоматига, «нун» – ن қошига, икки нуқта, яъни «ж» ва «нун» ҳарфларидаги нуқталар ёрнинг икки холига ўхшатилмоқда ва шу асосда ёрнинг жамоли кўз олдимизга гавдалантирмоқда. Худди шундай фикр Р.Орзибеков ҳам «Шеърый санъатлар таҳлили» рисоласида тасдиқлаган.⁴

Эътибор берилса, китобат санъатида араб ҳарфлари шакли бирор нарсага қиёс қилинади ва ана шу ҳарфлар йиғиндисидан шеърда маълум (яширинган) сўз ҳосил қилинади.

З.Ҳамидовнинг «...муаммо келтириб чиқаришда ҳарфий санъатлардан ҳисобланган истихрождан ҳам унумли фойдаланганлар» деган хулосага келиши унинг истихрож санъатини муаммо санъати деб аташига сабаб бўлган бўлса керак. Лекин, маълумки, истихрож ва муаммо икки хил мустақил санъатлардир.

Жумладан, адабиётшунос Р.Орзибеков: истихрожни «муаммо билан зинҳор аралаштириб юбормаслик керак», деб таъкидлайди ва истихрож санъати ҳақида шундай ёзади: « ... Ижодкор истихрож санъатига мурожаат этганида ўқувчилар диққатини ёзувдаги ҳарфлар муносабатига жалб этади ва шу ҳарфлар орқали ўзи кўзлаган поэтик ниятини очиб беришни кўзда тутди. ...

Шоир араб тилидаги ҳарфларни беради-да, уларнинг йиғиндисини ҳам байтда айтиб ўтишни (сездириб ёки сездирмай) лозим топади. Бундай усул гоҳ жўн ҳарфлар номинигина айтиш ва гоҳ китобат орқали келтирилган бўлиши мумкин.

Шоир Муҳаммадниёз Нишотийнинг «Хусну Дил» достонидаги қуйидаги байтлар шундай санъатнинг етук намуналаридир:

Икки ломи зулф аро кўргач алифдек қаддини

Тонг эмас, эй аҳли дарк бўлмас тилининг нутқи лол.

Муаллиф маҳбуба сочларини икки лом ҳарфига ўхшатиб, сочлари орасидаги қоматини алиф сифатида кўрмоқда.⁵

Муаммода ҳарфлар бирор нарсага қиёс этилмайди, жавоби шеърнинг таркибида ҳам берилмайди, балки уни шоирнинг имо-ишорасига кўра топиш керак бўлади. Та-розий «Фунун ул-балоға» асарида ёзади: «Ал-муаммо:

«Уқубат»ни ниҳоятсиз қилур ул бевафо бизга,

Агарчи «ё» қилур бар сар бу ҳижрон ўти жонимға.

... Бу байтдин «яъқуб» пайдо бўлурким, ондин тасҳиф бирла ё «қалб» ё жумал ҳисоби, ё ўзгача»⁶.

Бу ерда ишора «уқубат» сўзининг ниҳоясига (ниҳоятсиз қилиш кераклиги (уқубат-уқуб) ва бошига («ё»(уқуб-ёқуб) қўйиш) эътибор қаратиш лозимлиги таъкидланмоқда. Натижада яъқуб – ёқуб ҳосил бўлмоқда.

Мисраинг юзаки маъноси: ул бевафонинг бизга қилаётган азоб-уқубатининг ниҳояси йўқ, агар бу бошла-ниши бўлса, ҳижрон ўти жонимни (қаддимни) «ё» шак-лида эгик қилади деди. Бу ерда муаммонинг жавоби тушириш ва бир ҳарфнинг ўрнига бошқасини қўйиш на-тижасида чиқади.

Демак, истихрож санъатида қиёсий тимсоллар тўғридан-тўғри араб ҳарфларига ўхшатилар экан. Ёр-нинг қадди алиф – ا га, ошиқнинг қадди дол – د га, ёр-нинг қоши нун – ن га, киприги мим – م га, кўзи айн – ع га, сочи лом – ل га, нуқталар холга ўхшатилади. Ис-тихрож санъатининг яна бир белгиси ўхшатиш билан ҳарфлар йиғиндисидан битта сўз келтириб чиқарилади. Р.Орзибеков бунга шундай мисол келтиради:

«Кўзи айн, андин ёй акси, оғзи мим эрур
Қошлари ул нуна бензаркин, наум устиндадур

(Адо)

Маҳбубанинг кўзини (ء) – айнга (арабчада кўзни «айн» ҳам дерлар), бурнини (ڤ) – ёга, оғзини (م) – мимга ва қошини (ن) – нунга ўхшатиб, шоир ўз севгилисининг қоши, кўзи, бурни ва оғзининг ўрнашиши тартибига асосан «наум» (жаннат) сўзини ҳосил қилади»⁷. Демак, шоирнинг маҳбубаси «жаннат»дек гўзал ё жаннатнинг ўзи. Бу ерда шоир ёрнинг жамолини ҳарфий санъат ёрдамида чизади.

ن + ن

ء ء

ڤ

م

Истихрож санъати қўлланган шеърий парчаларни кузатсак, уларнинг кўпчилигида қайд этилган ҳарфларнинг йиғиндисидан ҳосил қилинган сўз мантикий жавоб вазифасини ўтайди. Муаммо санъатида эса, жавоб(юқорида кўриб ўтганимиздек) маълум қоидалар: тушириб қолдириш, олиб ташлаш, ўрнига бошқасини қўйиш, тескари қилиб ўқиш кабилар асосида топилади. Бу икки санъатни қиёсласак, улар ўртасидаги фарқ катта бўлиб, муаммода истихрож санъатидан фойдаланади, деб бўлмайди. Умуман айтганда истихрож, муаммо, таърих санъатларини умумий ном билан «ишора санъати» деб аташ мумкин. Чунки, таърихда яширинган санага, муаммода яширинган исм ёки номга, истихрожда ҳосил қилинган сўзга ишора қилинади.

Муаммо санъатининг яна бир муҳим хусусияти борки, у бошқа санъатлар билан уйғунликда келади. Бу ўқувчини, албатта, чалғитиши мумкин. Масалан, юқорида «Фунун ул балоға»дан келтирилган «яъқуб» сўзи яширинган муаммонинг икки хил маъно-

си: биринчиси – юзаки маъноси (бевафо менга жабр – «уқубат»ларни «бениҳоят» туганмас даражада кўп қилмоқда. Агар бу ҳижрон ўтининг бошланиши бўлса, жонимни «ё» шаклида қилади) ва иккинчиси – ички маъноси, яъни шоирнинг асл мақсади назарда тутилган («уқубат» сўзини ниҳоятсиз қил, яъни охирги «т» ҳарфини ол ва унинг бошига «ё»товушини қўй) маънолари мавжуд эди.

Шундай хусусият **ийҳом** санъатига ҳам тегишлидир. Жумладан, «Ал-мўъжам»да: *Ийҳом «шубҳага солиш» санъатининг моҳияти шундан иборатки, бунда икки маъноли сўз ишлатадилар: биринчи маъноси яқин, юзаки, иккинчиси узоқ. Бу сўз шундай ишлатиладики, эшитувчи даставвал биринчи маънони қабул қилади, ваҳоланки, сўзловчининг асосий мақсади сўзнинг узоқ, ички маъносидир»⁸ деб таъкидланади. «Жамъи мухтасарда»да ҳам худди шунга ўхшаш фикрлар билдирилади.⁹ А.Навоий «Муҳокамат ул-луғатайн» асариде ийҳом санъатига алоҳида тўхталиб: «*Яна шеърда барча табъ аҳли қошида равшан ва мажмуъ фусаҳо олдида мубаркамдурки, тажнис ва ийҳом бағоят қуллидир. Ва бу фархунда иборат ва хўжаста алфоз ва ишоратда форсийда кўбрак тажнисомиз лафз ва ийҳомангиз нуқта борки, назмга мужиби зеб ва зийнат ва боиси такаллуф ва санъатдур»¹⁰, – деб ёзади.**

Навоий фикрининг эътиборли жиҳати шундаки, у ийҳом санъатини жинсдош сўзлар асосига қурилишини таъкидлайди. Бу ийҳом санъатининг асосий белгисидир, яъни ийҳом бир сўзни икки хил маънода тушунишдир. Санъаткор ана шундай белгидан моҳирона фойдаланади. Биринчи бўлиб шеърда омоним сўзнинг юзаки маъноси тушунилади, сўнг унинг ички маъносига эътибор қаратилади. З.Ҳамидов: «*Атоуллоҳ Ҳусайний ўзининг «Бадоеъ ус-саноеъ» асариде маънавий санъатнинг бир*

тури бўлган ийҳомни тавзия дейилишини, Рашидиддин Ватвот эса тахйил деганини уқтириб ўтганлар (тахйил луғатда хаёлга, бир ўйга солиб қўймактур, аташ важҳи зоҳирдур, тавзия луғатда бир нимани беркитиб, ўзгасини кўрсатмақдур ва аташ важҳи зоҳирдур)¹¹ деб ёзади.

Демак, ийҳомнинг биринчи белгиси хаёлга, ўйга солиб қўйиш, иккинчи белгиси бир нимани беркитиб ўзгасини кўрсатмақдур. Ийҳомнинг ушбу белгилари муаммо санъатининг белгилари билан деярли бир хил. Бундан ташқари, муаммо сўзининг луғавий маъноси ҳам «беркитилган», «яширинган» деган маъноларни англатган.¹² Лекин бундан ийҳом ва муаммони битта нарса деб чалкаштирмаслик лозим. Чунки ийҳомда бир сўзнинг икки хил маъноси тушунилади ёки иккинчи яширин маъноси гумон қилинади. Иккисида ҳам хаёлга кетиш, шубҳага олиш, шунингдек, беркитилган маъно бўлади. Иккисида ҳам беркитилган маъно назарда тутилади. Лекин, муаммода кўпроқ юқорида кўриб ўтганимиздек, муайян қонунқоидалар асосида яширин жавоб топилади. «Ийҳомда эса бир сўзнинг бошқа маъноси ҳам борлигидан шубҳага тушади, холос. Шунингдек, муаммода ишора қилинган сўзлар қўштирноқ ичига олинади, маълум бир қоидалар асосида жавоб топилишига йўл кўрсатилади. Ийҳомда эса бундай хусусиятларни кўрмаймиз. Атоуллоҳ Ҳусайний муаммо санъатини икки турга ажратади, уларни гумон асосига қурилишини таъкидлайди ва бу санъатни ийҳом билан боғлайди.¹³

Адабиётшунос Ёқубжон Исҳоқов «Сўз санъати сўзлиги» рисоласида ийҳом санъатини ички ва ташқи шакли билан алоқадор (*тажнис, иттифоқ, иштиқоқ, қалб мутазалзил* каби) санъатлар, муаммони эса мураккаб (*таърих, ҳижои ҳуруф, ҳарф билан боғлиқ усуллар*) санъатлар қаторига киритади.¹⁴ Худди мана шу гуруҳланиш икки санъат орасида катта фарқ борлигини

исботлайди. Ийҳом ҳақиқатан ички ва ташқи шакли билан боғлиқ санъатлар турига киради. Шакл жиҳатидан бир хил сўз икки хил маънода ўз маъносида ва кўчма маънода тушунилиши мумкин. Лекин ўз навбатида тажнисдан фарқланади. Тажнис битта шаклдош сўз асосига эмас, балки бир нечта шаклдош сўзлар асосига қуриладиган санъатдир, ийҳом эса битта шаклдошнинг турли маъноларига асосланади. Уни китобхон фақат ўткир зеҳни билан англаши лозим.

Бу ҳақда тўхталган А.Ҳожиаҳмедов «Мумтоз бадиият малоҳати» асарида «...Ийҳом санъати ўз хусусиятлари жиҳатидан тажнис санъатига яқин туради. Фарқ шундаки, тажнис қўлланганда, байт ёки бандда икки шаклдош сўз келиб икки маънони ифодалайди. Масалан, Бобурнинг:

*Бобур деса ойини не тонг жавру жафолиқ,
Ким ҳусн эли ойини, бале, жавру жафодур*
байтидаги «**ойини**» жинсдош сўзлари икки ўринда келиб, биринчи мисрада «ойини» сўзи ой юзлик гўзални маъносида, иккинчисида эса «одати» маъносида ишлатилган. Лутфий қаламига мансуб:

Мунажжим қошу кўзунг кўргач айтур
Ким: «Ушбу ой бошинда фитналар бор»
байтидаги «ой» ва «бош» сўзларининг ҳар бири икки маънода, бирикма тарзида эса «ойдек гўзалнинг бошида» ва «шу ойнинг бошларида» деган мазмунларни ифодалаб, ийҳом ҳосил қилади», – деб ёзади.¹⁵

Демак, ийҳом битта сўз ёки сўзлар бирикмаси шаклдошлигига, тажнис эса шеърий мисраларда келтирилган бир хил шаклдаги бир нечта сўзлар шаклдошлигига асосланар экан. Муаммо эса улардан фарқли равишда шеърий мисрада ишора қилинган «бир нечта сўзлар»нинг топилиши керак бўлган «сўз» (жавоб) билан тажнислигига асосланади.

Садриддин Айний ҳам муаммо ҳақида: «Бу махсус ишоралар турли-туман бўлиб, уларнинг энг машҳурлари қуйидагилар: 1) шеър ёки гапдаги сўзнинг топилиши керак бўлган ном билан маънодошлиги; 2) шунингдек, ўша сўзнинг ном билан юзаки кўринишида нуқта ва зеру забарларидан қатъи назар шаклдошлиги, ҳар иккисининг абжад ҳисобига тенглиги; 3) зоҳирий маъносидаги ишорага асосан ном чиқадиган қилиб, ўша сўзни қисқартириш ёки орттириш; 4) зоҳирий маъносидаги ишораларга асосан ўша сўз ҳарфларининг ўрнини алмаштириш ва ҳоказолар ...»¹⁶, – деб ёзади.

Р.Орзибеков «Ўзбек шеърини жанрлари» рисоласида муаммога мисол сифатида К.Хоразмийнинг байтини келтириб шундай ёзади:

*«Киши ўз тенгидан агар бўлса кам,
Етишар анга бениҳоят алам,*

муаммо байтидан камол деган исм ёки сўз келиб чиқиши керак. Бунни топиш учун шоир ишораларига мурожаат қиламиз. Арабчага айлантирилган кам-алам сўзлари бир-бири билан тенглашиши (қўшилиши) лозим. Шунда алам бўлади. Иккинчи ишорага кўра «алам» сўзидаги ниҳоят (яъни охири – Р.О.) йўқ, шунга кўра «алам» сўзидаги охирги ҳарф чиқариб ташланади ва «камол» сўзи қолади»¹⁷. Шеърнинг умумий мазмуни ҳам топилиши керак бўлган сўзга маънодош: яъни, камол топмаган киши ўз тенгидан ўзини кам деб ҳис қилади, сабаби у кўнглидаги ҳасадни ўлдириб комилликка эришмаган.

Демак, комилликка эришган кишининг кўнгли ҳасад, алам каби иллатлардан фориғ бўлади. Бу даража «камол» ёки «камолот» босқичи дейилади. Шеърнинг мазмуни, ғояси «камол», жавоб ҳам «камолдир». Шаклдошлик: ишора қилинган сўзлар «кам», «алам» сўзлари араб алифбоси бўйича к, м, л, м ҳарфларидан ташкил топган бўлиб, шоир улардан охиргисини тушириб

қолдиришга (к, м, л қолади) ва уларни қўшиш орқали муаммонинг жавобини топишга ишора қилади. Натижада «камол» сўзи юзага келади. Эътибор берсак, муаммодаги ишора қилинган сўзлар «кам», «алам» ва жавоб (камол) шакл жиҳатидан араб алифбосида тенг келадиган бир хил ҳарфлардан ташкил топгандир. Муаммони топишда эса тушириб қолдириш ва қўшиш усулларидадан фойдаланилган.

Фитрат ҳам ўзининг «Адабиёт қоидалари» номли рисоласида муаммо ҳақида тўхталиб, қуйидаги мисолни келтиради («Жунайид» исмига):

*«Оҳ» ўқин «жон»дин чекарсам ул париваш «ёд»идан,
Қолмас ул ёдимда ҳам фарёд онинг бедодидин.*

«Жон» сўзидан «оҳ» нинг ўқи бўлган алиф (ا) ҳарфи чиқарилса «ж, н» қоладир. Шу алиф (ا) ҳарфи «ёд» сўзида ҳам қолмаса «й, д» ҳарфлари қоладир. «Ж, н, й, д» ҳарфлари бирлашгач, эски имлода «Жунайид» исми чиқади». ¹⁸ Бу ерда ҳам ишора қилинган сўз «жон», «ёд» сўзлари билан муаммонинг жавоби «жунайид» ҳам шаклдошдир. Шоир алиф (ا)ни «жон» сўзидан ва «ёд» сўзидан чиқариб ташлашга ишора қилади ва муаммонинг жавоби шу асосда келиб чиқади: ж, н, й, д – жунайид – жавоби, усули фақат чиқариб ташлашдир.

Эътибор берсак, бу ерда шаклдошлик ишора қилинган сўзлар ва жавоб ўртасида эмас, балки байт мазмунининг юзаки ва ички маъносида ҳам мавжуд. Шеърнинг юзаки маъноси: ул париваш ёди туфайли ҳосил бўлган оҳ ўқларини (ёки соғинч ҳисларини) жонимдан чиқарсам, унутсам, танамда унинг бедодидан фарёд қолмайди. Бу шеърнинг мазмуни, шоирнинг дарди. Лекин эътибор берсак, муаллиф шеърга бу фикрни сингдириши билан биргаликда, ички томондан маълум исми яшириб ҳам бермоқда ва уни топишга ишора қилмоқда. Кўпчилик ҳолларда шеърнинг юзаки маъноси тушунилади, ички сеҳри қачон шоир

нима яширганини таъкидлаб кўрсатсагина, унга эътибор қаратади. Одатда ишора қўштирноққа олиш ёки жавобини бериш орқали амалга оширилади.

Хулоса қилиб айтганда, мумтоз адабиёт асарлари устида ишлашда ўқувчиларга ҳар бир асарнинг бадиий жиҳатларини кўрсатиш ва тушунтириш, шеърий санъатларнинг юқорида тилга олинган хусусиятларига эътибор қаратиш зарур. Чунки шеърнинг асл мазмунини шоир қўллаган шеърий санъат ёрдамидагина тушуниб олиш мумкин.

**Сожида ДЖУРАЕВА,
СамДУ аспиранти.**

-
- ¹ А.Ҳожиаҳмедов. Мумтоз бадиият малоҳати. Т.: Шарқ, 1999.
² Р.Орзибеков. Шеърий санъатлар таҳлили. Самарқанд, 2000.
³ А.Ҳожиаҳмедов. Мумтоз бадиият малоҳати. Т.: Шарқ, 1999. 103-б.
⁴ Р.Орзибеков. Шеърий санъатлар таҳлили. Самарқанд, 2000, 42-б.
⁵ Ўша асар, 36-б.
⁶ Шайх Аҳмад Тарозий. Фунун ул-балоға // Ўзбек тили ва адабиёти. 2002, 6-сон, 74-б.
⁷ Р.Орзибеков. Шеърий санъатлар таҳлили. Самарқанд, 2000, 41-б.
⁸ Ал-мўъжам. Техрон нашри. 326-б
⁹ Джами. Мухтасар (Танқидий матн). М.: ИВА, 1965. С. 76.
¹⁰ Навоий. Асарлар. 15 жилдлик. 14-жилд. Т., 1967, 112-б.
¹¹ З.Ҳамидов. Навоий бадиий санъатлари. Т., 2001, 11-б.
¹² Қаранг: Ҳ.Ҳомидий, Ш.Абдуллаева, С.Иброҳимова. Адабиётшунослик терминлари луғати. Т.: Ўқитувчи, 1967, 119-б.
¹³ Атоуллоҳ Ҳусайний. Бадойиъус-с-санойиъ. Т.: Ф.Фуллом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1981, 193-б.
¹⁴ Қаранг: Ёқубжон Исҳоқов. Сўз санъати сўзлиги. Т.: Зарқалам, 2006, 13-б.
¹⁵ А.Ҳожиаҳмедов. Мумтоз бадиият малоҳати. Т.: Шарқ, 1999, 75–76-б.
¹⁶ С.Айний. Асарлар. 8-жилд. Т., 1967, 333-б.
¹⁷ Р.Орзибеков. Ўзбек шеърини жанрлари. Т.: Фан, 2006, 326–327-б.
¹⁸ Фитрат. Адабиёт қоидалари. Т.: Ўқитувчи, 1995, 81-б.



Навоий асарларида гул морфемали сифат ва равиш сўзларнинг қўлланиши

Маълумки, мумтоз шеърятда тилга бадий кўтаринки руҳ бериш ва, айниқса, лирик тасвир таъсирчанлигини ошириш учун сифатлаш, ўхшатиш санъатлари кўп ишлатилган. Бунда сифат ва равиш сўзларнинг алоҳида ўрни бор. Алишер Навоий асарлари тилида ҳам ижобий маъноли **гул** сўзи ва у воситасида ҳосил қилинган қўшма сўз ҳамда сўз бирикмалари бадий тасвирда ўзига хос вазифа бажарган.

Гуландом «гул бичим, нозанин, хушбичим» маъносида:

*Бу мажлис ичра ҳозир ўн дилором,
Бори ҳам сарвқомат, ҳам гуландом¹ (412-б.).*

Бу сўз **сарви гуландом** бирикмасида «гул қоматли маҳбуба, гўзал ёр» маъносида қўлланган:

*Сарву гулга боғ аро дерменки, айлай жон фидо,
Токи жоним қасди бир сарви гуландом айламиш (412-б.).*

Гулафшон «гулдек очилиб турувчи, чаросдек» маъносида:

«Бу ҳазратким, бу мажлис аҳлининг садрнишинидурлар... гулшани табълари гулафшон ва суманбез, сархайлға вусули илоҳий етсун» (413-б.).

Гулбўй «атиргул ҳидли, хушбўй» маъносида:

*Соқиё, тут манга гулбўй қадаҳ,
Халқ кўнглидин аламшўй қадаҳ (414-б.).*

Гулгун «қизил, пуштиранг» маъносида:
Туна кундин такаллуф ўлди фузун,
Гулжабинлар тутуб майи **гулгун** (414-б.).

Гулгуна «упа-элик, зийнат» маъносида:
Гулгуна чекарга қилсам оҳанг,
Зам айлай анга бу чехрадин ранг (414-б.).

Бу сўз «қизил, қип-қизил» маъносида ҳам қўлланган:
Хаёлинг ҳуснига кўнглумда зийнат берса ҳижронинг,
Эрур **гулгуна** қон машшота ишқу кўзгу пайконинг (414-б.).

Гулгунпўш сўзи **этмоқ** кўмакчи феъли билан «қип-қизил қилмоқ» маъносида:

Ҳам этти нофаи мушкунг қамарни машк давож,
Ҳам этти гулшани лутфунг шафақни **гулгунпўш** (415-б.).

Гулкирдор «гул каби, гулдай, гулга ўхшаш» маъносида:
Намудор ичра **гулкирдор** бўлса,
Такаллум ичра булбулвор бўлса (416-б.).

Гулмонанд, «гулга ўхшаш, гул монанд» маъносида:
Ўзи гулрангу **гулмонанд** зоти,
Бўлуб Гулгун халойиқ ичра оти (416-б.).

Гулноргун «гулнор (қизил) рангли» маъносида:
Алар **гулноргун** қаср ичра гулпош,
Кўтармай лаългун майдин дами бош (417-б.).

Гулогин «гул билан безатилган, гулдор» маъносида:
Дегайлар сарв қадду хилъатингни,
Ва лекин сарв ким кўрмиш **гулогин** (417-б.).

Гуломез «гул ҳидли» маъносида:
Не тароватдурур ул юздаки, хайдин қилмиш,
Гулни шабнамзада, шабнамни **гуломез** яна (417-б.).

Гулпош «гул сочувчи» маъносида:
Елга рухсору танинг очиб, магар бердинг ҳаёт,
Ким умид аҳлиға **гулпошу** самандбез эсди ел (417-б.).

Гулранг «гул тусли; қизил» маъносида:

*Нома ёзган чоғда бўлмиш эрди хунафшон кўзум,
Оқ варақ гулранг бўлди, токи сочти қон кўзум (418-б.).*

Гулрух «гўзал юзли, сулув» маъносида:

*Чу гул термакка ул сарви гуландом,
Қўяр гулшанда гулрухлар била гом (418-б.).*

Гулрухсор «гул юзли, гўзал» маъносида:

*Мен не қилғайман анга лойиқ, магар минг сарву гул,
Олиб озод эткамен ул сарви гулрухсор учун (418-б.).*

Гулрўй «гул юзли, гўзал, чиройли» маъносида:

*Гулбун ўлди пасту сарв асру бийиқ, биллаҳки, бор,
Сарви гулрўйим қадининг эътидоли ўзгача (418-б.).*

Гулфом «гул ранг – қизил ранг» маъносида:

*Ҳар қачон ул қилиб нишотқа азм,
Тузса гулфом асри саҳнида базм (418-б.).*

Бу сўз **айламоқ** кўмакчи феъли билан аналитик шакл ҳосил қилиб, «қизартирмоқ, қизил тусга киритмоқ» маъносида ҳам қўлланган:

*Дайрни қилмиш кўзумга гулистон, эй муғбача,
Ул майи гулгунки, рухсорингни гулфом айламиш (418-б.).*

Гулҳад «гўзал жамол, гул юз» маъносида:

*Ҳам аввал кунда берди сарви гулҳад,
Атоға ҳадяи таълими абжад (419-б.).*

Гулчеҳра «чеҳраси гулдай, соҳибжамол» маъносида:

*Топмадим гулчеҳралардин шаммаи бўйи вафо,
Эй Навоий, нечаким елдек таку пўй этмишам (419-б.).*

Бу сўз **гулчеҳраи хуршедваш** форсий изофада қатнашиб, «қуёшга ўхшаш гўзал» маъносини ифодалайди:

*Ўзи бир тахт устида Жамшедваш,
Ёнида гулчеҳраи хуршедваш (419-б.).*

Гулшакар «ширин, мазали, лаззатли» маъносида:

*Хору қамишнинг тубидин луқмахўр,
Лек бериб таъм анга гулшакар (419-б.).*

Гулшанвор «чаманзордай, гулшан каби» маъносида:

*То берай, кўнглум ўлиб гулшанвор,
Кўзга шаҳзода юзидин анвор (420-б.).*

Гульзор «гўзал юзли, соҳибжамол» маъносида:

*Кирди сиймобий либос ичра яна ул гульзор,
Ул қуёшдекким, анга монёъ бўлур абри баҳор (420-б.).*

Маълумки, сифатлар ва равишлар белги билдирувчи сўзлар бўлгани сабабли, бир тушунча доирасидаги турли нозик маъно қирраларини ифодалашга хизмат қилувчи маънодош (синоним) сўзлар ҳосил қилиш учун қулайдир.

Юқоридаги мисоллардан кўринадики, Алишер Навоий ўз асарларида **гул** морфемали сифатлар ва равишлар доирасида ҳам маънодош сўзлардан унумли фойдаланган. Юқоридаги мисолларда **гулгун, гулгуна, гулноргун, гулранг, гулфом** сифатлари Алишер Навоий ва ҳозирги ўзбек тилидаги «қизил» (яъни «гулранг») маъносини турли жиҳатдан ифодалаётган маънодош сўзлардир. Шунингдек, **гулрух, гулрухсор, гулрўй, гулхад, гулчехра, гульзор** сифатлари ҳозирги ўзбек тилидаги **чиройли** (Навоийда **чиройлик//чиройлиқ//чиройлиғ**), **сулув** сўзларининг нозик қирраларини ифодалаётган маънодошларидир. (Ҳозирги тилимиздаги **гўзал** сўзи Навоий асарлари тилида қайд қилинмаган). Навоий байтларидаги **гулбўй, гуломез** ҳозирги «хушбўй» маъносидаги, **гулкирдор, гулмонанд** эса «гулга ўхшаш» маъносидаги сўзлардир.

Алишер Навоий асарлари тилидаги **гул** морфемали сифат ва равиш сўзларнинг маънодошлиги ва ҳозирги

Ўзбек тилига муносабатини қуйидаги жадвалда кўриш мумкин:

Навоий асарларида қўлланган маънодош қаторлар	Ҳозирги ўзбек тилидаги доминант маъноси
Гулгун Гулгуна (2-маъноси) Гулноргун Гулранг Гулфом	қизил
Гулрух Гулрухсор Гулрўй Гулқад Гулчеҳра Гулъузор	чиройли, сулув
Гулбўй Гулomez	хушбўй
Гулкирдор Гулмонанд	гулга ўхшаш

**Маҳфуза УСМОНОВА,
ЖДПИ катта ўқитувчиси.**

¹ Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати. 1-жилд. Т.: Фан, 1983. (Кейинги мисоллар ҳам шу манбадан олинган бўлиб, саҳифаси қавс ичида кўрсатилган).



Атоқли отлар асосида шакланган ўзлашма минералогик терминлар хусусида

Маълумки, минералогия фани минераллар тўғрисидаги, уларнинг таркиби, тузилиши, келиб чиқиши ҳақидаги фан бўлиб, у бир томондан геология, палеонтология, археология, кристаллография фанлари билан, иккинчи томондан химия, зоология, палеоботаника сингари қатор фанлар билан узвий боғлиқдир. Бу фан минералларнинг кимёвий таркиби, ички тузилиши, физик хусусиятлари, улар орасидаги боғланишлар, ҳосил бўлиш жараёнлари, халқ хўжалигида қўлланиш усуллари хам тадқиқ этади. Шу кунга қадар ўзбек тилида соф минералогик терминлар луғати яратилганича йўқ. Шунга кўра тилимиздаги минералогик терминларни унга ёндош бўлган, биз юқорида санаб кўрсатган фанларга оид терминологик луғатлардан қидириб топиш мумкин.

Таҳлиллар шуни кўрсатдики, ўзбек тилидаги минералогик терминларнинг маълум қисми атоқли отлар (топоним, антропоним кабилар) ва бошқа ономастик бирликлар (этноним, теоним, мифоним, космоним кабилар) асосида шакланган. Биз ушбу мақолада ана шундай ясама минералогик терминларнинг айримларини изоҳлашни лозим топдик. Минералогик терминларни тўплашда О.Содиқовнинг «Геология луғати»¹, Ғ.О.Мавлонов, Г.А.Утюшевларнинг «Русча-ўзбекча геология терминлари луғати»², «Геологиядан русча-ўзбекча луғат»³ каби лексикографик манбалардан фойдаланилди.

Минералогик терминлар қаторида антропонимлар, топонимлар ва гидронимлар асосида шакланганлари мавжуд.

I. Антропонимлар асосида шаклланган минералогик терминлар:

1. *Авиценнит* – калийли минерал бўлиб, бу минералга Ўрта Осиёлик буюк олим Абу Али ибн Сино шарафига шундай ном берилган (9-б.). Бу минерал дастлаб 1958 йили Ўзбекистоннинг Бухоро вилоятидаги Жусали конидан топилган.

2. *Авогадрит* – бу минералга италян физиги ва кимёгари А.Авогадро шарафига шундай ном берилган (9-б.). Бу минерал дастлаб Везувий вулканининг фумарол ҳаракати маҳсулотлари орасидан топилган.

3. *Андрадит* – бу минерал португалиялик машҳур минеролог олим Андрад шарафига қўйилган (19-б.).

4. *Бекке чизиғи* – минералнинг чегараси бўйлаб ҳосил бўладиган ёруғ чизиқ. Буни австриялик минеролог ва петрограф олим Фридрих Бекке 1893 йилда топганлиги учун шу ном билан аталган (28-б.).

5. *Биотит* – тоғ жинслари ҳосил қилувчи минерал. Бу термин француз минерологи Ж.Био номига қўйилган (30-б.). Биотит кукунидан турли хил бўёқлар олинади, бу минерал Ўрта Осиёда кенг тарқалган.

6. *Волластонит* – юқори ҳароратда ҳосил бўладиган метаморфик минерал. Бу термин инглиз кимёгари Х.Волластон номидан олинган (34–35-б.). Волластонит Ўзбекистонда Қўйтош кони (Шимолий Нурота)да учрайди.

7. *Вульфенит*. Бу термин Австрия минералоги Ф.Вульфен номи билан аталган (37-б.). Ўзбекистонда вульфенит минерали қўрғошин ва қалай конлари (Олмалиқ ва бошқа жойлар)дан топилган.

8. *Геденбергит* – пироксенлар гуруҳига мансуб минерал. Швед минерологи Л.Геденберг номи билан аталган (40–41-б.). Бу минерал Ўзбекистондаги скарн конларида учрайди.

9. *Гётит* – ранги оч тўқ қўнғирдан қорагача бўлган минерал (46-б.). Бу минерал буюк немис шоири В.Гёте

(1749–1832) шарафига қўйилган. Гётит минерали темир рудаси ҳисобланади ва ер юзасининг энг устки қисмида кислород ва сув етарли бўлган шароитда ҳосил бўлади.

10. *Хамрабаевит* минералининг номи ЎзФА академиги И.Ҳ.Ҳамрабобоев номига қўйилган. Бу минерал Ўзбекистонда Чотқол тизмасининг жанубий ёнбағридаги Арашан тоғларидан геолог олим Р.Ю.Осупов томонидан топилган (229-б.). Унинг эталонли намунаси А.Е.Ферсман номли минераллар музейида сақланмоқда.

II. Топонимлар асосида шаклланган минералогик терминлар:

1. *Адамеллит* минералининг номи Жанубий Тиролдаги Адамелло массиви номидан олинган (12-б.). Бу тоғ жинсини фанга 1890 йилда Катрейн киритган эди.

2. *Адуляр* минерали Швецариядаги Адуляр тоғликлари номи билан аталган (12-б.). Бу минерал калийли дала шпати ортоклазнинг шаффоф рангсиз туридир.

3. *Англезит* минералига Англиянинг Энглези вилоятидан топилгани учун шундай ном берилган (18-б.). Ранги оқ, оқш кулранг, олмооссимон бўлиб, баъзан шишасимон ялтирайди. Бу минерал Ўзбекистоннинг Олмалик туманидаги қўрғошин конида ҳам мавжуд.

4. *Андалузит* минерали Испаниянинг Андалузия вилояти номи билан аталади (18-б.). Қозоғистонда андалузитнинг катта захираси мавжуд. Ўзбекистонда Зирабулоқ-Зиёвуддин ва Нурота тоғларида ҳам учрайди.

5. *Андезит*. Тоғ жинсини ифодаловчи бу термин Анд тоғларининг номи асосида шаклланган (18–19-б.). Андезитлардан йўл қурилишида, кимё саноатида кислотага бардошли материал сифатида фойдаланилади.

6. *Арагонит* минералининг номи Испаниядаги Арагон вилояти номи билан боғлиқ (20–21-б.).

7. *Байос яруси* – юра даври ўрта бўлимининг пастдан иккинчи ярусини ифодаловчи бу термин Нормандиянинг Байэ шаҳри номидан олинган (26-б.). 1847 йилда

Д.Орбини томонидан кашф қилинган. Ўзбекистонда байос яруси ётқизиқлари Жанубий Фарғона, Устюрт, Ҳисор тоғларида кўмир, туз, нефть, газ, кўрғошин ва бошқа конларида учрайди.

8. *Бентонит* – монтмориллонит ва бейделлитдан иборат гил минералининг номи. Бу термин АҚШдаги Бентон кони номидан олинган (28-б.). Бентонитдан тиббиётда дори сифатида, саноатда вино, мой ва нефть маҳсулотларини тозалашда қимматли хомашё сифатида фойдаланилади. Бу минерал Грузия, Озарбайжон, Украина, Татаристон, Қозоғистон, Ўзбекистон (Шўрсув, Азкамар, Кўкайти, Деҳқонобод)да кўп учрайди.

9. *Везувиан* – сариқ, яшил, кўнғир, қизил ва пушти рангдаги минерал. Биринчи марта Везувий вулкони атрофларида топилгани учун шу ном билан аталган (33-б.). Везувийнинг даста ўтсимон йирик ва чиройли тўпламлари Зирабулоқ, Қоратепа ва Жанубий Нуротадаги скарн конларидан топилган.

10. *Габбро* интрузив магматик тоғ жинсининг номи бўлиб, бу минерал тўқ кулранг, донадор кристаллардан иборат. Бу минерал номи Италиядаги жой номидан олинган (38-б.). Ўзбекистонда Нурота, Қурама, Чотқол, Ҳисор тоғларида учрайди.

11. *Гавайит* – эффузив тоғ жинсларидан бири. Бу минерални биринчи бўлиб Р. Дэли аниқлаган (38-б.). Гавай оролларида кўп тарқалгани учун бу минералга шундай ном берилган.

12. *Қизилқумит*. Бу минерал Қизилқумда топилгани учун унга шундай ном берилган. Мураккаб оксидлар гуруҳига мансуб бўлган бу янги минерал 1981 йилда топилган (ЎЗМЭ. XI том. 5-б.).

III. Гидронимлар асосида шаклланган минералогик терминлар:

1. *Агат* – ақиқ минералининг номини ифодаловчи бу термин Сицилия оролидаги Ахатес (ҳозирги Дирилло)

дарёси номидан олинган (11-б.) бўлиб, у кварц гуруҳига мансуб минераллардан биридир.

Шундай қилиб, ўзбек тилидаги ўзлашма минералогик терминларнинг шаклланишида атоқли отлар ва бошқа ономастик бирликлар иштирок этган. Энг муҳими, бундай ўзлашма терминлар орасида ўзбек олимларининг номи асосида шаклланганлари (*авиценнит*, *хамрабаевит* кабилар), мамлакатимиз топонимлари асосида ясалганлари (қизилқумит кабилар) ҳам бор.

**Гулноз ЭРНАЗАРОВА,
Навоий Давлат педагогика институти
ўқитувчиси.**

¹ О.Содиқов. Геология луғати. Т., 1958.

² Ғ.Мавлонов, Ғ.Утюшев. Русча-ўзбекча геология терминлари луғати. Т., 1978.

³ Геологиядан русча-ўзбекча луғат. Т.Н.Долимов таҳрири остида. Т.: Ўзбекистон, 1995. 240-б. (Кейинги мисоллар ҳам шу манбадан олинган бўлиб, саҳифаси қавс ичида кўрсатилган).



Журналдан кўчириб босилганда «Тил ва адабиёт таълими»дан олинди, деб изоҳланиши шарт.

Журналда нашр этилган мақолаларда муаллифларнинг таҳририят нуқтаи назарига мувофиқ келмайдиган фикр-мулоҳазалари бўлиши мумкин.

Таҳририятга келган қўлёзмалар муаллифларга қайтарилмайди.

Босмахонага 16.08.2010 йилда топширилди. Офсет усулида чоп этилди. Қоғоз бичими 60x84 $\frac{1}{16}$. Шартли босма табоғи 5,58. Нашриёт ҳисоб табоғи 5,5. «Arial» гарнитураси. 12; 14 кегл. Адади 5860 нусха. Буюртма № _____.

Журнал индекси: 872

**«RELIABLE PRINT» МЧЖ босмахонасида чоп этилди.
Манзил: Тошкент, Фурқат кўчаси, 2-уй.**